



**ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ  
АДАБИЕТ ВА САЊАТ НАШРИЁТИ**

**Тошкент — 1973**

# **МИРМУҲСИН**

## **ТАНЛАНГАН АСАРЛАР**

**УЧ ТОМЛИК**

# МИРМУҲСИН

**БИРИНЧИ ТОМ**

**ШЕЪРЛАР, ДОСТОНЛАР**

Инд. 7-4-3-24 1131-73  
М-М-352-06-73

## ТАРЖИМАИ ҲОЛИМ

Мен 1921 йил 3 майда Тошкентнинг Қўрғонтаги маҳалласида туғилдим. Ота-боболарим кулол-хунарманд ўтган. Отам йигирманчи йилларда «Қизил кулол» артелини ташкил этишда қатнашганлардан бири. Мен болалик чоғларимда шу кулоллар ишининг романтикаси билан қизиққан ва бунинг устига улар даврасида — қиш ойларида сандал четида ўтириб, жангномаларни қайта-қайта эшитганман. Қулоғимда «Паҳлавони Аҳмад», «Абомуслим», «Рустами дoston», «Искандар», «Зарқум» ва ора-чора «Алиф лайло ва лайло...»лар ҳамон жаранглаб туради. Улар негадир ошиқона ғазалларни унча ўқишмаслигига кейинчалик фаҳмим етиб, таажжубланардим. Ўзим ҳам отамга қарашиб, унча-мунча сопол идиш яшашни ўрганиб олганман. Амакиларимнинг баъзилари мўйнадўз-телпакчилик билан ҳам машғул бўлган. Тоғам 1917 йилдан партия аъзоси, умрининг охиригача райком секретари бўлиб ишлаган. Бизларнинг уруғимизда, асосан, баланд бўй, серсоқол Мирсанд кулол, Чигатой даҳасининг Қўрғонтаги мавзуида, ҳозирги ўқитувчилар боғи деган жойда машҳур бўлган.

Мен адабиётга жуда ёшликдан қизиқдим; ўн беш ёшимдан шеър ёзиб, уни мактаб деворий газеталарида бостирдим. Жангномаларни кўп эшитганим сабабли бўлса керак, адабиёт ўқитувчиларим менинг жуда кўп сўз билишимга таажжубланишарди. 1936 йили комсомол сафига кирдим, кейинчалик мактаб комсомол ташкилотининг биринчи секретари бўлиб ишладим. Мак-

табда ўқиб юрган вақтларимданоқ «Ленин учқуни», «Еш куч», «Вожатий», «Еш ленинчи» газета, журналларида ўзимнинг дастлабки шеърларим билан қатнашдим. 1938 йили Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтига кирдим. Студентлик давримни — олтин даврим дейман. Мен Пушкин, Лермонтов, Некрасов даҳоси ва унинг беқиёс поэзияси билан сеҳрланганман. Бу йиллар ўзбек халқ дostonлари, термаларини ўқиб ўргандим — фольклордан дарс берадиган домларимнинг таъсир кучи бўлса керак, оғзаки адабиётимиз дурдоналари билан бир қадар танишдим. Бу ҳўп яхши иш бўлган экан, ҳозиргача бирор асар устидан ишласам ўзимни бардам сезаман. Фирдавсий, Навоий, Бедил, Саъдий, Ҳофиз, Тагор, Байрон, Гёте, Шиллер, Тўқай, Бобир, М. Иқбол, Шчипачев, Тихонов, Қодирий, Ғафур Ғулум, Ойбек, Ҳ. Олимжон, Уйғун... асарларини ўрганишга кейинроқ киришганман, ўзини билган шоирларни ўрганмай ҳеч қачон тузук шоир бўлолмайди. Бу улўф шоирларни биз ўла-ўлгунча ўқиймиз, ўқиб охирига етиб ҳам бўлмайди.

Дастлабки шеърий тўпламим «Вафо»дир.

Институтни тугатгач, ўрта мактабда адабиёт ўқитувчиси, Ўзбекистон Комсомоли Марказий Комитетида сектор мудирини, «Мотор» номли кўп тиражли газетанинг редакторини, радиода редактор, Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг секретарини, «Шарқ юлдузи» журналининг бош редакторини, «Совет Ўзбекистони» газетасининг бўлим мудирини, «Муштум»нинг бош редакторини ва ниҳоят яна «Шарқ юлдузи»нинг бош редакторини бўлиб ишламоқдаман.

1945 йили КПСС сафига кирдим.

СССР ёзувчиларининг II, III, IV ва V съездларига делегат ҳамда V съезд марказий ревизия комиссиясига аъзо бўлиб сайландим. Шу кунгача юздан ортиқ катта-кичик китобларим она тилимда, рус ва бошқа қардош халқлар тилларида нашр этилди — бунинг учун партия ва ҳукуматимизга ташаккур!

Асарларимнинг баъзиларини номма-ном қайд этаман:

Поэмалар: «Қамар», «Ойга учиш», «Ватан қизи», «Луиза фожияси», «Уста Ғиёс», «Дўна», «Яшил қишлоқ», «Ойша хола», «Абдулла Набиев», «Қадрдонлар»,

«Венесуэлалик Тереза хоним», «Широқ», «Невара» ва бошқалар... 1957 йили кўп йиллик ишим — «Зиёд ва Адиба» шеърӣ романимни тугатиб, нашр этиб, Москвага Декадага олиб бордим. Адабиётчи ва қаламкаш дўстларим, менга шеърӣят қоидаларини ўргатган пешқадам ёзувчилар биринчи китобим «Вафо» ҳақида яхши фикрлар айтишгани, бу тўпламнинг муваффақияти кейинги ишларимга катта туртки берди. Ундан сўнг «Ватандошлар», «Фарғона», «Шеърлар ва поэмалар», «Ирмоқлар», «Қалб ва фалсафа», «Лирик шеърлар», «Тонгни қутлаб» ва бошқа шеърӣ китобларим бирин-кетин чиқа бошлади. Шу йиллар ичида Москвада ҳам «Ферганская весна», «Стихотворения и поэмы», «Лирические строки», «Возвращение в жизнь», «Джамиля», «Мастер Гияс», «Неугасимость», «Слива и урюк», «Маленький врач» китобларим рус тилида нашр этилди. Мен мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар учун ҳам кичик ҳикоялар ёзганман — «Юлдузлар», «Лола», «Жонли хат», «Мардон», «Иқбол ва капалак», «Кичик ҳикоялар» шулар жумласидандир. Баъзи насрий асарларим, болалар учун ёзган ҳикояларим Киевда, Олмаотада, Душанбада, Нукусда ҳам айрим китоб ҳолида босилган.

Кейинги йилларда насрий асарлар ҳам ёза бошладим. Лекин «кейинги» деганим ҳам унча тўғри эмас; 1936 йили Испаниядаги кескин урушга бағишлаб «Испан йигитига» шеърим «Совет адабиёти» журналида босилиб чиққан ойда, «Ёш куч» пионерлар журналида колхоз бойлигини ёнгиндан сақлаб қолган жасур бола ҳақида «Шералининг мардлиги» деган кичик ҳикоям ҳам босилиб чиққан. Бу мисол билан прозачилик тасодиф эмаслигини айтмоқчиман.

Насрий асарларимнинг баъзиларини тилга оламан: «Жамила», «Искандария кўрфази», «Оқ мрамор», «Чўри», «Мўтиллал», «Чиниқиш», «Тунги чақмоқлар», «Умид», «Араб ҳикоялари», «Дегрез ўғли» шулар жумласидандир. Таржима ва публицистик мақолаларим ҳам бор.

Миср, Сурия ва Ҳиндистонга саёҳат қилганман.

Ишлаш масаласига келганда анча-мунча жойларда хизмат қилдим, аммо кўз нурим кўп тўкилган, ўз асарларим устида қанчалик берилиб ишласам шунчалик сидқидилдан фидо бўлиб ишлаган жой бор, у — «Шарқ

юлдузи» ва «Муштум» журналларидир. Йигирма беш йил шу журналларда ишладим.

Партия ва ҳукуматимиз камтарона меҳнатимни юксак баҳолаб, уч марта «Ҳурмат белгиси» ордени ва медаллар билан мукофотлаган. «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони берилган.

1972


МИРМУҲСИН





## ШЕЪРЛАР





## ТУПРОҚ

Мен турибман. Бир сиқим тупроғинг қўлда, эй Ер!  
Эй, азалий Она-ер, кўзга суртай тупроғинг.  
Боқаман, қўнғир бу ер, юрак доим сени дер,  
Сенинг билан бахтимиз, ғоят оғир фироғинг.  
Қафтимдасан, кўраман: сен ўзинг қалбдек тирик,  
Буюк ҳосилдан нишон — пахтаю дону бошоқ...  
Майдароқсан ва лекин ҳосил берасан йирик,  
Сен борсан, фарзандларинг ҳеч қачон бўлмас  
қашшоқ.

Муаттар бўйинг ҳам йўқ, бўйинг асли тупроқий,  
Лекин атир гуллари райҳонлар унар сендан.  
Сен ерсан — ҳаётинг ҳам, бўйинг, жонинг ҳам боқий  
Анбару асал сендан, ҳикматинг буюк чиндан.  
Кўркинг ҳам йўқ, ўхшайсан на биллуру олмосга,  
Товланмайсан, сен ўзинг на товус, на камалак...  
Ҳаммаси бағрингдадир, барига ўзинг маскан,  
Одмию сиполигинг ўзи бир чексиз фалак.  
Жиндек қўнғир қорамтир рангинг бор азиз тупроқ.  
Зотан оппоқ пахтаю, оппоқ сут ҳам самаранг.  
Таъмингни йўқ дейдилар, таъминг асалдан кўпроқ —  
Ҳароратинг йўқ дейди, отабини чамаланг.  
Олтину забаржадлар баъзиларнинг худоси,  
Бир ҳовуч тилла топсак ёрилар ўтакамиз,  
Тупроқ-ку, ҳаммасининг онаси, ибтидоси —  
Эй, Она-ер, ўзингсан ҳам шодлигу ҳам тамиз.  
Узумни ҳам берасан, саломат бўлсин деб қон,  
Босиб баъзан топтаймиз оёқ остида сийнанг.  
Сен ётасан ўлгандек бағишлайсан бизга жон,

Йиқилсак, айбимизни ўрайсан кўрпанг ила.  
Эй, Она-ер, бир сиқим тупроғинг бор қўлимда,  
Кўзга суртаман уни, у беқиёс, бебаҳо...  
Уни жондек сақлайман, қўрқмагайман ўлимдан,  
У бор экан тирикман, у ҳаёт, ҳаёт — баҳо.

1971

## ПОЛИЗДА

Ҳар ёқ палак, кўзинг қамашар.  
 Оқшом ели тинмай ўйнайди.  
 Бир кезишга юрагинг шошар,  
 Кўриб асло кўзинг тўймайди.

Имлар бизга қовун сузилиб,  
 Дўппи бўлган бошига палак.  
 Юзларидан шарбат томизиб  
 Етар бунда дўндиқ хандалак.

Ананаслар кулишиб, дерлар,  
 Кўнглим учун бир тотиб қўйинг,  
 Мени сира ташлолмай сизлар,  
 Маза қилиб, асалга тўйинг.

Кўк атласдан кўйлак кийишган  
 Лаъли танли ананас қизлар...  
 Бўйларингиз жуда келишган,  
 Ширинликда ягона сизлар!

Ширин-шакар қовунлар унган,  
 Барчасидан тотгинг келади.  
 Қўшиқ куйлаб, то азонгача  
 Шу полизда ётгинг келади.

## АРКТИКА

Муз қутурган қаҳратон Шимол,  
Жимжитликда туманлар босган.  
Минг асрлар ухлаган Шимол,  
Бўронлари тўхтамас ҳеч он...  
Ғазабланган совуқ табиат —  
Қор, изғирин заҳрини солар.  
Музлар доим бўлиб қатма-қат,  
Бўрон муздан қўпорар тоғлар.  
Арктика диёри бу кун  
Совет ўғли фатх қилган қалъа.  
Совет ўғли борди илм билан,  
Мардлик билан ва очиқ қалб-ла.

\* \* \*

Туғилдим дилнавоз ва илиқ иқлимда,  
Япроқлар қўйнида кулганда оппоқ гул.  
Сен келдинг, ўргатдинг жонажон, о, булбул,  
Кўп эрта жуфтладим қофия... Ақлимда —  
Йилларнинг олти минг олти юз оқшоми,  
Орқада қолдилар ўн тўққиз навбаҳор.  
Қўлимда лиммо-лим ҳаётнинг май жоми,  
Қошингдек туташар энди шом ва саҳар...  
Сенгадир ёшликда нағмасоз ўйинлар,  
Сенгадир, сен учун янгатдим най сасин.  
Уқима, қалбингда тошмаса қуюнлар,  
Уқима, санчмаса муҳаббат найзасин!

## ТОШҚИН ДИЛНИНГ ШОД ҚУШИҚЧИСИ

(Ҳамза Ҳакимзодага)

Оқшом салқин, боғлар сурма ранг.  
Ҳам чўмилган ойнинг нурига.  
Ел келтирар майин бир оҳанг,  
Яна олиб кетар нарига.  
Ой ҳам кўкда жилвагар, огоҳ,  
Гўзал Еленадай...<sup>1</sup> бир ўзи.  
Ҳам мағрурдир гул чирой билан  
Атрофида минг-минг юлдузи.  
Мен ётаман тоғлар қўйнида  
Жарангларди дилда у оҳанг.  
Қўшиқ ижодчиси ҳақида  
Ўйлар келар, бўлиб ранг-баранг.  
Дейманки: — Ҳеч унутилмайсан  
Бир умрга яшайсан Ҳамза.  
Сен яратган қўшиқ, куйларинг,  
Қим севмайди... ўлмайсан Ҳамза.  
«Пушти гуллар», «Яшил гуллар»ни,  
Қим сайр этиб, томоша қилмас  
Майсаларнинг қўшиқларини  
Қим завқланиб, жон деб тингламас.  
Ватан — ою, асаринг юлдуз.  
Боғимизда яшнар гулларинг.  
«Сафсар гул»ни кўриб, завқланиб,  
Қим демайди: — ўргулсин қулинг...  
Дилимиздан асло кетмайсан.  
Онт ичаман сени ёд этиб,

<sup>1</sup> Антик адабиётдаги гўзаллик тимсоли.



Ота, устозлигинг ҳақида.  
Ўз қонингга чўмилтирган ким?  
Мен биламан, қасосим кимда...  
Ҳамза — ўзбек халқининг ўғли  
Номи асло кўнгилдан кетмас.  
Тошқин дилнинг шод қўшиқчиси,  
Бир умрга халқим унутмас.

## ҚИЗИЛ ОЛМА

*Баллада*

### I

Бир қиз ёлғиз олма тагида  
Утирарди хаёлга чўмиб.  
Гоҳ сочини ўйнаб, оҳиста  
Қўшиқ айтар эди севиниб.  
Бир олмани узиб олди-ю  
Артиб шоҳи этаги билан,  
Қизил — нақшин томонига у  
Кулимсираб кўз тикар экан —  
Дилдан ўтди: «Менинг ҳам юзим  
Шундай қизил — нақшин бўлсайкан...»

### II

Қизил олма жонланиб кетиб,  
Бирданига тилга кирди-да,  
Бир нафасда оҳу зор чекиб,  
Сўзлай кетди йиғлаб у жуда:  
Йўқ, ўхшатма юзларингни, қиз,  
Армон тўла юрак қонимга.  
Сен бахтиёр, чақнаган юлдуз!  
Ухшамайсан ҳеч қачон менга.  
Мен аслида, тенги бўлмаган  
Соҳибжамол, якка қиз эдим.  
Ота-онам осмонида мен  
Чақнаб турган бир юлдуз эдим.

### III

Ажаб барно йигитлар доим  
Азоб чекар эди кўйимда.

Мен бахтиёр эдим, севимли,  
Доим баҳор эди ўйимда.  
Тўлганимда роса чиройга,  
Мен канизак бўлдим — элга ёт.  
Олиб кетди мени саройга,  
Беролмади оғам ҳам нажот.  
Шунда менинг парвонам бўлган  
Онам шўрлик сочини юлди.  
Лекин кампир — бечора онам  
Отлар туёғида янчилди.  
Мен эшитсам, қартайган отам,  
Кўчаларда дарбадар эмиш.  
«Оҳ, қизгинам, битта кўрсаму  
Улиб кетсам майлига» дермиш...

#### IV

Бир кун ёлғиз, тун пайтида хон  
Қириб келди мен турган уйга.  
Қўлларида шоҳи ва олтин...  
Инъом қилмоқ бўлди у менга  
Ҳам у қаҳр қоплаган юзин  
Қулдирмоқчи бўлди бир нафас.  
Чиройимни очмоқ қасдида,  
Қувноқ-қувноқ чиқарарди сас.  
Йўқ, бўлмади, сўнг шафқатсиз хон  
Зўрламоққа тутинди мени.  
Ениб турган кўзларимга у  
Тўлдирмоқчи бўлди қаҳрини.  
Мен ялиндим, шафқат тиладим  
Ўн тўртгина ёшимга хондан.  
Бир кечага муҳлат берди-ю  
Ваъда олди эртага мендан...

#### V

Эртаси кун ёлғиз бир ўзим  
Яширинча чиқдим боқчага.  
Ҳам ўтирдим олма дарахтин  
Тагидаги паст супачага.  
Билмас эдим, отамнинг ҳоли  
Ҳозир қандай экан, бечора.  
Билмас эдим севикли ёрнинг

Бағрин алам қилдими пора?  
Чидолмадим, сиқилди қалбим,  
Тоқат кетди, дилни ғам тилди.  
Бир зарб билан ўткир ханжарни  
Тўшга урдим. Дардим ҳал бўлди...

## VI

Жон беришнинг азоби билан  
Бир мартаба кўз очган эдим,  
Кўкрагимдан тирқираган қон,  
Олма бўйлаб отилар... Сўнг жим!  
Кўзим тушса, олмаларнинг мен  
Бетларини бўябман қонга.  
Шунда дедим: Оппоқ олмалар,  
Сиз ҳам нафрат ўқинг у хонга!  
Унутмангиз мени бир умр,  
Мен ҳуснимни сизга топширдим,  
Юзингизга қизил нақш қўйдим,  
Унутмангиз, хайр бир умр.  
Оҳ, ўхшатма юзларингни, қиз,  
Армон тўла юрак қонимга.  
Сен бахтиёр чақнаган юлдуз,  
Ўхшамайсан ҳеч қачон менга!

## АЛЛА

Ухла, жоним болам, тўйиб-тўйиб ухла,  
Юзингда ўйнайди ой сочган шуъла.  
Тепангда мен секин айтай ашула,  
Ухла, жоним болам, аллаё — алла.

Кеч кириб оймўма нур сочар бўлди,  
Кўк юзи беҳисоб юлдузга тўлди.  
Даламизда салқин шаббода елди,  
Ухла, жоним болам, аллаё — алла.

Даламиз осмондек, йўқдир поёни,  
Сенинг отанг бўлса эл қаҳрамони —  
Юртимизга кетган довруғи, шони  
Ухла, жоним болам, аллаё — алла.

## СЕВИКЛИГА

Денгизларнинг тубидан  
Олиб чиқдим жавоҳир.  
Минг ўлиб мактубидан,  
Ишқида бўлдим Тоҳир.  
Бўй берай хандалакдан  
Сочларин нур-ла тарай,  
Кечалари мен талай  
Юлдуз тердим фалакдан.  
Шафақдан жиға уздим,  
Хаёл наҳрида суздим...  
У Сатурн ҳалқасин  
Олиб, таққум қўлингга.  
Атиргуллар барчасин  
Сочгум сенинг йўлингга.  
Бир умр қулинг бўлай,  
Ҳукмингга турибман тахт.  
Истасанг жоним берай,  
Қўлингга сўлсам на бахт...  
«На жавоҳир, на фалак,  
На умринг керак менга.  
У қайноқ қалбинг керак —  
Бахш этгил юрак менга.  
Севгил мени умрбод —  
Юртингни севганингдай.  
Умр ўтсин бахтли, шод,  
Азизим сев жонингдай».

*Тошкент*

## ҲАЛИ ЁШЛИҚ ҒУРУРЛАРИ КҮНГЛИМДА

Ҳали ёшлиқ ғурурларим кўнглимда,  
Фантазия билан тўлган ўйларим.  
Мақом ожиз, лабимдаги най ожиз,  
Дилни селдай тошдиrolмас куйларим.  
Юрт севгандай, сени қаттиқ севаман,  
Юрагимда муҳаббатнинг бўрони.  
Хаёлимда ёр чиройи, ҳар оқшом...  
Мисраларнинг дилда шовқин-сурони,  
Юрагимда муҳаббатнинг бўрони...

## ПОДА УТЛАР ТОҒ ЭТАГИДА

Пода ўтлар тоғ этагида,  
Маърашади қўйлар, қўзилар.  
Най янграйди чўпон лабида,  
Қўзиларнинг кўзи сузилар.

Ғир-ғир учиб ўтар шаббода,  
Майсаларга уриб қулочин.  
Ўтлоқларга силжийди пода,  
Мовий кўкда айланар лочин.

Узоқларда мудрайди тоғлар,  
Чўққиларда қор олмоссимон.  
Пастда дара, дарё, ўтлоқлар,  
Тепада кўк, бепоён осмон.



## ДАРЕ БУИИДА

«Тайёр!» дегач, кўтарилди елкан,  
Кўм-кўк тўлқинларни босиб кетдилар.

(Шевченко, 1849)

Дарё оқур... елканим ҳам,  
Еллар билан баслашиб.  
Дарё мавжли, аммо елкан  
Борур тўлқинлар ошиб.  
О, завқларга тўлиб-тошган  
Дарё мунча гўзалсан!  
Мунча мендек хаёлкашсан,  
Мунча тинчсан, сокинсан!  
Оқшом бўлса ғарб томонинг  
Шафақлар билан тўлур.  
Сувлар лим-лим қирғоқларга...  
Оҳ, қандай завқли бўлур.  
Ҳалқа-ҳалқа бўлиб тўлқин  
Олиб қочар завқимни,  
Эй, тинч дарё, сокин дарё,  
Мафтунинг бўлай сенинг!

## УЧУВЧИ ЗУҲРОГА

Кечир осмон қизи, кечир бўсамни...  
Араз қилма дилдор,  
Майли мен айбли.  
Билдирмайман асло қўрқма у дамни  
Кечир ўлкам қизи,  
Майли мен айбли.  
Лекин бир йўласи узр сендан қиз,  
Тўғри келса агар юксак учишга,  
Шунда эҳтиёт бўл ўзингга, тагин,  
Рашклик етказмасин ҳу Зуҳра юлдуз.

*Тошкент*

## ЕШЛИГИМГА

Эй, болалик, ўтдек ёшлигим,  
Хаёлимдан асло кетмайсиз.  
Нега яна қайтиб келмайсиз  
Эй, кетдингиз шўх гўдаклигим...  
Ҳозир яна ўша вақтдай  
Шижоатим, кучим танимда.  
Ҳам ғайратим, ўша виждоним —  
Ботирлигим битмаган манда.  
Фақат сизни — сиз шўхликларни  
Орқангиздан кузатиб қолдим...

## ОЙ НЕВАРАЛАРИ

*(Бир гўдак учун ёзилган)*

Ҳей, оқшомнинг юлдузчалари  
Тўлини ойнанинг неваралари,  
Сизни ювиб-тарар кун бўйи,  
Ул қуёшнинг нурлари билан..  
Ҳам ухлатар сизни эркалаб,  
Момик булутларга тинч буркаб.  
Шомда уйғотади яна у,  
Сизлар йилт-йилт... яна турасиз.  
Шунда сизни ўпар, қучоқлар,  
Сизлар уни қуршаб оласиз.  
Унутмасиз шундай меҳрибон —  
Бувингизни бир умргача,  
Унутмасиз... мен ҳам аминман,  
Ой ҳам шунча меҳрибонми-а,  
Жажжи-жажжи юлдузларига?  
У ҳар кун ювиб тарайди,  
Ҳам ҳар бирин севиб қарайди,  
Шунинг учун юзлари ёруғ.

*Тошкент*

## РОЯЛЬ

Рояль ёнидаман, оҳанг оқади...  
 Дам бўрондай ҳайқирар, тошар,  
 Дам юракни нозик қитиқлайди,  
 Дам ипакдай товланар, юмшар...

Чалгил, дўстим, чал роялингни!  
 Торлар тилга кирсин, сайрасин!  
 Ташна юрак қонсин завқ билан —  
 Дил сел каби оқсин, яйрасин!

Яна кўкрак, қалбга тор келди,  
 Хаёлимга солдинг сен уни...  
 Шу куйни янгратсанг кўраман аён,  
 Студент чоғимни ва илк севгини...

Янграт, ўртоқ, тошқин оҳангларинг  
 Сувдай равон, шамолдай кетсин.  
 Менинг кўшиғимдек парвоз этиб,  
 Дил кўкида қанот силкитсин.

Рояль ёнидаман, оҳанг оқади...  
 Дам бўрондай ҳайқирар, тошар.  
 Дам юракни нозик қитиқлайди,  
 Дам ипакдек товланар, юмшар...

## ОКТАБРЬ БАЙРАМИ ТОНГИДА

### I

Москвада курант занг урди,  
Кремлдан тарқалди садо.  
Улуғ Гимннинг янгроқ оҳангини  
Олиб кетди тунги шўх сабо...  
Қалблар тепар...  
Кўзлар бедор бу кеча;  
Гул лаблардан учар ханда — сўз.  
Қувноқ тонгнинг  
олтин бўсағасида  
Тонгни кутар қувноқ минг-минг кўз.  
Бугун жуда саҳар жонли бўлди,  
Жонли бўлди Ватан, кенг диёр.  
Бугун ҳар сийнага қуёш беркинган,  
Ҳар чехрада ойнинг акси бор...  
Бугун тонг отди, олтин тонг,  
Кремлга қуёш боқади,  
Бугун ҳур Ватаннинг кўркам кўчасида  
Энг қудратли ҳаёт оқади.

### II

Бош устида норлар байроқлар  
Дарё каби халқ оқими, ана!  
Бугун шундай кунки,  
Энг қудратли халқ  
Зафар, галабаи қилар тантана...  
Бугун шундай кунки, олам тарихида,  
Озод бир ватаннинг туғилган куни.

Бугун шундай кунки,  
Минг-минг одамларнинг  
Эрка етган,  
Бахт топган кун.

Бугун шундай кунки,  
соғлом насларнинг  
Порлоқ истиқболи яратилган кун.  
Қиндик қони тўкилган, ҳалол еримизга  
Қуёш нури таратилган кун.

. . . . .  
Ана!

Халқ оқади, ёшлар, қарилар...  
Қалбларига кўкрак келган тор.  
Бугун ҳар сийнага қуёш беркинган.  
Ҳар чехрада ойнинг акси бор...

\* \* \*

Бир оёқдан ажралгандим, беомон қонли жангда.  
Шарт ўзимни отмоқ бўлдим ўша дам ётиб — чангда...  
Аммо дилбар, ноёб овоз эшитилди узоқдан:  
«Мард яшаши керак! Сени кутаман ҳар оқ тонгда...»



## КЎЗИМГА БОҚАСАН

*Мунавварага*

Тепамдан ғувиллаб ўтар қиш ели.  
Титратар, оёқни ачитар окоп...  
Ҳар замон потирлаб қўяр автомат,  
Йироқда гумбирлаб отар эди тўп...

Шунда хаёлимга келасан, гўзал,  
Тинглайман ўшанда ширин овозинг,  
Кўзимга боқасан табассум билан  
Қаршимда жонланар кулишинг, нозинг...

Ушанда оёқни ачитмас совуқ,  
Гўёки юзимга теккизасан лаб...  
Ва бирдан қўл силкиб қоласан ортда,  
Биз фарбга чопамиз кўп илдам, терлаб.

\* \* \*

Поезд жилди. Хайр, аммо, қиз,  
Муҳаббатинг кетарди менда.  
Битта ўпдим шошиб ўша кез,  
Мўмдай эриб кетдинг ўшанда.  
Йироқ кетдим... кунлар ва ойлар...  
Якка-якка ўтди тунигимиз,  
Мен соғиндим, лекин сўзлаш-чун  
Фақат хатга қолди кунимиз.  
Аммо кутгил ёлғиз, йўл кутиб,  
Муҳаббат-ла ёнса-да жисминг,  
Ғолиб чиқдим; жангда ишқинг-ла,  
Қиличимга ёзилган исминг...  
Аммо кутгил колхозда толмай,  
Қалбда унсин сабот ва чидам.  
Пешвоз чиқиб менга тутарсан —  
Ўз боғингинг тоза гулидан.

\* \* \*

Хайр сенга, жоним, хайр! Сен билан  
Яна учрашармиз яқин йилларда.  
Ишқни ким совутар айрилиқ билан,  
Ким ишқ гулин сўлдиради дилларда...  
Мен севаман сени. Ойдин кечалар —  
Уйлар эдим сен тўғрингда кўп узоқ,  
Жонланарди кўз олдимда чиройинг,  
Сўнгра қўшиқларинг, шўх ҳамда қувноқ.  
Сен келардинг, жонланарди соҳиллар,  
Сен келардинг, гул унарди йўлимда,  
Сен келардинг, шунда ойнадек кўлни  
Кўтарардим қадаҳ каби қўлимда...  
Мен севаман, хайр сенга, нозанин,  
Яна учрашармиз яқин йилларда.  
Мен кетаман майдон сари, жанг сари,  
Асло битмас, битмас севги дилларда!

\* \* \*

Сен ишқингни яширин тутасан...  
Ҳам кутасан бўлиб интизор.  
Севишмасак, мени кўрганда —  
Нечун юзинг бўлар лолазор?

Мен севаман, қошингдек камон —  
Бўлганда ҳам бу тикка қаддим.  
Мен севаман... Шунинг-чун сиғар —  
Севги, сўзин ёзмоққа қаддим.

\* \* \*

Эй, заҳматқаш, бардоши кенг халқ,  
Эй, боғ қилмоқ учун туғилган,  
Обод қилмоқ учун туғилган —  
Азамат эл, йўлинг доим ҳақ.  
Сени куйлаб, ёзамиз китоб —  
Сен борсан-ки ҳаётда тамиз.  
Биз келмадик дунёга бекор,  
Демак бордир айтар гапимиз.

\* \* \*

Ҳаёт дединг, тонгни шаббода,  
Қараб турмас, кетади учиб.  
Армонларинг — тўкилган бода...  
Меҳнат билан ҳаётни қучиб,  
Яшаганлар кетмайди ўчиб...

## КЕЛ, ЧЕКАЙЛИК

Кел, чекайлик, жанговар дўстим,  
Оппоқ тутун учсин буралиб.  
Автоматлар тинган бу дамда,  
Алвон чечакларга ўралиб,  
Фарғоналик гўзал кўринсин...

Хаёлингни учир, фикрингда  
Доим бўлсин ўша моҳирўй,  
Балки, у ҳам худди шу дамда,  
Сен тўғрингда сураб узоқ ўй...

Кел, чекайлик, жанговар дўстим,  
Оппоқ тутун буралсин бу дам,  
Оғир пайтда бузма хаёлинг,  
У сен билан биргадир мудом.

## КОМСОМОЛ БИЛЕТИ

*Аркадий Кулешовдан*

Маҳкам турди йигит сўроқда,  
Лом демади, ёвни кузатди.  
Немис папиросни тугатгач,  
Комсомол билетин узатди;

— Мана, сенинг билетинг, — деди, —  
У йигитни эркалаб, юмшоқ, —  
Кечгил бундан, ҳеч фойдаси йўқ,  
Ўлдирмаймиз... Гапга сол қулоқ;

Хўш, бу нима? Жиндак китобча,  
Еқиб ташла, гап тамом. Уйла!  
— Йўқ, ёқмайман! — деди йигитча, —  
Қалбимни ўқ куйдирсин, майли!

— Гапга кирмайсанми? Ачинаман. Кел,  
Йиртиб, музнинг устига ташла!  
— Ташламайман муз устига буни!  
Ўзим тайёр, музда қотишга!

— Шундайми, хўп айтганинг бўлсин!  
Шу гап билан тугади сўроқ.  
Сўнг йигитни музнинг устида  
Оёқ яланг қувдилар узоқ.

Сув қуйдилар устидан. Музлар...  
Билетини қалбга босарди.

Гўё иссиқ берарди билет,  
Гўё муздан қалбин тўсарди.

Тура берди қараб жаллодга,  
Тура берди муз устида тик.  
Шундай қолди уйлар олдида,  
Гўё муздан тик қуйилгандек.

Шундай турар, тирикдек доим  
Билетини қалбига босиб.  
У яшайди яна минг йиллар,  
Ҳайкал турар мардга муносиб.

У на сувдан, муздан қуйилган,  
Бронзадан қад кўтарган у.  
Қуёш уни иситар ҳар кун.  
Дунёда у биз билан мангу!

## ПАНФИЛОВЧИЛАР

Бир жувоннинг альбомин кўрдим:  
...Кулиб турган офицер юзи.  
«Бу ким?» дедим «Марҳум лейтенант...»  
Боқдим, гўё танишдай ўзи;  
Ҳа, танидим бир кўришдаёқ,  
Менга ошно эди у сиймо:  
Чекинмади... Панфилов билан —  
Танк тагида портлади. Аммо, --  
Йиғламагил, бурилмасин лаб,  
Қатта бўлса ўғлинг, отасин .  
Унга айтиб бергин бирма-бир,  
Унга айтиб бергин яхшилаб!..



\* \* \*

M...ga

Деразамни ёмғир чертар, шамол елади...  
Томчиларга тикиламан, узоқ боқаман.  
Уй наҳрида оппоқ елкан каби оқаман,  
Кўз олдимга тоғдек кўркам ёрим келади.  
Битта томчи сескантирар иссиқ баданни,  
У-чи, шу дам ёмғирдами ва ёки ўтда...  
Зафарларда мард ёримнинг ҳиссаси катта,  
У азамат, чин ўғлидир шонли Ватанинг.  
Букун менинг зиммамда ҳам бор жанговар иш,  
Колхозимнинг донгдориман, олдим иш ҳаддин.  
Терган пахтам ҳар кун тоғдек кўтарар қаддин,  
Унинг ёзган хати мени қилар навозиш.  
У ёзади — соғинганда айтгил ашула,  
Яқин қолди сенинг билан висол, жононим,  
Харитадан йўлларимга боққил, жаҳоним,  
Тун элларга қалбимиздан таратдик шуъла...

## КОММУНИСТ

*Мақсуднинг порлоқ хотирасига*

Бир дақиқа жим қолди барча...  
Совуқ шамол эсарди ғув-ғув,  
Ана, оқар ҳайбатли дарё,  
Гирдоб урар, айқирар зўр сув.

Қирғоқларни босмиш оппоқ қор.  
Қор учади мисоли тўзон.  
Титратади совуқ қиш ели  
Этикда ҳам ачирди товон.

Олисларда гумбурлар тўплар,  
Кўтарилар тутун, ўт, тупроқ...  
Эшитилар танк шалдираши,  
Ишга тушган ҳар қурол-яроғ.

— Мен бор, мен! —  
Бош кўтарди у,  
Уч, тўрт қадам чиқди олдинга.  
Ҳамма бирдан қаради унга...  
Қиш шамоли учади ғув-ғув.

Бир ёш йнгит.  
Паст бўйли,  
Хипча...  
Қотиб турар у ҳайкал каби.  
Сабз урмаган ҳали мўйлаби.  
Бўйга узун шинель ҳам пича...

Этигини, шинелни ечди.  
Қорда турди у оёқ яланг.  
Жунжитарди совуқ.  
Жангчилар —  
Бардош бериб турарди аранг.

Сувга яқин борди-да, шу чоқ.  
Командирга очди у кучоқ:  
«Агар ҳалок бўлсам, дўстларим —  
Коммунист, деб эслангиз мени!»

У, шўнғиди.

Дарё тўлқини —  
Кўмиб кетди уни бир дамда.  
Совқотганлар ҳайрат-ла боқди,  
Пайдо бўлди ўт ҳар одамда.

Ғарқ кишидек чўқди, дам чиқди,  
Қалқди, лахта-лахта сув ютди.  
Чапаевдек қолди ўқ дўлида,  
Тўлқин олисларга итқитди...

Қарши ёқдан уни бетўхтов,  
Саваларди ёв пулемёти.  
У, оқарди,

чўкар,

сузарди...

Сув айқирар, кўринмас кети.  
Қум тўзони каби қор учар,  
Титратарди,

Ачийди товон...

Аммо, гурс-гурс тепарди қалблар,  
Ошиқарди зафарга томон.

Топшириқни ўрнига қўйди,  
Тўғриланди телефон — алоқа...  
Лекин, яраланган мард солдат,  
Сувдан чиқиб, йиқилди шилққа...

Сувдан чиқиб шилққа йиқилди,  
Ёш коммунист — солдат берди жон...  
Унутмангиз уни оғайнилар,  
Унутмангиз уни ҳеч қачон!

Унутмангиз жанг қурбонини!  
Қалбимизда сақлансин оти...  
У эди мард — фарғоналик йигит  
Партиянинг содиқ солдати.

Олисларда гумбурлар тўплар,  
Қўтарилар тутун, ўт, тупроқ...  
Қор устида турар бўлинма,  
Орта қолди дарё ва қирғоқ.

## ҚУШЛАР УЧДИ ОШЕНИДАН

Қушлар учди ошенидан,  
Қапалаклар ўйнар гул аро...  
Беланчақда ётган ўғилча  
Нурни қувлаш билан овора.  
Нур тойганиб қочар кафтидан,  
Бола кулар...

Эй, митти ўғлон!

Нур сен билан бўлар ва балки —  
Сен учарсан қуёшдан баланд.

Қўкка қўлинг етар узатсанг,  
Шуҳрат-шонинг кетар Ватанга.  
Маҳкам ушла қўлчаларинг-ла,  
Нурни тутиб келтирдим сенга!

Отанг жангда ёвни йўқотди,  
Сен ҳам, қўзим, бўл тезроқ катта!  
Шу кичкина, оппоқ қўлчалар  
Ватан бурчин оқлар, албатта!

Ўс, қўзичоқ,  
Ўс, юрак порам!  
Беланчагинг тўла олтин нур,  
Партиямиз берган бахт — толе  
Беланчагинг бўйлаб айланур...

Қушлар учди ошенидан,  
Қапалаклар ўйнар гул аро...  
Беланчақда ётган ўғилча  
Нурни қувлаш билан овора.

## ВИСОЛ

Қаршимга чиқасан албатта пешвоз,  
Йўлимга ташлайсан алвон тус чечак,  
Юрагинг ошиқар висол айёми —  
Бир минут бир йилдек бўлар, келинчак!

Бир-икки ёш томар балки кўзингдан,  
Мунтазир киприклар бўлар қиттай ёш.  
Емғирдан кейинги мовий самодек,  
Еришар, кўзингдан акс этар қуёш.

Шу йўлдан жўнаган пўлат паровоз,  
Худди шу йўл узра тўхтади сокин,  
Ушанда қидирар қўйлар қўзисин,  
Севгилар қидирар учқир қанотин.

## ОМОНАТ

Мина портлар ўнгда ва сўлда,  
Отишмалар кучайди бирдан.  
«Оҳ» — дедию, шилққа тушди йўлда —  
Битта йигит айрилиб биздан.  
Тепасида чўкдим, қучоқладим,  
Лола қилди қорнинг юзларин.  
«Омонат» деди фақат,  
Бир хат бериб менга,  
Кейин ночор юмди кўзларин...  
«Салом, Меҳриниса суюклигим,  
Битмас севгим сеники фақат.  
Кечир мени, гоҳо шундай бўлар,  
Гоҳо, шундай кечикиб қолар хат...»  
Яна олға кетди. Жуда олға кетди —  
Қўрқмас солдатларнинг бўрони.  
«Ватан учун, ура!  
Сталин-чун, ура!..»  
Гумбурлади зафар сурони!  
Кўзларини юмди у мангу,  
Кўзларидан ўпдим ўшанда.  
Эй, Ватаннинг шаҳло кўз қизи —  
Уша мактуб сақланар менда.

## ТЕРИМЧИ

Саҳар пайти. Баргларда шудринг.  
 Ел келтирар сойнинг шўх сасин...  
 Пахтазорга чопар Муҳаббатхон,  
 Шамол ўйнар шоҳи дуррасин.  
 Етиб келди дам ўтмай жувон,  
 Ғўзаларга тикди кўзини.  
 Енгларини шимариб шу он  
 Эгат ора урди ўзини,  
 Пахтазор кенг, пахтазор улуг.  
 Чегарасин илғамайди кўз.  
 Бир томони уфққа етган,  
 Улкан эди мисоли денгиз.  
 Икки қўллаб тера кетди у,  
 Ўйнар эди чевар қўллари.  
 Эгатларда йўрғалар экан  
 Яшнар эди ўнгу, сўллари.  
 Теримчилар келди. Меҳнат, қўшиқ,  
 шодлик...  
 Пахтазорда бор шундай расм.  
 Пахта терар чевар Муҳаббатхон,  
 Шамол ўйнар шоҳи дуррасин.



## ҲАЛОҚ БУЉГАН ЖАНГЧИГА

*(Укам, мл. лейтенант Мақсудга)*

Жонон қизларимиз қўшиқ куйлашар,  
Баён этиласан ёқут лабларда...  
Хотиранг дўстларинг қалбида яшар,  
Биз сени эслаймиз ширин дамларда.  
Ҳалок бўлдинг, сенинг қип-қизил қонинг —  
Тўкилди ва лекин кетмади бекор.  
Мадад бўлди жангда сенинг ҳам шонинг,  
Улуғ ғалабада сенинг ҳиссанг бор.  
Сен тириксан мудом азиз Ватанда,  
Сендан ибрат олар ҳар ўсмир, ҳар ёш.  
Фахр этамиз сени ҳар эслаганда,  
Йиғламаймиз, асло, ранжитар йиғлаш.

## ОЙИМХОН

Дамга урар дала изғирини,  
 Буркансанг-да, ачир эди жон...  
 Пахталикка ўралиб, жадал  
 Узун йўлда борар Ойимхон.

Унинг содда, маъсум қалбига,  
 Ишқ солибди бу улуг ўлка.  
 Оёғини қиш ачитса ҳамки —  
 Ҳар кун қатнар узоқ овулга.

Кеча, пучуқ, дея йигитлар  
 Кетишарди чимчилаб бурнин.  
 Қишлоғининг ўспиринлари —  
 Ер тагидан боқишар бугун...

Соч қулф урди, чўзилди бўйи.  
 Пайдо бўлди кўзида фусун.  
 Баъзилардек бўлмай ҳавойи,  
 Эл ишига урди у ўзин.

Бугун Ватан хизматига у,  
 Сафарбар, деб билар ўзини.  
 Колхозчилар ичра ўлтириб,  
 Тарғиб қилар доҳий сўзини.

Унинг кичик содда қалбини,  
 Ватан ишқи этибди мафтун.

Хонадонда,  
колхозда,  
ишда,  
Ўқиб берар газета ҳар кун.

Совуқ шамол дамга уради,  
Буркансанг-да, ачир эди жон..  
Пахталикка ўралиб, жадал  
Узун йўлда борар Ойимхон.

## ҚИШЛОҚ ВРАЧИ

Уни  
 «Доктор опа» дейишади,  
 Барча уни танир қишлоқда.  
 У ҳар доим тайёр, эрта-кеч  
 Йўқдир унинг маълум иш вақти,  
 «Доктор опа» дейди кекса-ёш...  
 Унинг асли оти Мукамбар.  
 Мана ўзи! Чуст дўпписига  
 Чилвир сочин қилипти чамбар,  
 Кабинети ёруғ озода,  
 Стол, термометр, кровать,  
 Атлас кўйлагининг устидан —  
 Қийиб олган эди оқ халат.  
 Урта бўйли, қорачадан келган,  
 Қоши, кўзи попукдек қиз ул.  
 Қулгичи бор икки ёноғида,  
 Икки ёноғидир қип-қизил.  
 Далаларда юрар, тиними йўқ,  
 Элнинг ғами тушган юракка,  
 Узоқ ҳовлилардан гоҳ «Москвич»да,  
 Гоҳи ўзи қайтади якка.  
 Беморларга бўлар парвона,  
 Кеча демас ва демас кундуз.  
 Болаларга бўлар эди она,  
 Оналарга бўлар эди қиз.  
 Кечагина қўрчоқ ўйнар эди,  
 Қора сочи эди жамалак.  
 Бир тўп бўлиб қўшни боғидан

Колхозларда юрар уйма-уй  
Гоҳо иши бўларди жадал  
Гоҳо ширин уйқусини бўлиб —  
Чақиришар ярим кечада.

Беморларнинг, худди ўзи каби  
Юқтирмайди бир ерига гард.  
Қириб келганида уни кўриб  
Беморлардан қочиб кетар дард.

Томир ушлар,  
Термометр қўяр,  
Аҳвол сўрар ва берар далда...  
Одамларнинг меҳри тушган унга,  
Уни ҳамма севар далада.

«Доктор опа» дер катта-кичик...  
Таърифи зўр.  
Дориси асл.  
Қишлоғидан дардни қувмоқчи —  
Соғлом ўссин укалар... насл.  
Чарчаб, узоқ колхозларга борар,  
Гоҳ, иш бўлиб қоларди жадал,  
Халққа хизмат қилиш орзуси —  
Мукамбарой йўлида машъал.

## БУЛГАНМИСИЗ ГЎЗАЛ АСАКАДА?

Бўлганмисиз гўзал Асакада,  
Юлдузларга тўлганда осмон?..  
Мана,  
Салқин колхоз чойхонаси,  
Фир-фир учиб ўтар сой ели.  
Рўпарада — Ғозгон мрамарида  
Буюк доҳий ҳайкали.  
Сув бўйида улкан дарахтлар  
Ҳамма ёққа ташларди соя.  
Ҳовуз ярмигача жой солинган —  
Сувга ташлаб уч-тўрт сепоя.  
Сўрилар кўп:  
Пасту баланд,

катта ва кичик.

Тўшалганди намат ва гилам.  
Кечқурунлар ғоят файзlidir,  
Колхозчилар бўлар бунда жам.  
Колхоз табелчиси —

агитатор келди.

Чойхонанинг тинди гурунги.  
Агитатор қўлида газет,  
«Қизил Ўзбекистон» — бугунги...  
Баланд овоз билан ўқий кетди:  
Ҳамма тинглар бериб жон қулоқ,  
Агитатор абжир бир йигит  
Кўкрагида медаль,  
Енида қўлтиқтаёқ.  
Устида гимнастёрка,

Бошида —  
Янгигина тўрт каржли дўппи.  
Ўзи — қорамағиз,  
Тўлагина, юзлари лўппи.

Эл кўрарди унинг юзидан,  
Улуғ жангнинг дуд ва оловин.  
Терлаб-пишиб чопган ғолибларни,  
Ҳилпираган қизил яловни.  
Ёнган қишлоқларни,  
Танкларни,  
Парчаланган металл, тутун, чанг...  
Ўқиларди унинг юзларидан —  
Кечагина ўтган улуғ жанг.

Оқшом кирар... Ленин колхозининг —  
Кенг ерига ботди кўкдан қуёш.  
Пахтазордан қайтар хотин-халаж,  
Пахтазордан қайтар кекса, ёш...

Колхоз тепасида тинмасдан  
Елпинади байроқ — қип-қизил.  
Ана, қатор уйлар.  
Мақтаб ва клуб,  
Гуп, гуп, гуп, гуп... уради дизель.

Узун дала йўли. Атроф кўм-кўк ғўза  
Мавж уради бир денгизсимон.  
Бўлганмисиз ғўзал Асакада —  
Юлдузларга тўлганда осмон?  
Юрганмисиз кумуш жийдазорда.  
Жийда ҳиди ётганда анқиб?  
Ичканмисиз Асаканинг сувин,  
Оққанида шишадай тиниб?  
Ҳамма уни тинглар,  
Ўспиринлар,  
Чоллар.  
Мамадали,

Нормат

ва Азиз ака.

Далаларга салқин оқшом чўкди,  
Шом қўйнига кирди Асака.  
Чигирткалар куйлар тонгга қадар,

Сувлар муздек,  
Чилла сувисимон.  
Бўлганмисиз гўзал Асакада,  
Юлдузларга тўлганда осмон?



## СЕЛЕКЦИЯЧИ

Кўм-кўк боғ бор Тошкент четида,  
Уни «Мўъжиза боғ» дейишар...  
Бунда: қишда — ёзу, кузда — баҳор,  
Бунда ажаб ғўза етишар.  
Бунда кранлардан ёмғир ёғар —  
Ендирганда оламни қуёш:  
Бунда юз хил ғўза нави бор,  
Бунда ғўза гуллайди қийғос...

Мана, оқ уй. Кабинет. Стол.  
Микроскоп ёнида Мавжуда.  
Кеча, пахта терарди шу қўл  
Меҳнатига берилиб жуда.  
Гоҳо микроскопнинг ёнида  
Узоқ ўйлаб қолар Мавжуда:  
«Шундай уруғ бўлса эрта пишса,  
Ҳам ҳосили мўл бўлса жуда...  
Толалари бўлса узун-узун  
Кўсаклари бўлса беҳисоб,  
Ана шундай ғўза керак бизга,  
Эй Мавжуда, шундай нави топ!»

У ўйлайди, ишлайди, излайди...  
Узоқ тунлар келмас уйқуси.  
Ватан учун керак кўп пахта,  
Чунки Мавжудада эл кўзи.  
Гоҳ боғ аро кезади енгил,  
Гоҳ микроскоп устида киприк.

Салом сенга, эй олима синглим,  
Янги йилинг бўлсин муборак.  
Янги шеърим битди, кўтараман қадаҳ —  
Яшасин деб «Мўъжизакор боғ!»  
Ҳосил, деб эл ишқида ёнган,  
Дала олимлари бўлсин соғ!

## КУЗ БОШЛАНДИ ГЎЗАЛ ФАРҒОНАДА

Куз бошланди. Учди момиқ мезон,  
Сувлар тиниқ, сувлар худди ях.  
Кўтарилар шамол, чанг, тўзон...  
Далаларда салқин қирғияк.

Кундуз қизиб кетади қуёш,  
Кечалар қор ёққандай салқин.  
Булут чиқса осмонга бебош,  
Шошиб қолар Фарғона халқи.

Гоҳо ёмғир, момақалди роқ,  
Дағдағаси ошар, чунки куз...  
Ўз файзи бор кузнинг ҳам, бироқ,  
Куз наъмаси очирмасди кўз.

Саҳар туриб Меҳри боқар кўкка,  
Кўкда қуюқ булут... «Ҳа, қурғур!»  
Шоҳи этагини тутсаю,  
Туширмаса пахтага ёмғир...

Ҳаммасини қилар керак бўлса  
Фақат ёғмасин терим чоғи!  
Меҳрийнинг тўлса қучоғи.  
Меҳрийнинг тўлса қучоғи.

Эрталабдан оқшомгача терар,  
Кўриб қувнар эди ғўзани.  
Ваъдаси бор саксондан берар,  
Албат, Кундузхондан ўзади!

Қизлар тинмай ишга берар зўр,  
Лабда қўшиқ, дўппи яримта...  
Қозонларга ўт ёқилар гур-гур,  
Бутун-бутун солинар «нимта».

Эгатларда бошланмишди тўй,  
Яшнар эди колхоз даласи.  
Териларди момик «первой сорт»  
Синаларди одам сараси...

Мана, файзли шом кираётир,  
Қанор-қанор пахта тўкдилар.  
Қуёш ботди тоғ орқасига,  
Соя солди баланд чўққилар.

Уйга қайтди Меҳри қизлар-ла,  
Қизлар қўшиғига бўлиб жўр.  
Эрта тонг отади, олтин тонг,  
Эрта ишга берар яна зўр.

Саҳар туриб Меҳри боқар кўкка,  
Булут кўрса қарғар «ҳа, қургур!»  
Шоҳи этагини тутса-ю,  
Туширмаса далага ёмғир...

## ҚАРВОН КЕЛАДИ

Ленин колхозидан, эрта билан —  
Йўлга чиқди дон ортган қарвон,  
Машиналар роса безатилган,  
Тиқиб қўйилган қизил алвон...

Олдда байроқ,  
Байроқ тагида —  
Қарвон боши семиз Анор хола.  
Рўмолчаси билан кўксин елпир —  
Аста қизик келганда дала.  
Энг олдинги машина лик-лик,  
Ўтиришар колхоз қизлари.  
Лабларидан учарди қўшиқ,  
Ширмой нондек пишган юзлари:

«Олмачаю-олмача,  
Анор қурбонинг бўлай,  
Анор қурбонинг бўлай...»  
Семиз Анор хола ўтирар,  
Бугдойдек тўқ саримағиз.  
Қоплар ортилмишди хўп тираб,  
Қоплар Анор холадек семиз.

Хола ўтирар савлат тўкиб...  
Нимчасида порлаб ордени,  
Орқасидан келар зўр қарвон  
Зўр қарвонга юк бўпти дони.  
Ватанимиз бўлсин фаровон

Хола қалбидаги ният шу.  
Шунинг учун, қишни қиш демади,  
Саратонда терлаб-пишди у.

Карвон келар, усти тўла дон,  
Қизлар куйлар,  
Янграйди сурнай:  
«Олмачаю-олмача  
Анор қурбонинг бўлай,  
Анор қурбонинг бўлай...»

## КҮКЛАМ

*(Хулкарнинг қўшиғи)*

Кўм-кўк бўлди боғлар, далалар...  
Ейилдилар қўйлар ўтлоққа.  
Қанот қоққан атлас капалак,  
Қелиб қўнди гулга, япроққа.  
Жилдиради ариқларда сув,  
Илиқ нурлар тушди ҳар ёққа...

Ватан кўркам,  
Баҳор, ўлкам,  
Салом, кўклам!  
Салом, кўклам!

Баҳор олиб келди биз томон  
Турли-туман қушлар галасин  
Тепамизда денгиздек осмон,  
Эшитамиз булбуллар сасин,  
Узоқ тоғда қор олмоссимон,  
Ел келтирар гулларнинг исин...

Ватан кўркам,  
Баҳор, ўлкам,  
Салом, кўклам!  
Салом, кўклам!

Қелажакнинг олимларимиз  
Аъло ўқи, ўртоқ пионер!  
Тезда кўкда учар, гуруллар,  
Қўллардаги жажжи планер.

Бепоен юрт, тоғлар ва боғлар,  
Бизникидир, бу олтиндек ер.

Ватан кўркам,  
Баҳор, ўлкам,  
Салом, кўклам!  
Салом, кўклам!



Шаббода эсар ғир-ғир,  
Жимирлайди юлдузлар.  
Узун йўлда куйлашиб,  
Теримдан қайтар қизлар.

Пастликда кулранг туман,  
Босмиш оқшом тинлиги.  
Тоғда қор олмоссимон,  
Ғарбда кўк олтинлиги.

Адирлардан нарида,  
Гувиллаб оқарди сой.  
Оқшом киргач, осмонда  
Кема каби сузар ой.

Пахталар бўлди хирмон,  
Сингиллар, ҳормангизлар!..  
Узун йўлда, куйлашиб —  
Теримдан қайтар қизлар.

## ТОРТИШУВ

(С. Шчипачевдан)

Сули, арпа ва буғдой...  
Тортишиб қолди шундай;  
Сули деди:— Мен жангнинг —  
Бўлдим даркор томоғи.  
Югурмасди, бўлмасам —  
Жангчининг арғумоғи.  
Байирларга хўракман,  
Жангда жуда керакман...

Буғдой деди:— Мен аъло  
Ҳамма донлар ичида.  
Оч ва ҳориб қоларди,  
Нон бўлмаса жангчида.  
Мени хўрак қилганлар,  
Дарёлардан ўтдилар.  
Қоронғи ўлкаларга  
Қуёш билан етдилар...

Арпа деди:— Тўғри, хўп...  
Лекин, ғалаба куни  
Умум Ватан шодланди,  
Ватан тўйга отланди,  
Тўй қилди улуғ ўлка.  
Шаҳар, қишлоқ ва ува...  
Қизимасди яна ҳам,  
Агар бўлмаса пиво.

## ПОМИР ҚИЗИГА

Суюкли қиз, қора кўз Наврўз,  
Бадахшоннинг нозли каптари,  
Сен ҳақингда юритаман сўз,  
Тоғ малаги, эй гўзал пари...  
Йироқдаман, аммо чиройинг  
Кўз олдимда намоён ҳали,  
Едимдадир у ширин дамлар,  
Тоғда кезган оқшом маҳали.  
Мафтун этган мени нигоҳинг,  
Лаб остида жилвали бир хол...  
Сендан ортиқ гўзал бўлса ҳам —  
Сендан ортиқ севмагим маҳол...  
Киз, инонки лабимда қизил —  
Юзларингнинг ҳарорати бор.  
Юрагимда доим мағрурлик  
Сен ўргатган тоғ одати бор...  
Сен севасан тоғни оҳудек,  
Илҳомимдай эркисан унда,  
Дилдан берган ул ваъдаларинг  
Юрагимдек сақланар менда,

## МИЧУРИНЧИ

Косонсойда Риза ота яшар,  
 Мичуринчи кекса соҳибкор.  
 Уни Мичурин, деб аташар,  
 Унинг Мичуринча иши бор.  
 Риза ота бундан анча бурун —  
 Учрашганди Мичурин билан.  
 Уша онни эслаб қолди бугун.  
 Эслар эди чол элан-элан..  
 Москва яқинида кўм-кўк боғ:  
 ...Гул, помидор, олма, сирень, липа...  
 Ўтиришар эди икки чол.  
 Бири кийган эди шляпа  
 Бири кийган дўппи, серсоқол.  
 Улар бир-бирига ўхшар эди.  
 Қават-қават, юз тўла ажин:  
 — «Косонсойда лимон нега битмас?  
 — Шимолда нок тутмасми? Нечун?»  
 Ғир-ғир шамол,  
 Суҳбат авжида.  
 Гоҳ, Риза чол ўйлаб қолар тек:  
 «Баъзи иши унинг, ўхшаб кетар жуда,  
 Қўп ишлари эса, янгилик...»  
 Косонсойда Мичурин яшар:  
 Ризамат чол,  
 Хўб азамат чол,  
 Уни Мичурин, деб аташар,  
 Унинг қилган меҳнати ҳалол.

## ПУШКИН КОЛХОЗИ

Фарғонада Пушкин колхози бор,  
Водий бўйлаб ёйилган донғи.  
Яшнаб ётар чексиз пахтазор  
Мардларининг йўқ асло тенги...  
Сўз етмайди колхозни мақтаб,  
Боғларида абадий кўклам.  
Далаларда етилар пахта,  
Қишлоқлари кўм-кўк ва кўркам.

Клуб олди,  
Гулзор ичида —  
Турар Пушкин ҳайкали баланд.  
«Халқнинг зиёрат йўли —  
Майса-гиёҳ қилмас банд».

Пушкин билан колхоз фахрланар,  
Чунки, колхоз номи — ўлмас ном.  
Ҳар хонадон ичра Пушкин юрар.  
Ҳар деҳқонга Пушкин жонажон.

Пушкин турар,  
Мағрур,  
Бронзадан,  
Далаларда, мардларда кўзи.  
Азаматлар билан у фахрланар,  
Чунки, донгдор Пушкин колхози.

## ЗООТЕХНИК

Ҳамма нарса қунтга боғлиқ экан,  
Бемеҳнат ким бахтга етибди!  
Мисол,  
Бизнинг Ашурвой ўқиб,  
Зоотехник бўлиб қайтибди..

Кечагина чойхоначи эди,  
Иши — ташиш пиёла-чайнак.  
Энди, оппоқ халат кийибди,  
Кўзларида бўлса, кўзойнак.

Колхознинг зўр мол фермаси бор,  
Бутун ферма унинг қўлида.  
У ўйлайди колхоз хўжалигин,  
У ўйлайди юрган йўлида...

У ўйлайди.  
Кўпайсин дейди,  
Колхоз моли, сут, гўшт ва ёғи.  
Мол оғриси ғамини ейди,  
Ошсин дейди моллар туёғи.

Эчкилари тўрттадан туққан,  
Она эчки бағри доим бут.  
Қўйлар қўзилаган, кўпайган,  
«Қашқа» берар олтмиш литр сут.

Тонгда келар молни кўриб туш...  
Ферма айланар Ашур ака.  
Жони ачир оғриб қолса говмуш,  
Пода ичра соқолли така...

Ҳамма нарса қунтга боғлиқ экан,  
Бемеҳнат ким бахтга етибди!  
Мисол,  
Бизнинг Ашурвой ўқиб,  
Зоотехник бўлиб қайтибди.

## УРТОҚ ЛИ

*Социалистик Меҳнат Қаҳрамони*

Дала улкан, кўм-кўк ва жимжит.  
Осмон каби беҳад, бетўсув.  
Уфқ бўйлаб ўтади Чирчиқ,  
Пайкалларга ташлаб тиниқ сув.

Қуёш қизир. Дала оловли.  
Елка куяр, қизарар бармоқ,  
Тизадан сув кечар ўртоқ Ли,  
Бошда сариг воронка қалпоқ.

Тўпиғидан ботар у лойга,  
Сонларини тилади барги...  
Лекин ишдан қайтмас у, чунки.  
Қалб юрт ишқи билан ёнади.

Қош қорайгач салқин чўкади,  
Учиб келар Чирчиқдан еллар.  
Файзли дала савлат тўкади,  
Ли танидан кўчади терлар.

Барра ўтлар силкинар елда,  
Дала яшнар, гуркирар шоли.  
Уйнар шоликорлик устида,  
Беқарор, шўх Чирчиқ шамоли.

Бу ерларнинг ўтмишин сўраманг...  
Бу ер кимса кўрмаган у вақт.



Бу ерларда на Чирчиқ еллари,  
Бу ерларда ўйнарди ғирват.

Ли зап деҳқон чиқди, баракалла!  
Баракалла сенга ўртоқ Ли!  
Меҳнатингга қойил қолди бу юрт,  
Шоликорсан, Ли, сен — атоқли.

Ли ишлайди шоли ичида  
Кўкрагида Олтин Юлдузи.  
Обод қилди,  
Ҳосил берди қоплаб,  
Қатъий унинг ваъдаси, сўзи!

Ли зап деҳқон чиқди, баракалла!  
Шоликорсан, мардсан атоқли.  
Меҳнатингга қойил қолди Ватан,  
Баракалла сенга ўртоқ Ли!

*«Полярная Звезда» колхози*

## ИНКУБАТОР

Кўк л а м.  
Далаларда илиқ кўклам.  
Кўклам берди табиатга кўрк.  
Кўклам кирди фермаизга ҳам.  
Мана.

Инкубатор бўлди «курк».  
Ферма.

Ҳаммаёқда оқ товуқ,  
Гўё кўкдан товуқ ёғилган.  
Учишар, чўқишар, уришар...  
Шунча товуқ қайдан йиғилган?

Торлик қилар улкан бир майдон,  
Товуқ, товуқ, товуқ ҳар ёқда...  
Шунча товуқ ёғилган қайдан!  
Товуқ шунча кўпми дунёда?

Рихсиниса сабаб!  
Бизнинг Рихсиниса —  
Яратгандир шунча жўжани:  
Рихсихоннинг оппоқ ғозлари —  
Тўлдиришиб юрар кўчани.

Рихсихоннинг ҳалол меҳнати бу:  
Рихсихоннинг оқ жўжалари.  
Инкубатор «ой куни» етгач,  
Утар уйқусиз кечалари.  
Оппоқ, юмалоқ, жажжи жўжаларни.

Рихсиниса яратган. Тўғри!  
Бу ерда «худо» йўқ!  
Бу ерда бор.  
Техниканинг кўп илиқ бағри.

Шу қишлоқда, қадим,  
Товуқлар босарди —  
Ун беш тухум, кўп бўлса жуда.  
Рихсихоннинг инкубатори  
Очиб чиқар ўн мингта жўжа.

Рихсиниса илғор. Рихсиниса,  
Юртинг учун кўпроқ жўжа бер!  
Жўжалар кўпайсин.  
Жўжалар керак.  
Яша, Рихсиниса, очирабер!

## ИККИ ИМЗО

### I

Деҳқонбой ишларди кун тиғасида,  
Қадрдон кетмонга бермас эди дам.  
Чунки, у деҳқондир озод, туғаси,  
Чунки, ўзи каби мардларга ҳамдам.

Дўстлари тан берди унинг ишига,  
Уни звеновод қилиб кўтарди.  
Ишлади, обрўли дўстлар ичида,  
Ишлади, чунки эл шуни кутарди...

Баҳордан аввалроқ, гул ёзмай япроқ —  
Илк кўклам еллари учганда гув-гув  
Бир кун мажлис бўлди, режа, шартнома,  
«Кўл қўйинг, Деҳқонбой!»  
Бармоқ босди у.

Лекин, ишлар эди кун тиғасида,  
Қадрдон кетмонга бермас эди дам...

### II

Қанча йиллар ўтди-кетди орадан  
Қанча ёзлар ўтди, қанча баҳорлар.  
Даламиз юксалди кўркам, муаззам —  
Даламизга кирди янги анҳорлар.

Ишлади, ўқиди, ўсди Деҳқонбой,  
Чунки, буюк эли шуни кутарди.

Дўстлари қалбидан меҳри олди жой,  
Энди раис қилиб уни кўтарди.

Деҳқонбой басавлат, устида костюм,  
Тикандек соқолга оралади оқ.  
Шонини машшоқлар этди тараннум,  
Бахтли ҳаёт унга очмиш кенг қучоқ.

Баҳордан аввалроқ,  
Гул ёзмай япроқ,  
Қўклам шамоллари учганда ғу-ғу...  
Бир кун мажлис бўлди, режа. шартнома,  
«Қўл қўйинг Деҳқонбой!»  
Имзо чекди у.

Ишлайди, ўйлайди юрт саодатин —  
Доно раисимиз девкор Деҳқонбой...

## ВОДИЙ БҮЙЛАБ ҚАНОТ ҚОҚДИ КҮКЛАМ

Водий буйлаб қанот қоқди кўклам,  
Адирларда баҳор шамоли.  
Кенг далалар ясанди кўркам,  
Урмалади ерда чумоли.  
Унгурларда эски пахтадай —  
Тўдаланиб ётади қир кор.  
Гоҳ қизитар баҳор офтоби,  
Тўлиб оқар малларанг анҳор.  
Том бошида қағиллаб ёмон —  
Сўнгги қарга чақиради қор:  
Зангор кўк юзида туясимон  
Булутларнинг карвони оқар.  
Бирдан, далаларга ёмғир ёғар,  
Бир нафасда ерлар бўлар лой.  
Тўрт томонда баланд қорли тоғлар,  
Тошдан-тошга урилади сой.  
Қалдирғочлар кезар ер бағирлаб,  
Айланади осмонда лайлак...  
Гала қушлар ўтар чағиллаб,  
Толлар киймиш ям-яшил кўйлак.  
Қушлар кўкда ўйин қуришади,  
Кўклам рақси — қуш учишлари.  
Гўзал Фарғонани куйлашади  
Фарғонанинг нозли қушлари.  
Водий буйлаб қанот қоқди кўклам,  
Адирларда баҳор шамоли.

Анджон

## КОЛХОЗДА ГЭС

### I

Арслонбобдан оқиб келган сой,  
Далалардан ўтар пишқириб.  
Гоҳ ёйилар улкан дарёдай,  
Гоҳ йўқолар боғларга кириб.

Гоҳ югурар етиб олай деб —  
Пахтазорга, кўм-кўк қишлоққа.  
Гоҳо илон каби буралиб,  
Гоҳ бўлинар мингта ирмоққа.

Гоҳ қирғоқлар тўлади лиққа,  
Қирқ пуд тошни чир айлантирар.  
Гоҳо тушиб кетар жарликка,  
Гоҳ шаршара бўлиб ҳайқирар.

Шундай оқиб ётар эди сой,  
Асло боқмай ўнгу сўлига.  
Аммо бизнинг доно Турсуной,  
Сой жilовин олди қўлига...

### II

Колхоз ерин узоқ этаги —  
Жарлик. Бунда доимий жимлик.  
Сой ўтади қум тўла таги,  
Қайрағочлар турар шўппайиб,  
Мирзатеракларнинг қадди тик...

Тепаликда турар қаққайиб,  
Юз йиллик бир пастак тегирмон,  
Жарлик бўм-бўш,  
Оқова,  
Сизот,  
Тепаликда сой — гўё уммон.

Гувилларди бетиним қўш нов.  
От ва улов қатнайди ҳар кун.  
Тегирмончи Розик деган чол,  
Чолнинг юзи кўзи доим ун.

Жарлик бўм-бўш.  
Дарахтлар мудрар.  
Сой оқади гўё бир уммон,  
Тепаликда қаққайиб турар,  
Юз йиллик бир пастак тегирмон...

### III

«Тегирмон бузилсин!  
Қулай ер шу.  
Бошқа ер мос эмас. Чет. Узоқ!..»  
Шундай депти  
Инженер Петр Иванович,  
Турсуной ҳам чекибди имзо!

Колхозчилар бўлдилар рози.  
Бутун қишлоқ қўшилди бунга.  
Аммо,  
Тегирмончи чол — Розик  
Ғўдиллади беланиб унга...

«Йўқ, бузилсин! Майли!  
ГЭС бўлсин  
Инженернинг айтган ерига!»  
Шундай деди бир оғиздан колхоз.  
Эл камарни танғиди белига-

### IV

Тегирмон бузилди.  
Юк машина —



Тўка берди гишт, цемент, шагал...  
Инженер чертёжи қад кўтарди,  
Ёрдам қўлин узатди шаҳар.  
Йигитлар терлади, ишлади,  
Бел оғриди кўтариб замбил...  
Бемехнат ким египти бахтга?  
Меҳнат зое кетмас, дўстим, бил!  
Инженер чертёжи гавдаланди.  
Чизиқларга қўйилди бетон.  
Азаматлар лойга беланди,  
Азаматлар чекардилар жон.  
Азаматлар тинмас эрта-кеч,  
Кучга тўлиб оқиб ётар сой.  
Ҳорманг,  
Инженер Петр Иванич!  
Ҳорманг,  
Раисамиз Турсуной!

## V

ГЭС қаддини кўтарди, мана!  
Колхоз қурди нур манбаини.  
Иш бўлмади асло чакана,  
Эл севинди битказиб уни.

Ленин чироқлари балқиди,  
Колхоз бўлди нурга фаровон.  
Розиқ отага ҳам,  
Колхоз қуриб берди —  
Янги, электрик тегирмон.  
Пахтазорда, ҳув сой томонда,  
Оппоқ колхоз ГЭСи кўринур.  
Гувиллайди,  
Қувват беради,  
Чироқларга тўлдиради нур.

Жиловланди,  
ГЭСга берди куч  
Арслонбобдан оқиб келган сой.  
Балли, сизга  
Петр Иванич!  
Балли,  
Раисамиз Турсуной!

**ВАТАН ҲАҚИДА**

Бир солдат сингари, тиз чўкиб, шонли  
Ғолиб байроғингни ўпаман, юртим!  
Бир Олег сингари севаман сени,  
Ватан, тупроғингни кўзимга суртдим.  
Ватанни қўриқлаш — муқаддас бурчдир,  
Тўсиқ бўлолмайди бўрон, ўт ва сел.  
Мард ўғил қасами кескир қиличдир.  
Душман пошнасида топталмайди эл.  
Тупроғингни, Ватан, суртдим кўзимга,  
Матросовча қалбим меҳрингга тўлиқ...  
Ўзимни постдаги солдат ҳис этдим,  
Сен ҳақингда мудом куйлайман қўшиқ.

## ЖОЛИО—КЮРИ

Буюк олим, жангда чиниққан арбоб,  
Тинчликнинг забардаст, ғолиб жангчиси.  
Унинг қалби ёруғ мисоли офтоб,  
Жолио — озодлик, тинчлик жарчиси.

Атомни кашф этди инсон учун дея,  
Инсонга тушсин деб илмнинг нури!  
Бўғилган Франция,  
Қоронғу Франция —  
Ичра порлаб турар Жолио — Кюри.

Уолл-стрит малайлари уни бўғмоқ бўлар,  
Уринмоқдадирлар таҳқирламоққа.  
Черчиллар асабий. Тайёрдир улар —  
Уни Брунодай тирик ёқмоққа.

Шарманда бўлмоқда «жаноб» шпионлар.  
Жаллодларга даҳшат Кюри сўзлари.  
Жолио—Кюрини бўғолмас илонлар,  
Миллион-миллионларда унинг кўзлари.

Уруш даҳшатини лордлар қайдан билсин!  
Фордлар бозори-чун керак жанг...  
Уруш нималигини солдатлардану,  
Пхеньян кўчасида ўлган она кўксин —  
Тимискилаётган гўдакдан сўранг!

Қорея тупроғи олди аланга,  
Тўкилар бегуноҳ халқнинг пок қони.

Трумэн кимлиги маълум жаҳонга,  
Жаллодларга ҳукм бордир ҳаққоний!

Фазомизда учар тинчлик каптари,  
Ғолиб байроғимиз қўлларда бардам!  
Жаллодларга бўлсин жаҳон нафрати!  
Тинчлик олға томон босмоқда ҳардам.

Бор бўлсин Жолио —  
Чиниққан арбоб.  
Тинчликнинг забардаст, ғолиб жангчиси.  
Унинг қалби порлоқ мисоли офтоб,  
Жолио — озодлик, тинчлик жарчиси.

## КРЕМЛЬ ЮЛДУЗЛАРИ

Пахтазордан кўраман Кремль юлдузларин,  
 Бахтимнинг юлдузлари кўз олдимда ҳар соат.  
 Юзимда ёқут ранги,  
 Кўзимда сўнмас нури,  
 Қалбим олган Кремль юлдузидан ҳарорат.

Мангу бахтим — Москвам,  
 Пойтахтим — Москвам.  
 Панфиловдек севаман, фидо қиламан жонни.  
 Сенга муҳаббат билан жаҳон халқи боқади:  
 Сенинг шону шуҳратинг қоплагандир жаҳонни.

Дўстлар мени йўллади пойтахтга:— Яхши бор!  
 Кўзларимда ҳаяжон,  
 Қалбимда Ватан меҳри.  
 Мен бораман бағрингга,  
 Салом буюк Москва!  
 Салом, ёқут юлдузлар!  
 Салом, бахт, тинчлик шаҳри!

## ТИНЧЛИК БАЙРОҒИНИ БАЛАНД КЎТАРИНГ!

Дўстлар!  
Баланд кўтаринг  
Тинчлик байроғимизни!  
Ер юзин ҳар ерида  
Кўриниб турсин мангу!  
Тинчликсевар миллионлар  
Тўлдирсин сафимизни.  
Тинчлик —  
Барча халқларга  
Бахту саодат, орзу.

Сафларда ҳилпирайди  
Улуғ тинчлик байроғи.  
Вьетнамда довюрак —  
Партизан қўлларида.  
Жаҳон коммунистларин  
Дўсту қўзи-қароғи,  
Эзилган инсонларнинг  
Маякдир йўлларида.

Тоғларда бор бу байроқ —  
Геолог капасида.  
Бу байроқ бор МГУнинг —  
Қирқ этаж тепасида.  
Сталинград ГЭСининг —  
Қурилиши устида.  
Бу байроқ бор Донбассда,  
Чуқур ернинг остида...

Кеча терим бошланди;  
Пахтазорда тантана,  
Миллиард оппоқ каптарлар  
Пахтазордан гур учди.  
Кеча ўқиш бошланди,  
Севиқли муаллима —  
Варвара Васильевна,  
Ҳабиба Юсуповна  
Ўғил-қизларин қучди...

Улуғ ватанимизнинг  
Далалари бепоён,  
Бошоқлар денгизида  
Қомбайнлар сузар жадал.  
Бу — кўрфазга суқилган —  
Қароқчи кема эмас,  
У, Корея кўкидан  
Ташламас бомба-ажал.

Корея енгилмайди! —  
Ғалабага бошлайди —  
Баҳодир саркардалар:  
Ким Ир Сен ва Пин Дэ-Хуэй.  
Кесонда,  
Кўряпмиз —  
Ер юзига фoш бўлди —  
Тинчликнинг разил ёви —  
Сурбет, йиртқич, Риджуэй.  
Тинчлик тарафдорлари —  
Улуғ, беҳад океан.  
Тинчлик ишини халқлар  
Ўз қўлига олмоқда.  
Жаноблар иғвосига,  
Халқ алданмас ҳеч қачон!  
Ҳиёнаткор тўдалар  
Жарга ағанамоқда.

Бу байроқ колонналар,  
Митингларда ҳилпирар.  
Партиямиз байроғи —  
Коммунизм байроғи.  
Дўстлар!  
Баланд кўтаринг

Тинчлик байроғимизни!  
Ҳилпирасин,  
Юксалсин,  
Тутинг қўлларда маҳкам!  
Тинчлик учун қўямиз  
Қалбимиз — имзомизни.  
Халқлар қатъий истаги —  
Тинчлик бўлсин мустаҳкам!



## ТОКАРЬ

Металл йўниш — нокни арчгандай,  
 Металл кафтда мўм бўлар худди.  
 Токарь севар станокни жондай,  
 Меҳнат билан юксалди қадди.

Мақташади ишин, режасин,  
 Цехда ҳатто шундай гап ҳам бор:  
 «У, қирқ йилча йиққан тажрибасин —  
 Бир деталга сарфлашга тайёр...»

У ясаган деталь СХМда,  
 Беҳад пахтазорда юради.  
 Шу деталдан битта нусхаси —  
 Виставкада порлаб туради.

Кекса токарь — заводнинг фахри,  
 Еш қалбларда ҳурмат, меҳри зўр.  
 Мастер деса уни дўстлари,  
 Ешлар дейди уни — профессор.

## ҲАЁТ ЕНГАДИ

Америка йиртқичлари ошиб кетди ҳаддидан;  
Кореяда даҳшатли вабо ёйди, дард ёйди.  
Инсонлар қилар ҳазар босқинчининг афтидан,  
Бунчалик разилликни тарих ҳали билмайди.

Тарих ҳали билмайди бунчалик қотилларни;  
Улар вабо юқтирган пашшалар қанотига.  
Бу жанобларнинг иши — талаш, шилиш элларни,  
Бу ёвузлар учради кишилик лаънатига!

Ким Ир Сен!—

Сен халқингнинг ғолиб, содиқ  
ўғлисен!

Пектусан тоғларидек букилмас мағрур қаддинг.  
Пин Дэ Хуэй!

Босқинчига омон берма, тўк тутдай!  
Янцзи дарёси каби буюк сенинг қудратинг.

Босқинчилар қирилар!  
Қонга — қон ва жонга — жон!  
Ер билан яксон бўлар ҳашаротлар юриши.  
Синдиrolмас ҳеч қачон, ҳеч қачон, ҳеч қачон —  
Пўлат иродангизни йиртқичларнинг хуружи!

Бу талваса, разиллик Америка учун хос.  
Одамхўр жанобларга халқлар ўқийди лаънат.  
Черчиллар томоғидан тарих ушламай қўймас;  
Нюрнберг суди каби яна суд бўлар албат!  
Яна суд бўлар албат! Халқлар ҳукми ўқилар.  
Жазодан машъум қотил қочиб қутула олмас!  
Ватанпарвар жангчилар босқинчини йўқ қилар.  
Бир бутун Кореяда халқ олар эркин нафас.

## ОЛЬГА АГАФОНОВАГА ХАТ

Азизим Ольга!  
Кеча етиб келди дўстона хатинг,  
Севинч сиғмай кетди ичимга.  
Цехимизда сенинг ташаббусинг  
Яна ғайрат қўшди ишимга.

Кандай қиз экансан, деб ўйлардим,  
Диққатимни қилар эдинг жалб.  
«Огонёк»да суратингни кўрдим;  
Жуда ўхшаш эканмиз, ажаб...

Мана, станогим. Мен ишлайман,  
Ишим сеникидай, Олечка!  
Бракка ўрин йўқ бизнинг цехда,  
Балки заводда ҳам... Бу чин гап!  
Ҳаммамиз ҳам шундай.  
Қувватладик —  
Новаторлик ташаббусингни.  
Агар келсанг эди, азизим,  
Ишларимга солсанг эди разм —  
Балки, кўрар эдинг ўзингни.

Цехда мени баъзан: Оля дерлар,  
Фахр этаман бунга, дугона.  
Бунга сабаб тез ишлашимдир,  
Мардлигимдир бунга баҳона.  
Отпускангда меҳмон бўлиб кел,  
Янги ютуқларингдан ёз хат.  
Комсомоллик саломи билан —  
Сельмаш, Ризаева Малоҳат.

## ҚИЗИМ ДИЛСУЗГА

— Дад-да,— дейди мунчоқ кўзини  
Жовдир-жовдир тикиб юзимга.  
— Кел, кел,— дейман,— кел, қизим, чопиб,  
Кел қучоқлай, югур ўзимга.

Кел ипакдай сочларингга мен  
Нурдан лента ясаб, тақайин.  
Қучоғингни гулга тўлдириб,  
Эркалайин, кулиб боқайин.

Ҳали қизим, камол топасан,  
Ҳуснинг гулдек яшнаб, очилар.  
Қошинг қора бўлар, сочларинг —  
Елканг билан битта сочилар.

Сен ўшанда бўларсан балки,  
Бир геолог, балки тўқувчи.  
Балки доктор, балки инженер,  
Балки қўрқмас моҳир учувчи.

Қизим, шунда сен учун яна  
Мен созимни қўлга оларман.  
Ишингними, мардлигингними,  
Қўшиқ қилиб куйга соларман.

## ПАРТИЯГА

Меҳрибон она каби бахт сари етакладинг,  
Порлоқ келажагимни равшан кўриб олдиндан.  
Бир кулол ўғли эдим... Юксал! — дединг қадрдон,  
Юксалиш йўлларини кўрсатиб бердинг чиндан,  
Раҳмат сенга, Партия!

Кураш оловларида кўриқладим Ватанни.  
Кўксимни тешолмади душман ўқи ҳеч қачон:  
Чунки қалбда яшайсан партиямиз — жонажон,  
Шунинг-чун душман ўти ёндиrolмади танни.

Партия, сен — қалбимиз! Монолит қувватимиз!  
Ҳар вақт сенга, Ватанга биз содиқмиз, қадрдон!  
Сенинг йўлинг ғалаба, сен бизларнинг бахтимиз  
Бутун жаҳон халқларин умид-орзуси сенда.

Меҳрибон она каби бахт сари етакладинг,  
Порлоқ келажагимни равшан кўриб олдиндан.  
Бир кулол ўғли эдим... Юксал! — дединг қадрдон,  
Юксалиш йўлларини кўрсатиб бердинг чиндан,  
Раҳмат сенга, Партия!

1953

## БУХГАЛТЕР

У хушчақчақ...  
Ишда чин ишчи,  
Чўтда йўқдир унга баравар.  
Гоҳ, майкада, волейболда терлар,  
Шахматда-чи, аспи жанговар...  
Ҳатто боқса,  
Қараб билар гўё —  
Рақамларнинг қалб тепишини.  
Кўз олдидан ўтар олти хоналиклар...  
Қандай пухта қилар ишини!  
Хатга боқса, боқар кўзойнақдан,  
«Қўл кўтарар» гўё рақамлар.  
Бизга боққанида, кўзойнақнинг —  
Тепасидан мўралар, кулар...  
Қасбин севар,  
Ишлаб чарчамас,  
Гоҳо, жиндек мақтанади ҳам;  
«Бухгалтерлик чакки иш эмас,  
Бухгалтерия — точный фан, укам!..»

## АРСЕНАЛ

«Ой, Днепро...» қўшиғин барала куйлаб  
 Катерина борар, зангор кўзли қиз.  
 Днепр бўйидан, аллеялар бўйлаб  
 Арсенал томонга кўтариламиз.

Қаршимда Арсенал — қадимий завод,  
 Баланд ғишт деворлар ярадор бўлган.  
 Бунда, Октябрда ленинчилар бирдан —  
 Учқунлардан пайдо этдилар зўр ўт,  
 Чил-чил ойналардан стволлар чиқди,  
 Қадоқ қўллар узди душман томон ўқ.  
 Кураш оловида танлар чиниқди,  
 Тўсолмади очлик, ўлим ҳамда дўқ...  
 Таслим бўлмадилар шонли коммунистлар,  
 Душман ҳалқасида сўнгги дамгача.  
 Арсенал девори ёнида қатор —  
 Тикка отилдилар ишчилар қанча.  
 Қаршимда Арсенал баланд деворлар,  
 Илма-тешик бўлган сариқ ғиштлари.  
 Бу ерда отилган мард биродарлар,  
 Қурол заводининг бор ишчилари.

Гўзал Катерина гуллариинги қўй  
 Шу девор тагига... Бош эгдик шу дам  
 Деворни ўпаман. Гўё ўпгандек —  
 Ҳурлик қурбонларин пўлат кўксидан.

Киев

## АННА ШЕЛЕСТ

Гоголь тасвирлаган Матюши — қишлоқ  
Қия том хаталар, четан деворлар.  
Туядек лапанлаган ғозларига боқ,  
Шамолда чайқалган кенг буғдойзорлар...  
Бизни кутиб олди колхозчи дўстлар,  
Анна Шелест тутди менга «нон ва туз»  
Қадрдон кўзларга тикилди кўзлар,  
Аннанинг кўксида порлайди юлдуз.  
Қимгадир ўхшатди, тикилиб қолди,  
Мовий кўзларида кўрдим ўзимни.  
Қалдирғочлар учиб кўздан йўқолди,  
Яшил далаларда буғдойдай пишган,  
Буғдой ранг қиз билан бораман бирга.  
Хобта<sup>1</sup> каби ишчан, жиндек уятчанг —  
«Умница» дерканлар... қарайди ерга.  
Баъзан сўз тополмай қоламан мен жим;  
(Шоир сеза олур қиз юрагини)  
Жанг йиллари экан... Бир ҳамшаҳрим,  
Тутган экан унинг оқ билагини.  
Ватан тупроғига бош қўйипти у,  
Қолипти қалби ҳам, ишқи ҳам шунда.  
Эмиш, жангчи кўзи мисоли оху,  
Эмиш, жангчи ишқи яшармиш унда...  
Шунинг-чун пахтазор ўлкамиз роса —

---

<sup>1</sup> Переяслав-Хмельницкий районидаги «Шевченко» колхозининг звено бошлиғи — икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.



Оҳанрабо каби тортармиш қалбин.  
Ҳатто газеталарда Тошкент деб ёзса,  
Қўргандек бўлармиш ўша дилбандин.  
Анна далалари худди океан,  
Қушлар уча-уча толар қаноти.  
Мен билан боради бирга ёнма-ён —  
Далалар юраги, дала ҳаёти.  
Севиб қолдимми мен Аннани. Балки —  
Олов ёқдимикан осойиш танда.  
Украина, гўзал Украина, чунки —  
Аннадай қизларинг бордир жаҳонда.

*Киев*

## ВЕНЕСУЭЛАЛИК ТЕРЕЗА ХОНИМ

*Баллада*

Нурга интилар инсон,  
Чунки ёруғликда бахт,  
Эй, бизнинг порлоқ Ватан,  
Машъалдирсан ҳамма вақт.  
Венесуэла узоқ,  
Жуда узоқ бир ўлка.  
Унда тонг отмас оппоқ,  
Зулм ташлаган кўлка...  
Қоронғидан нур томон  
Учган каби парвона;  
Шу юртдан келди меҳмон;  
Тереза деган она,  
Сувлардан кечиб ўтди,  
Дарёлару, океан...  
Тоғлардан учиб ўтди,  
Дилда «Совет Унион».  
У қотма, рангпар, бўйчан,  
Сўзлар испан тилида.  
Қамгап, юмшоқ ва ўйчан...  
Нималар бор дилида?  
Дилида нималар бор,  
Айтмас, чиқмас садоси.  
Сиртдан билинмас зинҳор,  
Ичда одам балоси.  
Ёзар эди кўп ғоят...  
Соатларча демас лом,  
Меъдасидан шикоят...  
Кофе ичар бир ҳўплам,

Москвада бўлди у,  
Киев, Ленинградда...  
Қўринишда кўп маъсум,  
Қўринишда кўп содда.  
Бир ой ўтди сурунка,  
Сўзламади очилиб.  
Баъзан, баъзан гурунгда  
Қўярди енгил кулиб.  
Мана колхоз, далалар,  
Пахтазор ётар яшнаб,  
Биз Тереза хонимни  
Қирдик яслига бошлаб.  
Жажжи кроватларда  
Гўдаклар... Ширин уйқу,  
Қирдик оқ халатларда,  
Одамнинг келар суқи,  
Семиз, пуфлаётгандек  
Лўмбиллаган юзлари.  
Қиргийдек кўзлар тетик,  
Қора зангор кўзлари.  
Билаклар семиз ва оқ,  
Бармоқлари жимжима.  
Терезага бир гўдак  
Талпинди: «Мама, мама».  
Бориб кўтарди уни.  
— Исми нима?  
— Қўчқорбой.  
Жимирашди бадани,  
Дуркун эди қўчқордай.  
Қўксидан ҳеч қўймади,  
Босди юзига юзин,  
Ўпган билан тўймайди,  
Гўё бир шингил узум...  
Бурчакдаги аквариум —  
Ёнига олиб борар.  
Бир нафасча икков жим  
Балиқларга тикилар.  
Тикиларкан сувдаги  
Митти олтин балиққа —  
Эзилди шод юраги.  
Кўзга ёш тўлди жиққа.  
Бирдан йиғлади ҳўнграб,  
Билмай босар-турарин.

Боши айланиб, ганграб  
Қучоқларди Қўчқорни,  
Қучоқларди Қўчқорни,  
Тикилар кўз-қошига.  
Кимгадир ўхшатарми...  
Маҳтал бир қарашига...  
У ажнабийларга хос —  
Такаббурликни қўйди.  
Қалбини очди бир оз,  
Эркалади ва суйди,  
Диванга ўтирди у,  
Еш боладек бўзлади.  
Ажнабий бўлмади-ю  
Она бўлиб сўзлади:  
«Олтин балиқ сингари  
Бор эди — олтин болам,  
Шу балиқдай яшарди:  
Тор эди унга олам,  
Тонгда ишга кетардим,  
Қулфланарди уйим.  
Балиқчадай қоларди,  
Уйим худди аквариум...  
«Олиб кетгин, ойижон,  
Ўзинг билан кўчага...»  
Ялинаруди у жон-жон —  
Осилганча эшикка.  
Ишдан қайтсам, кўрардим,  
Босинқирарди ухлаб.  
Полда ётарди қўзим,  
Қўйилган каби михлаб.  
Сигмади пешонамга  
Бир кун ўлиб қолди у.  
Каталакдай уйимда  
Гулдай сўлиб қолди у...  
Қошлари ўхшар эди  
Сенинг қошингга, эркам,  
Улмаганда, сен каби  
Семиз бўларди балким.  
Олтин балиқ сингари  
Бор эди — олтин болам.  
Аквариумда яшарди,  
Тор эди унга олам,  
Нега менинг боламга

Қарамади ҳеч кимса?!  
Сигмадими оламга?  
Нима бўларди сизга?  
Мен бола туғибману —  
Туғмабман бахти билан.  
Муҳтожлик бўғди уни.  
Муҳтожлик — заҳар илон!  
Венесуэла элига  
Яна қайтиб бораман.  
Ҳақ гапни айтмай нега?  
Барин айтиб бераман.  
Бола туғсам, отини —  
Айтай Қўчқорбой, дея,  
Бахтиёрлар элидан  
Айтиб берай ҳикоя.  
Зора сенга ўхшаса,  
Берса сеинг йўлингни.  
Кел, баҳодир ўғилча.  
Кел, бир ўпай қўлингни...»  
Қўчқорбойнинг қўлини  
Лабларига босди у.  
Қўчқорбойдай ўғилни  
Тереза қилди орзу.

## КИЕВ ҚАШТАНЛАРИ

Киев каштанлари нақадар сўлим,  
Майнинг эртасида, кулганда гуллар.  
Оқиб ётганида Днепр лим-лим,  
Барглари тортқилаб қочганда еллар.  
Қаштан — тўй истармиш. Қизлар расмида,  
Қофтага чатишар, чунки эмиш бахт...  
Мария Вовчок<sup>1</sup> нинг гўзал ҳуснида,  
Қаштан гўзаллиги яшармиш ҳарвақт.  
Крешчатик бўйлаб гуллайди каштан,  
Қаптарлар осмонда ўйин қуради.  
Бронза Шчорс оти зўр мрамартошдан —  
Булутга сакрамоқ бўлиб туради.  
Паркларда, Днепр бўйида яшнаб,  
Соҳил йўлларида туради қатор.  
Шевченко шеърига қадрдон, ошна —  
Киев каштанлари гўзал нақадар.

*Киев*

---

<sup>1</sup> М. Вовчок — Украина адабиётининг классиги. У тенгсиз гўзал аёл бўлган. (Автор изоҳи.)

## ДУБ

Қайин дарахтлари аро тик, улкан —  
Переяславда бордир битта дуб.  
Тимсоҳ терисидек пўсти мустаҳкам,  
Ҳар битта шохининг ўзи катта туп.  
Ўни ўз қўли-ла экканмиш Тарас,  
Бу дуб Переяславда юз йил яшади.  
Бу дубни: «Бессмертие» деганлари рост,  
«Улуғ кобзарь дуби» деб аташади.  
Довул ҳам, бўрон ҳам қилмади ҳеч кор  
Йиллар, қурғоқчилик қовжиратган хўб.  
Совуқ — монастирлар ёнида турар —  
Кобзардан ёдгор — улкан яшил дуб.

*Переяслав-Хмельницкий.*

## ЕР-ЁР

Колхозимга ярашган,  
Тўйларингдан, ёр-ёр.  
Келин бўлган Анорхон,  
Бўйларингдан, ёр-ёр.

Шилдир-шилдир қамишга,  
Тушди сирғам, ёр-ёр.  
Йигит ва қиз севишган,  
Кўрмасин ғам, ёр-ёр.

Дангиллама уй муборак,  
Дилда ҳузур ёр-ёр.  
Дангиллаган уйга керак,  
Телевизор, ёр-ёр.

Телевизор тезроқ келсин,  
Бурар эдик, ёр-ёр.  
Муқаррамхон ўйинини  
Кўрар эдик, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан.  
Дўнгалакми, ёр-ёр.  
Куёв поччам сўзламайди,  
Гунгалакми, ёр-ёр?

Папиросни олиб қўйгин,  
Куёв почча, лабингдан.  
Анорхонга вино қуйгин,  
Эшитайлик галингдан!



Сен туғилдинг, Анорхон —  
Бир боққанда, ёр-ёр.  
Папиросни бурқитарсан,  
Чўт қоққанда, ёр-ёр.

Беланчакни тайёрлаб қўй, —  
Деди янга ёр-ёр.  
Яқин кунда эшитилар,  
Инга-инга, ёр-ёр.

Айта берсак шод ўлан,  
Тугамагай, ёр-ёр.  
Қўшиқ айтган тилингдан,  
Мен ўргилай, ёр-ёр...

## ЖОРЖИ АМАДУ

Икки юз миллионта менинг қадрдоним,  
Улар: опа-сингил, ака-укалар...  
Анкетамга' ёздим уларнинг номин,  
Ҳар қачон мен билан биргадир улар.  
Улар менинг билан бирга ҳар қачон,  
Севинч ҳам, қайғу ҳам, тўйлар ҳам бирга.  
Баъзан чарчаб қолар илдам почтальон —  
Табрик келтирганда Май, Октябрга...  
Менинг дўстларим ҳам кўпдир жаҳонда,  
Содиқ оғайнилар ҳамма ерда бор;  
Пекин, Софияда, мард Пхеньянда,  
Ишчи кварталлар, портларда улар...

Амаду Тошкентда. Адиб қаршисига —  
Бир қучоқ гул билан чиқдим мен пешвоз.  
Бахтиёр ўлкамда, республикамда,  
Барқ уриб яшнарди тўкин-сочин ёз.  
Пахтазорга бордик, заводга бордик,  
Колхозчи уйида бўлдик биз меҳмон.  
Бирга бўлди биз-ла ҳар ерда шодлик.  
Бу элда одамга одам қадрдон.  
Яшил шаҳримизнинг боғлари кўркам.  
Далаларда оққан лиммо-лим дарё...  
Сени орзу қилар, эй бахтли ўлкам!  
Сенга кўз ташлайди Рио де-Жанейро.  
Колхоз мажлисида сўзга чиқар у,  
Юрагида тўлқин, севинч, ҳаяжон:  
«Бир умр қолардим шу колхозда-ю,

Бўлардим дунёда энг бахтли инсон.  
Лекин мени кутар Бразилияда  
Плантацияларнинг заҳматкашлари.  
Улардан хор инсон йўқдир дунёда...  
Қалбида аланга докер ёшларин.  
Унда мени кутар ўртоқ Престас —  
Компартиямизнинг жасур раҳбари.  
Учқунлар алангага айланажак тез,  
Кенгаяр дўстларнинг пўлат сафлари!  
Биз сизга боқамиз, азиз ўртоқлар!  
Йўлимиз — сизларнинг порлоқ йўлингиз,  
Содиқ дўст курашда ишончни оқлар,  
Қалбга меҳр берди илиқ қўлингиз».

## БОЛГАР ДУСТЛАРИМ

Болгария деса кўз олдимга келар  
Дўстларим... Сиз билан тепар дил яна,  
Радевский, Босев, Веселин ва Матев  
Ҳамда Дунай қизи гўзал Лиляна.  
Байрам арафаси, пахтакорлардек,  
Енгимни шимариб тушаман ишга.  
Столим устида туради қордек  
Оппоқ қоғозларим шеър ёзишга.  
Сўрарлар: «Улар ким?» «Болгариядан».  
Гўё яна бир сўз етишмагандек  
Уларга айтаман шу дам қайтадан:  
«Улар Димитров юртидан, дўстим».  
Бу юрт тарихини лоқайдлик билан,  
Шунчаки эсламак мумкин эмасдир!  
Беш юз йил бу элни мисоли илон  
Туркия золимлари чирмади. Абжир —  
Болгар ўғиллари, беш юз марта,  
Золимни урдилар, енгиб қайғуни.  
Улган гўдакларнинг доғи ўртама!  
Турклар бўйнидадир Ботевнинг хуни!  
«Хаджи Димитр»<sup>1</sup>ни ёддан куйламай  
Бирон болгар ўғли ўтмаган ҳеч вақт.  
Волгамизга содиқ сингилдир Дунай,  
Болгар халқи учун Москвамиз — бахт.  
Бу сўзлар «Болгария Маяковскийси»

---

<sup>1</sup> «Хаджи Димитр» — Христо Ботев шеъри, болгар халқининг революцион қўшиғи бўлиб куйланади.

Смирненский<sup>1</sup> шеърида жаранглаб турар.  
Бу сўз-ла Димитровград ишчиси,  
Тирнов деҳқонларин қалблари урар...  
Дунай соҳиллари менга қадрдон,  
Кўзларим Витоша чўққиларида.  
У менга Арслонбоб каби жонажон,  
Содиқ дўстларим бор Болгарияда.

---

<sup>1</sup> Болгар халқининг йўлбошчиси Георгий Димитров талантили шоир ва революционер Христо Смирненскийни Болгариянинг Мажковскийси деб атаган.

## САЛАМЕА СОВЕТ АДАБИЁТИ ҲАҚИДА

Баланд тоғларнинг бўйин  
Кўролмайсан сен тоғдан.  
Тоғларнинг буюклигин —  
Яхши кўрасан узоқдан.  
Денгизлар нарёғида,  
Кўп узоқда тураман.  
Бор буюклиги билан  
Мен бу тоғни кўраман.  
Мен Горькийни кўраман,  
Шолохов, Тихоновни...  
Чўққидан тушган офтоб,  
Ёритади хонамни.  
Колумбия туини  
Йиртиб ташлар чақмоқлар.  
Заводларнинг турмини  
Бузиб чиқар ўртоқлар.  
Эшитилар дам-бадам  
Неруда қўшиқлари.  
Амаду менга ҳамдам —  
Амазонка шерлари...  
Дўстим! Тоғларнинг бўйи  
Яхши кўринмас тоғдан.  
Тоғларнинг буюклиги  
Кўринаркан узоқдан.

## ЧАНДРАЛИКА

Баҳор ойи эди у чоғ...  
Меҳмон бўлдинг элимга.  
Гуллар тутдик қучоқ-қучоқ,  
Қўл бердинг, сен қўлимга.  
Тагор шеърин зўр жаранги,  
Ҳинду тунин ёруғ тонги —  
Чандралика,  
Чандралика.

Рақс этасан... Сен сузасан  
Гўё маржон қасдида.  
Балиқлардан ҳам ўзасан  
Зангор денгиз остида,  
Бенгал рақсин юлдузисан,  
Ҳинду халқин ўз қизисан,  
Чандралика.  
Чандралика.

Икки юз йил елкангни сенинг  
Эди лорду, тахту тож.  
Бой ва сероб ўлканг сенинг,  
Қолдинг сен оч-яланғоч.  
Халқинг филдай улкан сенинг,  
Юртинг бойликка кон сенинг,  
Чандралика,  
Чандралика.

Зулук каби сўрган ётлар  
Эзилган халқ қонини.  
Сен рақс этсанг, халқинг ёдлар  
Очларнинг фиғонини.  
Дукур-дукур чопган отлар,  
Бўғовларни бузар, хатлар!  
Чандралика,  
Чандралика!

Ҳиндистонда очилган гул,  
Хуш келибсан элимга.  
Дўстлигимиз бўлсин мангу,  
Қўлингни бер қўлимга!  
Уланова каби юксал,  
Бахту камол топгил, гўзал —  
Чандралика,  
Чандралика.



## ҲИНД РАҚҚОСАСИ ТАРА ЧОУДРИ

Кафтларини жуфтлаб кўксига,  
Табассум-ла боқар саҳнадан...  
Уйнар «Бхарат Натъям» рақсига,  
Гир айланар боғнинг саҳнидан.  
Нигоҳлари ғоят фусункор,  
Вужудида беҳад ҳаяжон.  
Юзда гўдак эркалиги бор,  
Мафтун қилмоқ бўлади жонон.  
Ногоранинг серзавқ так-туми,  
Сари каби чулғайди қаддин.  
Қўллар гўё филнинг хартуми...  
Рақснинг жуда олипти ҳаддин.  
Баъзан нола қоплар юзларин,  
Ганг тошқини ичра қолгандай,  
Баъзан бир завқ қучар кўзларин,  
Ер севгиси... Оқшом... Кўкда ой...  
Баъзан унинг мис билаклари  
Худди илон каби буралар.  
Панжобдаги силласи қуриган  
Ялангоёқ қизга ўралар.  
Баъзан шўх-шўх қулоч отар у,  
Тўй бўлгандай, ноғора гижбанг...  
Тўлқин отар гўё оқар сув,  
Тошқинига тенглашолмас Ганг.  
Бирдан тўхтар. Кафтлар жуфтланар,  
Бир нуқтага тикилар кўзи.  
Табассум-ла у бизга боқар,  
Гул тутаман, бор бўл, ҳинд қизи!

## ДОКТОР МОХАНЛАЛ АТАЛ

Кексалик — донишмандлик.  
Кексаларга зўр ҳурмат.  
Кексалар қилса фикр —  
Афлотунлар бўлар мот.  
Оёқда бола кучи,  
Йигит қуввати белда.  
Кекса фикрда лочин...  
Шундай мақол бор элда  
У кекса. Узоқ умр,  
Кечмишлари бошида.  
(Суҳбат қилган чоқда биз,  
Эди етмиш ёшида).  
Кўп ўлкаларни кезган,  
Кўрган кўп шаҳарларни.  
Чет элларда ўтказган,  
Кўп шому шаҳарларни.  
Нью-Йорк, Лондон, Париж...  
Кўрмапти самимият.  
Тинчликни мустаҳкамлаш  
Ундаги ёлғиз ният.  
Шу мақсадда курашар  
Қатъий туриб мардона.  
Шу мақсад билан яшар,  
Шу мақсадда қалб ёнар.  
Китчлу ҳамда Сокхей-ла,  
Сафда турар ёнма-ён.  
У катта хизмати-ла,  
Ҳинд халқига жонажон.

Халқ берар унга қувват,  
Сезилмас қарилиги.  
«Бор бўлсин Ҳинд ва Совет —  
Халқларин чин дўстлиги!»  
Гоҳ митинг бўлар катта,  
Минбарда турар шердай.  
**Мадрас, Дели, Калькутта**  
Тинглайди уни Бомбай:  
«Кўпни кўрдим умримда,  
Айландим ер юзини.  
Советлар Ватанида  
Кўрдим бахт юлдузини.  
Тинчлик мамлакати бу,  
Фаровонлик, қардошлик,  
Бу юрт халқига мангу  
Ёр бўлган соғлом ёшлик.  
Кўпни кўрган ёшимда,  
Унга қўйдим муҳаббат.  
Халқ ҳурмати бошимда,  
Яхши халқ Ҳинд — Бхарат —  
Биз унда тинчлик ёвин  
Йўлларини тўсдимиз.  
Улуғ Совет халқлари  
Бизнинг азиз дўстимиз!»

## НЕГР АШУЛАЧИСИ ХЬЮЗ ҚУШИҒИ

Негр экди бир туп хурмо,  
Бахтни умид қилиб юрак...  
Хурмо аста ўсди, аммо —  
Бўлмади ҳеч бахтдан дарак.  
Чайласида яшади оч,  
Ўғил кўрди чарос каби —  
Қоп-қора у. Жингалак соч,  
Шерникидан қалин лаби.  
Евуз тақдир юлди бахтин —  
Чайласига ёқишди ўт.  
Шарт кесишди хурмосини,  
Бир миллионер қурди завод.  
Иш излади у саргардон,  
Баъзан куйлар сувга қараб.  
Зил юклардан оғрир гардан;  
Негр хомбол, негр хароб.  
Юрагида ўт олар ўч,  
Оч ва ҳорғин юрар, аммо  
Дилда умид, жингалак соч...  
Бир тупгина ўша хурмо.  
Кунлар келар, негр зулм  
Занжирларин узар тандан.  
Қўрқитолмас уни ўлим!  
У курашар кечиб жондан!

## ҚОРА КҰЗОЙНАК

Бизнинг улугъ юртни кўрмакка  
Меҳмон бўлиб келди жаноб Макк.  
Эркаклаган пиёздай тикка,  
Кўзларида қора кўзойнак.  
Ҳа, хуш кўрдик... Нозу неъмат тўла  
Дастурхонни ёздик столга.  
Тақдим этдик бир қучоқ лола,  
Гўзал «ЗИМ»да чиқдик биз йўлга;  
Тинч аллея ва асфальт йўллар...  
Биолярнинг нақшин пештоқи...  
Унг ва сўлда ранг-баранг гуллар,  
Машинамиз боради оқиб...  
У боқади қора кўзойнакни  
Олмай туриб гуллар ҳуснига.  
Қизил гулни, яшил баргларни  
Қора қилиб кўради нега?  
Биз кирамиз катта театрга —  
Эртакдаги ажиб бир сарой...  
Биз борамиз колхозга бирга,  
Далаларда тенги йўқ чирой.  
Нега олмас кўзойнакни у,  
Кундузини ўхшатар тунга.  
Айлангандек кўмирга ер-сув  
Оқ булутлар қора тутунга...  
Аммо бир кун қора ўрнига,  
Бирдан тақиб олди оқини.  
Микроскопдай... Оқ кўзойнакда —  
Вагранканинг олов ёлқини...

Кўз пахтаси чиқади нега?  
Кўзойнакни артиб қўяр ҳам,  
Янги станокка, деталларга,  
Янги чертёжларга боқаркан,  
Узум, анор, кабобу — рюмка...  
Қора кўзойнакнинг ортидан  
У тикилар менинг юзимга.  
У тикилар... Балки, қора қилиб  
Боқмоқ истар оппоқ юзимни.  
Негрга ўхшатар... Негр билиб —  
Сўнук кўрмоқ истар кўзимни.  
Негр инсон! Инсонлик ҳақ!  
Инсонларни билади жаҳон.  
Бизда фақат ажратади халқ —  
Қалби қора бўлганда инсон.  
Оқни қора кўрувчи жаноб,  
Шаҳримизда бўлди беш кунча.  
У жўнади. Кузатдик шу тоб —  
Дипломатия қондасича.

## ҚИРҒИЗИСТОН ТОҒЛАРИДА

Тянь-Шан — хитойча Осмон тоғ демак.  
Чўққилар фалакка кирган бигиздек.  
Тошлар орасидан чиққан арчалар,  
Баланд чўққиларда доимий музлик.  
Тошлардан тошларга сапчиб гувиллаб,  
Муздек сойлар оқар Иссиқкўл сари.  
Минг йиллик харсанглар ётади қулаб,  
Адирларда шамол учар сарсари.  
Табиатнинг ўткир қиличи кесган  
Чўққилар ағанаб ётади ерга.  
Қирғийлар, зағчалар қурганди маскан,  
Жониворлар етолмас тик қояларга.  
Тоғлар силсиласи ораларида  
Ям-яшил яйловлар ётар яшриниб.  
Кекса Олатовнинг дараларида  
Беҳисоб подалар ўтлар ёйилиб.  
Баъзан чўққиларга тенглаб, осмонда  
Тоғ қуши айланар ясаб доира —  
Бир тўп ўтовлардан учади ханда,  
Бунда Усенбойнинг куйи ёйилар.  
Россия ўрмонлари каби, тоғларни  
Арча, қарағайлар қоплаган бутун.  
Кўк Жойиқ қирида кеч ўчоқлардан  
Осмонга буралиб учади тутун.  
Баҳорда харсангтош ораларидан  
Бўй чўзар чучмўма, қизил лолалар...  
Ровочлар шапалоқ отади ердан,  
Бир ажиб файз билан яшнар далалар.

Бу ерни аталар Жети Огуз деб,  
Бу ерда табиат ниҳоятда бой.  
Фасллар ўтади унга бериб зеб,  
Бу ерда юз очган тенги йўқ чирой.  
Иссиққўл қирғоғи, тоғ этаклари  
Оқ уйлар, кўприклар, боғлар-ла гавжум.  
Кунчиқар томонда баҳайбат қадди —  
Қатор етти қўнғир тоғ туради жим.  
Кўҳна чўққиларнинг чуқур бағридан  
Отилиб чиқади қайноқ булоқлар.  
Оқ ёлдор сой тошдан тошларга сакраб,  
Кулунлардек бунда тинмай ўйноқлар.  
Биз борамиз дўстлар: Темирқул, Юрий,  
Адиб Сидиқбеков, Реймерис, Даён...  
Маликов сўзлайди булоқлар сирин,  
Тоғлар каби бизга бўлади аён.  
Ҳайбатли чўққилар қўл қовуштириб,  
Тайёр турар гўё хизматимизда.  
Салқин еллари-ла қўяди елпиб,  
Минг бир хил даво бор тотли қимизда.  
Кеч киргач подалар қайтар яйловдан,  
Сигирлар кавш қайтарар, маърар қўзилар.  
Бешбармоқ сузишиб чиқар ўтовдан,  
Осмонда юлдузлар милт-милт сузилар.  
Нақадар гўзалсан, эй тоғли юртим,  
Иссиққўл! Мунча ҳам бойсан чиройда.  
Бағрингда қўзидек юрдим, югурдим,  
Юзларимни ювдим шишадай сойда.  
Дўстларим қалбидай илиқдир иқлим  
Бу ер Қирғизистон, ажойиб ўлка.  
Менинг хотирамда яшайсан доим,  
Яйловлар, чўққилар туташ булутга.

*Пржевальск*



## ЛУҚМОН ВА УРОҚБОЙ

(Афсона)

Бор экану йўқ экан,  
 Оч экану тўқ экан...  
 Қадимги замонларда,  
 Самарқанд томонларда  
 Бўлганмиш Луқмони Ҳаким.  
 Дард билан келиб ҳар ким —  
 Даво топибди ундан.  
 Фикрда Афлотундан  
 Анча ўткирроқ экан,  
 У замондаги улкан  
 Алломалардан доно.  
 Китоблари ёр экан,  
 Қамакча ҳушёр экан.  
 Унга етмаскан асло  
 «Тариқайи Ақл»лар...  
 Не-не ажиб нақллар  
 Тарқалган экан элда.  
 У излабди ёшлардан  
 Тадбирли бир шогирдни.  
 Ҳеч ким ўтмай қоларкан  
 Бажара олмай шартни.  
 Шарти: совуқ хонага  
 Қамаб қўяркан бир тун.  
 Эрта билан ёнига  
 Қираркан Луқмони Ҳаким,  
 Мармардан деворлари,  
 Хона совуқ, нақ қишдек.  
 Бир катта тўнка билан

Тураркан кўрпа-тўшак.  
Шаҳзодалар келибди,  
Серкиллатиб жиғани.  
Зах хонага кирибди,  
Музлаб қолибди тани.  
Бекзодалар келибди,  
Тағларида жийрон той.  
Совуқ уйга кирибди,  
Қотибди шаҳзодадай.  
Бойвуччалар келибди,  
Луқмон олдига бир-бир.  
Совуқ уйга кирибди,  
Танлар ошмаган хамир.  
Луқмон ҳар тонг кираркан,  
Кўриб тишлар экан лаб.  
Ношудларни даволаб,  
Сўнг ҳайдаб жўнатаркан.  
Бир деҳқон ҳам узоқдан  
Бошлаб кебди чироғин.  
Судраб кебди оёқда —  
Йиртиқ, эски чоригин.  
— Орзуга айб йўқ,— дебди...  
Саломдан сўнг сўзлабди:  
«Эй, Луқмони Ҳаким, сенинг  
Донғинг тутди оламини,  
Бағри кенг-ку илмнинг,  
Шогирдга ол боламини».  
Луқмон кўриб, унабди:  
— Қирсин,— дебди,— хонага.  
Келаман — деб, жўнабди,—  
Тонгда унинг ёнига,  
Деҳқон ўғли Ҳуроқбой.  
Кирибди уйга тезда.  
Қараб, ўйлабди бундай...  
Оёқ ачибди музда.  
Санчилган каби игна.  
Зирқираб кетибди тан.  
Шовдираб жулдур эгни,  
Титраб кетибди бирдан.  
Ўйлаб, тўшакни йиғиб,  
Тўнка томон юрибди.  
Бир ботмон зил тўнкани  
Думалатаверибди.

Ут чиқиб баданидан,  
Қизибди мисоли чўғ.  
Самовардай танидан  
Қўтарилибди тер, буғ...  
Танни совутмай, шу он  
Қўлга болта олибди.  
Тўнка устига чунон  
Гурсиллатиб солибди.  
Оловдек бўлиб тани,  
Кетибди ўтин ёра.  
Улкан, чайир тўнкани  
Қилибди тилка-пора.  
Тонгда кираркан Луқмон,  
Қўриб, қолган ҳайратда.  
«Офарин, — дебди катта, —  
Номинг нима, эй деҳқон?» —  
«Номим Уроқбой», — дебди.  
«Қол, — дебди, — сен чироғим,  
Яхши шогирд бўласан,  
Қолгин, ўткир ўроғим!»  
Шундан бошлаб Уроқбой  
Устозга бўпти қанот.  
Неча йилу неча ой  
Фанга қўйиб эътиқод,  
Урганибди, уқибди.  
Қанча китоб ўқибди...  
Устозидек иш билан  
Машҳур бўпти жаҳонда.  
Уроқ Фалоний деган,  
Номи ҳам қопти фанда,

**БИТТАГИНА СЌЗ УЧУН КЕЛДИМ АТАЙ...**

Кўлдан ўрдак учганда бўйнин эгар,  
 Қанотига қамишлар барги тегар.  
 Биттагина сўз учун келдим атай,  
 Гапларимга қулоқ сол, азиз жигар!

Севмак, девдинг ўзинг, мардликдан нишон,  
 Ишқингда юрак ёнар, жоним, ишон!  
 Келарсан, деб кутдим сой қирғоғида,  
 Келмадинг, ёр, нечун қилдинг паришон?

Анов тоғнинг бошидан олдим қайроқ,  
 Мен шошиб бедов отга миндим яйдоқ.  
 Жон каби севолмаган бўлсам сени,  
 Бир умр ўтиб кетгум бўлсин бўйдоқ!

Йигирма баҳорни кўрган ёшим бор,  
 Ун бешта диёримда қардошим бор.  
 Йўлбарслар ўз изидан қайтмагандай,  
 Бу йўлда қайтмагайман, бардошим бор!

Кўлдан ўрдак учганда бўйнин эгар,  
 Қанотига қамишлар барги тегар.  
 Биттагина сўз учун келдим атай,  
 Гапларимга қулоқ сол, азиз жигар!

## СЕВИБ...

Қаттиқ севиб қолиб ёндим ишқида,  
Ендирмоқ — севгининг одати азал.  
Ҳижронни ўлим-ла енгмоқ яхшими?  
Ё яшаб, кўйида ёнмоқми афзал?

Майли, иккинчисин танладим қатъий!  
Ендир, ёнишларга беролгайман тоб.  
Ендирса ҳам ахир барибир, ўзи  
Ҳаёт бағишлар-ку инсонга офтоб!

## СОВУҚЛИК ҲАҚИДА

Қорда ҳам илиқлик бор,  
Қор совуқ эмасдир, йўқ!  
Илк баҳорда ёққан қор  
Бўлур чиндан ҳам совуқ.

Изғирин юзни ўйса,  
Бу ҳеч гап... Борасан тик.  
Лекин дўст дўстдан кулса,  
Бу энг ёмон совуқлик!

Сен севсангу у севмай,  
Қапалак бўлса беқарор,  
Дунёда бундан ортиқ  
Яна совуқ нима бор?!

## МЕН — МЕВАЛИ ДАРАХТ

*(Баъзи танқидчи оғайниларга)*

Мен — мевали дарахт. Сен келиб баъзан,  
Тотли меваларим бўлганда ларзон,  
Терасан, қоқасан, силкитасан ҳам,  
Шохимга чиқмоқ-чун интиласан ҳам,  
Нозик ниҳолимни синдирасан ҳам.  
Кела бер, биродар, қучоғингни оч,  
Қўшиқларимни ол, қўшиқ йўқолмас!  
Илдиз бақуввату, мустаҳкам бўлгач,  
Шохларнинг синиши қурита олмас!

\* \* \*

Кўркам бино, боғча, оқ кунгуралар,  
Бу ер туғруқхона. Бир дам тўхтаб жим.  
Тинглайман; эшитилар инга-ингалар...  
Демак, кўпаймоқда менинг ўқувчим.



## СЕВГИ НИМА?

Севги нима? — сўрайсан,  
Айтиб бер дейсан қистаб.  
Гоҳ китоб титиб, истаб  
Билмоқ бўласан осон...  
Қўй буларни, азизим,  
Ўзим айтай, кел яқин! —  
Ёниб кўрганлар билар  
Севгининг нималигин.

## БҮЗ БОЛА ЭДИМ...

Бўз бола эдим. Кўпдан  
Гул билан йўқди ишим.  
Сени севдим шунадан  
Бошланди гул севишим.

Гулга ўргатдинг ўзинг,  
Ўстирдим кичик гулзор.  
Гулзорим сенга тортиқ —  
Хазон билмас умри бор.

## ВИТОША \*

(*Лиляна Стефановадан*)

Витоша, Витоша, ҳар кун Софияда —  
Тонгда деразамдан боқардим сенга...  
Гар олис бўлса ҳам юртим Россиядан,  
Витоша, кўриниб турасан менга.

Унда чаман гуллар, олча, наъматаклар,  
Қамен — дел кўтарган осмон гумбазин.  
Черний-Верх устида худди бароқ така,  
Оқ булут сузади, чўпон тикар кўзин.

Унда комсомоллар қояларни бирдан —  
Қўпарар, тинглайман гумбурлашларни.  
Ҳатто оҳулар ҳам ўтолмайдиган  
Баланд чўққилардан ўтар машина.

Чашмалар қайнайди, ажиб сўқмоқ йўллар...  
Витоша, Болгария кўрки, севаман.  
Севишни ўргатди қадрдон руслар,  
Сени Москвадан ҳам кўриб турибман.  
Витоша, Витоша.

---

\* Болгариядаги тоғнинг номи.

## БАЪЗИДА ҚУПАЯР ИШЛАРИНГ...

Баъзида кўпаяр ишларинг ғоят,  
Югур-югурлару кенгашлар, нутқлар...  
Баъзида валидол шимдинг ниҳоят,  
Қамраб олмиш сени меҳнат — ютуқлар.  
Тонг отар, кеч кирар, ўтаверар кун —  
Еруғ дунё иши битмас ҳеч қачон.  
Меҳнатга бахш этиб ўзингни бутун  
Қарибсан, ёшинг ҳам бўлибди фалон...  
Лекин қулоғингнинг остида доим  
Янграб турар тинмай бир дилрабо куй.  
Баъзан тўфон, баъзан бўлар мулойим,  
Баъзан ҳаяжону баъзан бўлар ўй...  
Ҳамма вақт ёнингда, йўлингда ҳамдам,  
Ҳамма вақт янграйди, йўқ асло сўнгги.  
Сен билан баробар сўнади у ҳам —  
У севги қариллик билмовчи севги...

## ҲИЖРОННИ ЕНГИБ

Туман кўтарилди оппоқ тонг чоғида,  
Боғларимиз бўлмади хира.  
Ҳижронни мард энгиб, йигит қучоғида  
Қиз кўзлари кулди ёш ичра.  
Нега шундай бўлди? Айтиб бергил менга,  
Дейсан бу бир томчи ёшнинг сирини?  
Чунки севикли қиз мардонавор юриб  
Ўтолди ҳижроннинг дашту қирини.

## ҚОН-ҚАРДОШЛИК

Тоғдан оққан ирмоқлар  
Қўшилиб дарё бўлур.  
Қўл беришса ўртоқлар  
Бир бўлиб, дунё бўлур.

Дунёда йўқ ҳеч нарса,  
Қардошликдан афзалроқ,  
Ўзбекнинг илиқ бағри  
Момиқ пахтасидек оқ.

Рус қардошин иззати  
Юракдан сақланади.  
Украин дўстин ёди  
Дилда кундай ёнади.

Қондош туркман дўстларим  
Меҳри юракка туташ.  
Бакуда бордир ёрим —  
Озор қизи қалам қош.

Унта бўлса ўрни бўлак,  
Қирқта бўлса қилиғи.  
Дўстлик билан тирик юрак,  
Дўстликнинг умри боқий.

Ленин берган қардошлик  
Байроғи баланд ҳар вақт.  
Озод, улуғ Ватанда  
Қардошликнинг ўзи бахт!

## БУЛҒОР ШОИРИ ДЎСТИМ МАТЕВГА<sup>1</sup>

Хатинг келганида айни ёз эди,  
Шафтоли фарқ пишган, пишганди чарос.  
Қувондим. Қувонч бу хатни ёз деди,  
Хатни шу ондаёқ ёзганлигим рост.

Яхши сўз безашни қилмайди талаб,  
Содда гап аълодир, бу сенга аён.  
Қанча жимжимадор мисралар қалаб,  
Чулдираб қалбимни қилмайман баён.

Меҳринг юрагимда мангудир, ошнам!  
Дўстлик меҳри тўла юрак ҳеч толмас.  
Сомон ҳам йилтирар, ноёб олмос ҳам...  
Бизнинг дўстлик олмос! Олмос йўқолмас!

Азизим, Павелжон, ҳамон ёдимда  
Тошкент боғларида кезган у дамлар.  
Ажнабий эмассан, дўстсан ёнимда,  
Бир хил тепар юрак, бир хил қадамлар.

Беш чақиримдан ошмас ҳар қанча овоз,  
Босиб ўтмоқ қийин етти иқлимни.  
Шеърый лочинимиз юракдан парвоз  
Этиб боса олди минг-минг чақримни.

---

<sup>1</sup> Бу шеър булғор шоири Павел Матевнинг «Дўстимга» шеърига жавоб.

Мақсадимиз битта, битта бизнинг йўл;  
Халқлар омон бўлсин, куйлар янгрисин!  
Қардош Булғория фарзанди соғ бўл!  
Тонгги салом билан қутлаб, Мирмуҳсин.



## ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон, юртим, шарқли паҳлавон —  
 Ўтмишда хор эдинг, сийнанг дилпора.  
 Танингни чирмовиқ каби ўраган  
 Қуллик занжирларин қилдинг чилпора.

Уч хонлик қирғини, жангу талошлар  
 Покиза сийнангдан оқизди кўп қон.  
 Жаллодлар қўлидан думалаб бошлар,  
 Топтади заминни ҳар бегу, ҳар хон.

Мазлум Шарқ ўғлидинг, эл паҳлавони,  
 Россияга боқдинг Ўн еттинчи йил.  
 Ленинни тингладинг — халқ қадрони,  
 Партияга бўлдинг содиқ, сидқидил.

Эзилган халқлар-ла бир сафда бориб,  
 Курашда бахтингни олдинг қўлингга.  
 Тахту истибодни янчдинг ағдариб,  
 Октябрь нур сочди иқбол йўлингга.

Тенг халқлар ичида тенгсан, озодсан,  
 Боғларингга кирди мангулик баҳор.  
 Шаҳарлар юксалди, бойсан, ободсан,  
 Пахтаг халқлар аро миллий ифтихор.

Ўзбекистон, юртим, қуёшли ўлкам —  
 Советлар шарқида порлоқ, нурафшон.  
 Ҳур меҳнат қучоғи — боғларинг кўркам,  
 Туғилган она ер, жон Ўзбекистон.

## ЛЕНИН ВА УЗОҚ АСРЛАР

Халқ офати хонлар, қилич ва қонлар  
Асрий маърифатни кўмди тупроққа.  
Саройларда ишрат сурди хоқонлар.  
Қузғунлар ошён қурди гулбоққа.

Ер остида ўрмон кўмир бўлгандай,  
Қулаб ерга тушди расадхоналар...  
Асрий обидалар ётди ўлгандай,  
Ободликни ютди зўр вайроналар.

Улуғ устоз Ленин, ўзинг бердинг бахт,  
Харобу топталган ғариб элларга.  
Озодлик, бахтимиз йўқолмас ҳеч вақт,  
Санъату маърифат учмас елларга.

Улуғ устоз Ленин, озодлик шуъланг  
Асрларга тушди, бағишлади жон.  
Тилсимлар халқ учун очди эшигин,  
У нурсиз кунлардан қолмади нишон.

Ўлмас ҳаёт олди Ал-Фаробий-ю,  
Улуғбек, Беруний, Навоий, Сино:  
Тирилди қайтадан, бор овоз билан —  
Сен берган ҳурлик-чун дерлар тасанно!

Ленин, сенинг нуриг бахш этди ҳаёт,  
Бобо — донишмандлар қолмади ерда.  
Улар тирик бўлса, ўрганиб сени,  
Шубҳасиз, олимлар олими, дерди.

## АПАССИОНАТА

Ленин севар эди бу музикани;  
«Апассионата»<sup>1</sup> дилрабо оҳанг.  
Қанча ҳаяжону севгилар кони —  
Гўё чаман баҳор осмонида тонг.

Берилиб тингларди... у буюк юрак  
Балки тўлқин отар мисоли денгиз.  
Балки жонланарди қанчалаб тилак,  
Балки бурлоқларнинг оҳи солар из.

Балки эшитилар зулмдан нола,  
Балки пайдо бўлар чақмоқ — инқилоб.  
Балки юрагида оқар шалола,  
Балки булут йиртиб тушар офтоб.

Берилиб тингларди, ўйлар қанотли,  
Оҳанглар жалб этган буткул ўзига.  
Қанча қаттиқ севса инсон ҳаётни,  
Шунча унга дилдош шеър музика.

---

<sup>1</sup> «Апассионата» — машҳур немис композитори Людвиг Бетховен музикаси. Владимир Ильич Ленин бу музикани жуда севарди.

## ЛЕНИН

Ленин — минг йилларнинг қилган орзуси,  
Ленин, бу — ёруғ кун, келажак порлоқ.  
Ленин — мазлум халқлар исёнкор сўзи,  
Миллионлар қўлида енгилмас байроқ.  
Ленин, бу — қардошлик, энг ёрқин ғоя;  
Янги дунёмизни яратган инсон.  
Ленин — бу мужассам ғолиб партия,  
Партия — енгилмас буюк куч ва шон!  
Қадим биз тугашга маҳкум, бечора,  
Қора занжий эдик ва ё папуас<sup>1</sup>.  
Ленин истибдодни қилди минг пора,  
Боқий умримизга солди у асос.  
Ленин зўр донишманд. Ибн Синолар  
Фақат дардлар учун топганда даво,  
Ленин халос қилди зулм дардидан.  
Халқлар учун кўрди умрини раво,  
Ленин — минг йилларнинг умид-орзуси.

---

<sup>1</sup> Папуас — Янги Гвинея оролининг ерлик халқи бўлиб, инглиз зобитлари томонидан қириб ташланган. Улар ҳозир саноқли қолганлар.

1958

## СЕВГИ ХАТИ

Мағрур ўсган саҳро қушидек  
Қалб бўйсунмас, эди ёввойи...  
Гўдакларнинг ширин тушидек  
Кулар эдим, йўқди парвойим.

Сен, азизам, боқдинг кўзимга,  
Қўлларинг-ла тутдинг қўлимни.  
Ишонмадим ўзим ўзимга,  
Туташ қошлар тўсди йўлимни.

Тўғри, жуда соғиндим, оздим,  
Сени ўйлаб юрдим эрта-кеч.  
Сиримни фош этсам ҳам ёздим,  
Ёзмаслигим мумкинмасди ҳеч!

Мен ишлайман уйқусиз... Оппоқ  
Қоғоз узра дил ёнар тунлар.  
Ўй сураман, бурқади қайноқ  
Юрагимдан оҳу тутунлар.

Билсам, ёзган қиссамнинг ўзим  
Қаҳрамонни бўлиб қолибман.  
Сен, азизам, қалбни забт этиб,  
Унга сўнмас оташ солибсан.

Севги келмас, севги туғилар,  
У туғилди. У бор. У тирик!

У яшайди, ширин туйғулар  
Оташ қалбга қуввату тирак.

Севиб қолдим сени жондан ортиқ,  
Сен дўст, фақат эмассан бир гул...  
Мен севгимдан қайтсам, бу юрак  
Бир қорақўл қўзичоқ каби  
Кўз очмасдан кетгани маъқул!

## ОСМОН КАБИ ЧЕКСИЗДИР ИНСОННИНГ ТАФАККУРИ

Ҳарки шаъмаш зи илм дар гирад  
То абад доғи марг напзирад<sup>1</sup>.

(Бедил)

Осмон каби чексиздир инсоннинг тафаккури,  
Ҳеч нарса йўқ дунёда инсон онгидан буюк.  
Юлдузларга етолди бу элда илм нури  
(Қалбсиз тану онгсиз бош — инсон учун бир қоп  
юк).

Кеча юртимдан учди қўл-ла яратилган ой,  
Ҳар кун ўн бор куррани айланиб учмоқдадир.  
Юлдузлар ҳайрат билан боқмоқда очиб чирой,  
Инсон яратган юлдуз чарх уриб учмоқдадир.

Бу — менинг ватандошим — олимлар ихтироси,  
Бу — фаннинг юксалиши, бу — зўр илмий мўъжиза.  
Қолоқлик, жаҳолатнинг тамоман инқирози —  
Юлдузлар оламида Инсон юлдузи сузар...

Фалакда уча берсин сайёрамиз ҳамма вақт.  
Бу — камол, бу — тинчликдир, бу — фандаги буюк  
шон.

Илм-фаннинг ривожини, инсоният учун бахт,  
Фан билан чироқ ёққан завол топмас ҳеч қачон!

---

<sup>1</sup> Илм шамидан нур олган кимса тоабад ўлим кўрмайди.

## СОҲИБКОР

У жуда қариган, қўлда тоққайчи,  
 Хомтоқ қилар, кўзлари шомдан сўнг хира...  
 Қасал бўлар ишламай ўтирса пича,  
 Ишлаганга дард яқин келмасмиш сира!

Баъзан қаттиқ толар, ҳаёт ва ўлим  
 Оралиғи бўлар фақат бир қарич.  
 У бўлса ишлайди, юракда лим-лим  
 Ҳаётга муҳаббат. Дилда йўқ қариш...

Қаклик тирноғидек бўялган, нозик —  
 Ишёқмас қўллардан унарми узум?  
 Қадоқ қўллар берар халқига озиқ,  
 Бу заранг қўлларнинг ҳаёти узун!

*Тошкент*



## ПАЛОВ

(Халқ йўлида)

Эл обод, тўкин-сочин, гўшт-ёғ арзон,  
Қирдаги бўрдоқилар чопар ларзон,  
Тўйда биқ-биқ...қайнасин катта қозон.  
Палов аслин сўрсанг — олис яйлов.

Ишингда қувват берар тўйиб есанг,  
Еқтирмас, ишни йўлда қўйиб есанг,  
Ботмайди ўғирлабу ўйиб есанг.  
Паловларнинг палови — қази палов.

Палов учун яшаб, қўймагин бино,  
Яшаш учун палов егин доимо!  
Минг дардга даво дебди Ибн Сино,  
Паловни палов қилган оташ — олов.

Паловшерни ейсан сўнгра — шер келар.  
Тоғни талқон қилган ботир эр келар,  
Пешонангдан милтир-милтир тер келар,  
Паловларнинг устаси Али мўйлов.

Ишламасдан ётиб есанг сингмайди,  
«Юзта-юзта» стиб есанг сингмайди.  
Хасис бўлиб, қотиб есанг сингмайди,  
Қалампирлик зўр палов сенга сийлов.

Узга, узоқ элларда кездим бир ёз,  
Зиёфату базмлар бўлмади оз...  
Лекин ҳамма ерда ўзинг беқиёс —  
Туркман, ўзбек палови — илик палов.

*Тошкент*

## ҒАФУР АҚАГА

Сиз ариқ қаздингиз, кўплар сув ичди,  
Шогирдларингиз бор элга муносиб.  
Улар парвоз этди, юксакка учди,  
Шудир устозликнинг асл маъноси.

Тўғри, яхши устоз қаттиққўл бўлар,  
Талабчанлик эса таълимнинг ҳусни.  
Чиллиб турилмаса гул тарвақайлар,  
Чиниққан новдалар безайди кузни.

Уста бўлиш мумкин, устоз бўла олиш  
Ҳаммага муяссар бўла бермаскан...  
Тоғларда тошларни ёриб, қирмизи  
Лола ўсиб чиқар, шундай бу маскан.

Чунки Сиз куйлаган халқ бор, қуёш бор,  
Харсангларни ёрар фасл қиличи.  
Шитоб билан борар азамат баҳор,  
Ҳамма ерда ҳоким ҳаётнинг кучи.

## ХОЛА ВА БОЛА

Оғир йиллар эди... Сени болам деб,  
Меҳр билан ўраб иситди қишда.  
Ўзи лавлагини хўп қайнатиб еб,  
Машаққатлар чекди ва шишди...  
Лекин сенга тополган оқ нон.  
Бутун юрт диққати кескин жангда эди —  
Ўғиллар толмасин дерди эл.  
Заводда тер тўкиб тонгдан оқшомгача  
Нону намагини ўлчаб ерди эл.  
Лекин узоқ, чет маҳаллада  
У яшарди ориқ ва нимжон.  
Ёмон йиллар сени боқиб, меҳр қўйиб,  
Сендан узоқ бўлди яхши йилларда...  
Боқолмайди жамолингга тўйиб —  
Балки минг йил умр тиларди.  
Сен ўсдинг, йигитсан, галстук тақдинг...  
Марказда турасан — олти хонанг бор.  
Хрусталлар, мебеллар, кийимлар йиғдинг,  
Бола-чақанг ўсди бахтиёр.  
Ҳаммаси жойида, бари қонуний,  
Лекин сен ғариб муштипарни бориб,  
Йўқлаб, қартайганда кўрсанг на бўпти!  
Хрусталлар гарчи тиниқ бўлса ҳам,  
Виждонингни, ошнам, кирлаб қўйибди.

## РУС ТИЛИ

Мы любим свой язык и свою родину...

*В. И. Ленин*

Туғилиб, кўз очиб алла тинглаганим,  
Оқ сут билан кирган ўзбек тилим бор.  
Балоғатга етиб, севиб ўргандим  
Рус тилини; унга содиқ дилим бор.

Ленин сўзлагани муътабар бу тил  
Озодлигим билан боғлиқ чамбарчас.  
Мен Ленин тилига меҳр қўйдим, бу дил  
Дўстлик туйғуси-ла тепиб чарчамас!

Қардош тилин билмоқ — қадрдонликнинг  
Бир белгиси. Порлоқ дилини ўрган!  
Буюк оғамизнинг пок, олижаноб  
Дилин билмоқ бўлсанг, тилини ўрган!

Рус тилини севинг, у жаҳондаги  
Барча тиллар учун бузилмас кўприк.  
Рус тилини севинг — эл севгандайин,  
Бу тил — ҳамжиҳатлик, биргалик, кўплик.

*Тошкент*

1960

### АРМОН...

Етди унга ҳаёт билан видолашмоқ фурсати,  
У энди ётар ҳолсиз, яқинлашар сўнгги дам.  
Икки сўз дея олди кўк шишани кўрсатиб:  
«Ичмасдим ва чекмасдим дунёда тирик қолсам...»

## ГАРЧИ КУЙДИРСА ҲАМ...

Гарчи куйдирса ҳам офтоб нури,  
Тушиб турса танга, бу ғоят маъқул.  
Тириксан, қалбингда ҳаёт сурури,  
Қуёш ўпган танинг тенги йўқ бир гул.  
Қизитиб терлатар, балки қорайтиб  
Пўстлоқ-пўстлоқ қилар елкангни баъзан,  
Баъзан нурдан чўчиб, уйингга қайтиб  
Қетасан, сочларинг орқангда ларзон...  
Баъзан сен қиласан қаттиқ шикоят  
Жонингга теккандек бу қайноқ нурлар —  
Билмайсанки, бу нур ноёбдир ғоят,  
Нур олдида ҳеч гап жавоҳир — дурлар...  
Гарчи куйдирса ҳам қайноқ бу шуъла  
Танингда тушганин йўқдир баҳоси.  
Қадрлайди уни асрий қоя ҳам,  
Жаҳон ҳам, жаҳоннинг ҳам интиҳоси...

## МАЙ ШЕЪРИ

Кетмас бўлиб кўклам  
Келган бу элимга.  
Юрт боғлари кўркам,  
Завқ берди дилимга.

Боғлар, дала, йўллар...  
Тенгсиз ва чиройлик.  
Қалбим тўла гуллар,  
Юр, қалбга кирайлик!

Олам кеза учди,  
Бахт элчиси Инсон  
Юлдузларни қучди —  
Қудратга тўлибсан!

Бу — катта баҳордан  
Оламга хабардир.  
Фарзандлари бардам,  
Қутлуғ бу диёрдир.

Мардлар ери майдон,  
Пайлар тўла ғайрат.  
Меҳнатни совутма,  
Қалбларда ҳарорат.

Шуҳрат йўли калта,  
Элтмас сени боққа.

Меҳнат йўли элтар  
Бахтингни узоққа.

Кетмас бўлиб кўклам  
Келган бу элимга.  
Эл боғлари кўркам,  
Завқ берди дилимга.



## ПРЕЗИДЕНТ

Оддий ўзбек қизи бугун республика Раисаси,  
Қамол берган партияга раҳмат дер ҳар бир юрак.  
Инсон бўлиб, ватандош-ла фахр этишни билмасанг,  
Юлиб ташла қалбингни сен, бу юрак кимга керак!

Аёл ёрти, деб камситди ҳар эшону, ҳар жоҳил!  
Аёл эрга муте эди, чўри ўтди умри хор.  
Тупроқда қолиб кетди жаҳолатда жавоҳир,  
Оқилга тупурдилар — «ишратга ҳусн даркор...»

Не бебахтлик кунлар эди, бари қолди орқада...  
Йўл юрган одам баъзан ортга қараб қўйгандек —  
Ким эдигу ким бўлолдик, гоҳо эсламак лозим,  
Одам бўлиб тенгликда ҳур яшашликка ўргандик.

Қачонлар парвоз этиб сайёралар қуёшдан  
Ҳозир учиб юргандай қуёши атрофида —  
Сен Лениндан, партиядан нур эмиб мурғак ёшдан.  
Қамолотга эришдинг — чин бахт топди ифода.

Ўзбек қизин шон-шуҳрати етди узоқ элларга,  
Достон бўлди меҳнати-ю, садоқати, камоли.  
Озод ватан, озод меҳнат равнақ берди мардларга:  
Қиз элида, гул ерида кўрсатади жамолин.

Халқ учун хизмат қилмоқ олижаноб фазилат,  
Халқ бахтини ўйлашликдан аъло иш йўқ дунёда.

Дўст бўлиб ишламоқда қанча эл, қанча миллат,  
Терсга оқиш одати бўлмас азим дарёда. 2

Ботир бўлсанг қайтмагин, ботирман деб айтмагин,  
Мақтовлар нега керак, ишда соз тепар юрак.  
Инсон бўлиб, ватандош-ла фахр этишни билмасанг,  
Юлиб ташла қалбингни сен, бундай қалб кимга керак.

## ЧИНОР

Саратон ёндирса ҳам, қаҳратон қақшатса ҳам,  
Довуларга дош бериб элимда ўсди чинор.  
Она ер озиқ берди — илдизлари мустаҳкам,  
Ўлмас бўлиб юксалди, минг асрлик умри бор...  
Илдизу ер ажралмас, бир-бирига чирмашган,  
У тирик, томирлари ҳеч қачон узилмайди!  
Чиноримдай чиниқиб, мангуликка бирлашган,  
Рус ва ўзбек дўстлиги ҳеч қачон бузилмайди!  
Илдизни суғурмоқлик — қалбни тандан юлмоқлик,  
Бу қардошлик қадрига етмас фақат кўрнамак.  
Қалбимизда барқ урсин самимий иттифоқлик,  
Бу қардошлик — рўшнолик, тенгликдаги бахт  
демак!

## ҲАМЗА ДУШМАНЛАРИГА ЖАВОБИМ

Ой ярқираб чиқса, тўлин ойга қараб  
Қўппаклар вовуллар... Бу азалдан бор.  
Ғарбда, жанобларнинг товонин ялаб,  
Ҳайит деган аблаҳ қилмоқда иғво.  
Менинг республикам, халқим номига  
Не-не иғволарни тўқибди. хоин!  
Менинг Ҳамзамга-ю Ғафур Ғуломимга —  
Дўстларимга тухмат тақибди хоин!  
Элнинг содиқ ўғли, эрклик куйчиси  
Оташин Ҳамзамиз яшайди жонда.  
Вайсайберсин ифлос уйнинг лайчаси —  
Дерлар: қирқ бир ёнда, қинғир бир ёнда!  
Бир вақтлар минғиллаб Мўлтон дегани,  
«Ҳамза шоир эмас» деган, биламиз!  
Уша каламушлар қаёқда, қани?  
Каламуш сифатларда бўлурми ҳеч лафз!  
Шарқироқ сувлардан чўчиган, қўрққан,  
Гуллардан безиган кўрнамаклар бор.  
Шодлигу тўйларда сасиб, тутаққан,  
Қуёшни кўролмас шапалаклар бор...  
Ғийбатчи бир гуруҳ сасиб юрарди-ю,  
Лекин бутун ўлка тингларди уни,  
Маяковскийга тенгларди уни...  
Янгроқ қўшиқлару жаранглаган соз  
Хонадонимизда доимо мумтоз!  
Жаҳолат қутуриб, унга тош отди,  
Лекин буколмади Ҳамзанинг қаддин,  
Тоғлар чўққисидай бўлди мустаҳкам!

Заҳарлик илонлар минг буралса ҳам,  
Чўққи харсанглари остида қолди,  
Боши мажақланди, тамом йўқолди.  
Ҳамзамиз, бу янги замон куйчиси,  
Инқилоб жарчиси! Шундай дер қалблар.  
Бу озод яшнаган чаман куйчиси,  
Чаманга хуш келмас сассиқ алафлар!  
Мустамлака занжирин қилган чилпора  
Мардлар куйчисийди. У инсон эди.  
Жамила қалбидан учганда нола,  
Нолавор дилларга қадрдон эди.  
Оташин қўшиқлар, севги куйлари  
Қуйма сатрларда топди ифода.  
Содиқ эди элга, сотқинларга тупурди,  
Қалбида бор эди тенгсиз ирода.  
Ҳамзанинг кимлигин халқдан сўраш керак,  
Халқ яхши билади ўз шоирини!  
Қалбларда яшайди оташин юрак,  
Халқ доим қадрлар шоир ўғлини.

## РОСТГУЙЛИК

Юракдан чиқса сўзинг, юракка тўғри тушгай, 2,5  
Айтилса сидқидил сўз бўлмайди таржимони.  
Ростгўйлик билан инсон камолотга етишгай,  
Қўш тил бўлар эл ичра одамларнинг илони.

Меҳнатда пишганингда — танингда марварид тер,  
Бир пиёла совуқ чой босгандай ташналикни,  
Уйнасанг ҳам, биродар, ўйлаб гапир деган эл,  
Бир совуқ гап йўқотар қадрдон ошналикни.

## ЙУҚОТИШ

Баъзан олтин соатини йўқотиб қўяр киши,  
Ачинасан, лекин яна янгисини оласан.  
Баъзан Гагра — сув бўйида қолар бриллиант узук,  
Излаб қайтиб бормайсану бошқасини топасан.

Бу йўқотиш, йўқотишлар... Ҳеч гап эмасдир чиндан...  
Янгисин топиб бўлмас йўқотиш бор дунёда:  
Тирик туриб, тирик дўстни йўқотсанг юрагингдан,  
Бундан ёмон йўқотиш йўқ, билиб қўйгин, биродар!

## ИНСОН

Ақлу меҳнат-ла буюкдир инсон,  
Олис юлдузларга етди қулочи.  
Меҳнат қил эл учун токи тириксан,  
Инсоний камтарлик — мардликнинг тожи.

Гавҳар тупроқда ҳам, қумда ҳам гавҳар,  
Гавҳар бўлса қалбинг, демак элга бахт.  
Кимхоблар шарт эмас, оддий чопонда ҳам  
Инсон буюклиги йўқолмас ҳеч вақт.

Безаниш, мақтаниш ва ҳоказолар,  
Ҳаммаси ўтади, мутлоқ эмасдир.  
Меҳнатинг бўлса-ю, хотирлаб дўстлар,  
Бизни инсон деса, шу ўзи басдир.



## ЭЛЧИ

Фиръавнлар даврида учган юлдуз нури,  
Бу оқшом етиб келиб тушди кўзимга.  
Башарни қамради инсон тафаккури,  
Боқаман беш қирра ўз юлдузимга.

Ёқут юлдузимнинг нури, ҳаёти,  
Юлдузлар умридан минг бор узоқдир.  
Бу юлдуз элчисин учқур қаноти —  
У юлдуз бағрига етмоғи ҳақдир.

## ЗАҲМАТКАШ

Бир заҳматкаш бор дунёда,  
Эл ғамида тинмас ҳеч,  
Умр бўлсин деб зиёда,  
Меҳнат қилар эрта-кеч.

Тунда кўкда сузганда ой,  
Эллар ухлар ором олиб.  
Лекин у-чи, бир мизғимай  
Ишлаб чиқар, қолмас толиб.

«Отдих» куни йўқ, шанбада  
Барвақт қайтмас уйига.  
Чарчамайди — темир бадан,  
Гард юқтирмас бўйига.

Иши билан банд доимо,  
Болға урмоқ одати.  
Инсонларга у жон фидо,  
Йўқ асло ҳаловати.

У ким ўзи? Билмоқ керак!  
Эргашмоқ керак унга.  
Дўстим, унинг номи — Юрак.  
Қулоқ солгин қалбингга!

Гурс-гурс урар... Қалб дунёда  
Эл ғамида тинмас ҳеч.  
Умр бўлсин деб зиёда,  
Меҳнат қилар эрта-кеч.

## ОНА

Чит кўйлагу рўмол, нимча...  
Ажинларга тўла рухсор,  
Оддий кийим, сергап пича,  
Соддаликда буюклик бор.

У чиқаркан трамвайга,  
Дарҳол ҳамма жой кўрсатар.  
Лекин икки «стиляга»  
Уни ўтмиш, деб гап сотар.

Фарзанд жангда ҳалок бўлиб,  
Бош қўйди бу тупроққа...  
Алам она бағрин юлиб,  
Ташлаб кетган фироққа.

Шудринг каби тонг саҳарда  
Гоҳ йилтирар кўзда ёши.  
Қуёш чиққач йўқолгандай —  
Ёшин ютар зўр бардоши.

Тирикларга умр тилар,  
Қурбонни, дер, эслаш лозим!  
Уйлаб ўғлин тирилтирар,  
Усиз сезмас қишу ёзин.

Аламларга чидай олган,  
Ҳеч тенги йўқ бардоши бор.  
Оддий бу чит кўйлакнинг  
Сийнасида қуёши бор.

*Тошкент*

## УСТОЗ ШОИР

*Степан Шчилачевга*

Севгини улуғладинг, чин севги ўлим билмас,  
Шеъринг — сўз маъданларин бағридаги радийси.  
Санъат у азим дарё: асрлар ошар, тинмас,  
Сен янги замонанинг сўз устаси — Саъдийси.

Ҳар бир ғазал, қўшиқнинг ўз қадри бўлар эрмиш,  
Лола ила гулларнинг бўлғай чин харидори.  
Сен яратган гулбаҳор бўстонда бўлмайди қиш,  
Сен севгили қалбларнинг қадрдони, дилдори...

Қатраларда қуёшлар яратолган наққошсан,  
Шеъринг бир мамлакатга арзигулик ва мумтоз.  
Ҳофиздек мафтун бўлиб бир шеъринг учун бу дам,  
Тошкенту Самарқандни бахш этгумдир, эй устоз!

Кўпни кўрган тоғлардек сочингга қиров қўнмиш,  
Йигитдек эл ишига қодирсану ҳозирсан.  
Донишмандлик бошингда, қалбингда сўнмас оташ,  
Шоирларга устозу, устоз халққа шогирдсан.

## ЎЗБЕКИСТОН

*(Якуб Коласдан)*

Пайти етди, жўнаймиз бу чоғ  
Ўзбек ери, азизсан мунча!  
Жуда оғир қардошга айтмоқ:  
Хайр энди, хайр кўргунча!

Бошқа осмон менинг тепамда,  
Баҳор ёрқин чироқлар ва мен...  
Бунда, майин чодир-капамда  
Кўз олдимда жонланасан сен!

Бутун қалб-ла сезиб тураман,  
Кенг далалар — эй, тенгсиз чаман.  
Чўққилари нурда балқиган  
Тоғларингни қучиб ўпаман.

Хотирамда, шаҳар ва боғлар  
Кийиб олган ям-яшил либос.  
Ариқчалар, лиммо-лим Салор,  
Қатор теракларга виқор хос.

Хотирамда сокинлик қасри,  
Қор қўйнида у гўзал Чимён.  
Юрак бўлган сенинг асиринг,  
Эй, тоғ эли, жон Ўзбекистон!

Жанг йиллари, оғир кунларда  
Сен бизларни олдинг бағринга.

Қўшиқни ҳам куйладик бирга,  
Сен чорладинг юрак-богинга.

Қилични ҳам ясадик бирга,  
Ёв бошини кессин деб жангда.  
Қувват, оташ бердинг сен дилга,  
Ўзбек иним, сен доим жонда!

Яна учди ҳаётбахш еллар  
Бу муаззам еримиз узра.  
Қабул этгил қўшиқни, йиллар  
Дўстлик ўтин совутмас сира.  
Хайрлашув қўшиғимдир бу!

## АГАР МЕНДАН СЎРАСАЛАР...

Агар менадан сўрасалар: — Ким сенинг яқин дўстинг?  
Кимга сен ишонасан тақдиру ҳаётингни?  
Ижодингда ким билан маслақдошу йўл босдинг?  
Ким сенинг зарҳал билан ёзди кулол отингни?

Оғир кунлар келганда кимлар сенга ёр бўлди?  
Шодликда кимни эслаб фахр этдинг номи билан?  
Ким сабаб, чекка ўлканг тенг, озод диёр бўлди?  
Даланг яшнаб барқ урди кимнинг инъоми билан?

Ўзга олис элларда сайёҳ бўлиб кезганда,  
Ким сенга мадор берди, чарчамай йўллар ўтдинг?  
Шу ёшга кириб қанча одамлар қўргандингда,  
Кимларни ёдда сақлаб, ҳамиша қалбда тутдинг?

Шоир ёлғон сўз демас, ёлғон деса шоирмас,  
Халқ энг яхши фарзандларин қандай ном билан атаб  
Ким меҳнатда доим ғолиб, курашда ёвқур, қўрқмас?  
Ким жангларда қурбон бўлган, элга тушганда хатар?

Коммунистлар, деб айтаман, фахр этаман жаҳонда,  
Коммунистлар, деб айтаман, бу ном яшайди жонда!

## ИШЧИ

Одамлар бор: дабдабани ёқтирмас, ғоят камтар,  
 Шоирларнинг мадҳига ҳам унча эҳтиёжи йўқ.  
 Фоточилар атрофида учмас худди оқ каптар,  
 Минбарларда мақтанишмас, ўз ишидан кўнгли тўқ.

Улар ғоят кўпдир, баъзан фарқ қилмоқ жуда мушкул,  
 Ажралай деб айри соқол, чақмоқ мўйлов қўйишмас.  
 Гоҳ мой теккан, гоҳ бедазмол кийим ҳам кияр иш кун,  
 Биз деганни ёқтиришар, мен деганни суйишмас.

Оддийгина костюм ичра тепадек сийна турар,  
 Мушуллари ўйнаб чиққан сапчадек, қўллар қадоқ...  
 Улар кўприк, турар жойлар, ажиб саройлар қурар,  
 Шахталарда қораяру қалблар пахтадай оппоқ.

Улар ғоят кўпдир, улар юлдузлардан оз эмас,  
 Улар чақалоқларга ҳам беланчак ясар маҳкам.  
 Эл бахтини ўйлашару ўз номин тилга олмас,  
 Қаҳрамонга ҳайкални ҳам қуришади мустаҳкам...

Мен уларнинг ҳар бирига бир ҳайкал қўяр эдим,  
 Бағишлардим йиллар ёзган... ҳар бирига бир китоб,  
 Инсоний тасвирини мраммарга ўяр эдим,  
 Бу одамлар ҳар бирининг сийнасида бир офтоб.



## ФАРЗАНД КУЛГИСИ

*Профессор Н... га*

Ўқ тешган шинелни-ю деҳқон бобо чоригин  
Йўқотмасдан асраймиз, йўқолмасин у зинҳор!  
Бу бахтли замонада у кунлар ҳам эслансин,  
Курашиб, бу кунларга етолмаганлар ҳам бор...  
Баъзан яхлит пул тушар — ҳалол меҳнат тухфаси,  
Молга маҳлиё бўлмай кўрайлик кенг диёрни.  
Бир боғча оталигин олиш ҳам қарзимиздир,  
Фарзанд қаҳқаҳасидан ширинроқ нарса борми!

## АФРИКА

Маърифат ниқоби-ла жанубий қитъаларни  
Қул қилиш режалари Нью-Йоркда тузилмоқда.  
Озодлик-чун курашиб, ҳақ гапни айтганларнинг  
Турмаларда Лаклифийдек калласи узилмоқда...  
«Қора тан» деб камситишлар, ҳақорату талашлар  
Басдир энди! Мустамлака занжирин уз, сенга гал!  
Фил танингга ёпишган зулукларни юлиб ташла!  
Қузғундек минг яшашдан, лочиндек бир яшаш  
афзал!

## СУНМАСЛИК

*(Ватан ҳақида)*

Бир лаҳза кўз юммасам, кўзларимдан кетмай нур,  
Ҳамма вақт у беқиёс юртимни кўриб турсам.  
Ҳамма вақт дўстларимни, элимни кўрай мағрур!  
Ҳамма вақт бу элимнинг фақат шодлигин кўрсам!

Элим зўр: жанубдан то олис қутбга етган...  
Кўринса ватандошлар — таниш ва нотанишлар.  
Кўз юмиш ҳам бор... Лекин кўзим билмас сўнишлар —  
Дўстларим кўзлари-ла боқурман бу ҳаётга.

## ТАБИАТ ҚОНУНИ ҲАҚИДА

Ҳамма нарса ўзгаради, дунёмиз ҳаракатда..  
Туғилиш ҳамда ўлиш — табиатнинг қонуни,  
Лекин элда ҳар туғилиш бахт берар менга катта,  
Ҳар ўлимда бир ўламан тўкиб қалбим қонини.

## АБАДИЙЛИК

Дарахтга тиг уриб, номинг ўйиб ёзма,  
Тез ўчар жароҳат қилиб ёзган ном.  
Одамийлик, меҳнат йўлидан озма,  
Меҳнат у — мангулик бахт қилар инъом.

Шухратга берилиб қурилган ҳайкал  
Ўзи билан бирга чўқар ва нузар...  
Мармардан кўтариб, бериб биз сайқал,  
Устозга ҳайкал қурдик, минг йиллар турар.

## СОЗ

Баъзилар жуда бузиб одамий қиёфани,  
Тақлид қилар кийинишда, хулқда хорижий четга.  
Эскилик деб атабдилар дуторни, э, офарин!  
Созимни қолоқлик деб, тенглабдилар мачитга.

Минг йиллар умр кўрган дутор завқ бериб халққа,  
Янграшини унутиб, созлардан кечишибди.  
Тупуришиб шарқираб оққан қайнар булоққа,  
Кўлмакларга юз ювиб, роса тикилишибди...

Озодлигу тараққий мангу келган Ватанда,  
Санъатимиз юксалар, у бизга доим ҳамдам.  
Янграйди дуторимиз, гармон ҳамда чирманда...  
Коммунизмнинг сўлмас порлоқ боғларида ҳам!

## ҚАЛБ

У кўзга кўринмайди, сийналар ичра яшар,  
Метин мускул, узилмас томирлар атрофида...  
Унинг заҳматкашлиги қалб номига ярашар,  
Ўзини кўрмасак ҳам ишидан шодмиз жуда.

Эртаю кеч ишлайди, иш билан тирик фақат,  
Ҳарорати қуёшча, беғубор, қувноқ ва шан.  
Шошадиган ери йўқ, манманликка йўқ тоқат,  
У ишларкан кўзда нур, юртимиз бўлар гулшан.

Лекин ўзи сийнада ишлаб, иссиқ қон бериб,  
Азиз ҳаётимизга у жон бўлиб турибди.  
Юртига содиқ ҳар вақт, постида кўкрак кериб,  
Забардаст сийнамизда жонон бўлиб турибди.

Биз унинг амри билан мўъжизалар яратдик,  
Биз унинг амри билан шеър ёзамиз халқ учун...  
Партиямизникидир сийнамиздаги юрак,  
Халқ ишига бахш этдик қалбнинг ҳарорат кучин.

## ВАҚТ ҲҒРИСИ

Кўпдан бери бу шеър-ла қалб ёнарди-ю,  
Лекин портламасдан турарди кўпдан.  
Мана, бизнинг Эшмат келиб яна у  
Вақтимизни олди — бекорчи гапдан.

Юмшоқ креслога чўяндек чўкиб,  
Соатларча сўзлар... бўласан хуноб.  
Папиросини ҳам ивитиб, чекиб  
Сўзлар, индамасанг қолади тунаб...

Умр деган нарса берилган бир бор,  
Вақт оқар сувдирки, қайтмайди асло!  
Эзмалик ўпқондир, балки катта ғор...  
Вақтни шимиб, қилар ер қаърига жо.

Вақтни ўғирламоқ — бахт ўғирламоқ!  
Эшмат битта эмас, эшматлар аро,  
Чидайсан, баъзан сабр косаси лим-лим.  
Вақтимиз ўғриларин лунжига зора  
Битта таёқ бўлиб тушса бу шеърим!



## БОМБАЙДА, ГУБЕРНАТОР БОҒИДА

Дарахтлар жим,  
Сокин боғлар...

Боғ озода,  
Кайфу ичиш...  
Дарвозада  
«Бахшиш, бахшиш...»

Минг гўзаллик  
Кўргандекман.  
Минг йил ортга  
Кетгандекман.

Нечундир у  
Ёт дилимга.  
Энтикаман  
Ўз элимга.

Ғурбатда дил  
Кулмас экан.  
Осмонда зил  
Булут — елкан.

Ёнар ичим,  
Дилда доғлар.  
Дарахтлар жим,  
Сокин боғлар...

## БУЮК БИНО

Қўп қадим замонларда фиръавнлар авжга миниб,  
Қулларнинг меҳнати-ла эҳромлар кўтардилар.  
Йиллар ўта қасрлар қулади нураб, синиб,  
Зўрликнинг салтанати қатламларда қолдилар.

Қоронғи кечаларда порлаб шамчироқ каби,  
Ўтди не-не донишманд: Беруний, Ибн Сино...  
Лекин улар ожиз эди, ҳеч қачон қуролмади —  
Иттифоқ, иноқликдан юракларда зўр бино.

Бу бино шундай улуғ, асрлар қуролмаган,  
Излаган, тополмаган минг йиллар заковати...  
Халқлар хоҳиши ила қад кўтарди мустақкам,  
Ленин асри қуролди — қардошлик унинг оти.

Онадан туғилибоқ курашамиз яшаш-чун,  
Курашса арзийдиган элу ҳаётимиз бор;  
Ҳаётимизга кўрку, тамалу чуқур мазмун,  
Миллатларнинг дўстлиги — нурамас буюк бино!

## ҚОРАҚҰЛ ҚҰЗИЧОҚ

Мен қоракўл қўзичоқ, Томдида туғилганман,  
Жабой ота парваришлаб, тенгсиз кўрк берди менга.  
Мўйим кумуш, мунчоқ, мунчоқ... қуёшда  
йўғрилганман.  
Ҳаётим — гўзалликни бағишлайман Инсонга.

Қуёш эмган мўйларим совуқ еллардан кўрқмас,  
Мен Инсонни сақлайман аёз қиш қиличидан.  
Қайноқ меҳнат аҳлига изғирин йўлиқолмас —  
Қуёшча ҳарорат бор ҳар мўйимнинг ичида.

## ҚАЛДИРҒОЧ УЧИБ КЕЛГАЧ...

Қалдирғоч учиб келгач, баҳор кирибди деймиз,  
Уриклар гуллаганда бўлмас ногихон қорлар.  
Инсон учди фазога, ҳайратланди шунқорлар,  
Пастда курра — глобус, тариқча тоғу денгиз...

Олис қитъалар оша куррани чарх айланиб,  
Жаҳоний бир баҳорнинг қалдирғочи бўлолди.  
Озод элда тафаккур чироғи айланиб,  
Порлади қуёшимиз, қоронғилик йўқолди.

Улуғ айём — Май куни шеър ёзмас шоир бўлмас,  
Кoinот мардларини қутлайман, дилда сурур.  
Байрам куни жосуслар учирмоқ жанобга хос...  
Биз учсак хўб учамиз, учиш мундақа бўлур!

## ПАРАШЮТЧИ

Аэродром улкан, уфқ доира,  
Фазо — тўнкарилган зангори қозон.  
Ана, гулхан ёнар, тутун буралар,  
Моторлар гувиллар, учар чанг-тўзон...  
Оппоқ чизиқ чизиб ўтган самолёт  
Фазода қолдирди бир кичик нуқта.  
Қуёш ҳам ғарб сари борар юмалаб,  
У нуқта муаллақ тургандай кўкда.  
Бирдан пайдо бўлди оппоқ соябон,  
Тикилади унга завқ билан кўзлар.  
Осмондан тушади ер узра жонон —  
Юборгандай уни олис юлдузлар —  
Укпардай оҳиста келиб кўнади,  
Сайрайди ўйноқлаб бир оҳусимон.  
Сочи ҳалқа-ҳалқа, зангор кўзлари  
Осмон ичра икки зангори осмон,  
Қалбида жасорат, кўзларда фусун,  
Икки зўр гўзаллик топмиш ифода.  
Бирини — латофату беқиёс ҳусн,  
Бирини — юракдаги пўлат ирода...  
Муаззам Ватаннинг бир солдатидир,  
Элни қўриқлашга турибди тайёр.  
У чексиз фазони енгган баҳодир,  
Қалбида бу эзгу юрт ишқи ёнар.

## ДУНЕ ҚАЛБИ

Қанотсиз қуш учолмас, шу учқур қанотларга  
Куч берган сийнадаги қайноқ юрак эмасми!  
Денгизда сузганларга, юлдуздан ўзганларга  
Беқиёс мардлиги бор юрак керак эмасми!  
Қалбларимиз урмоқда, ишчи қалби ётарми!  
Меҳнат билан тепган қалб ҳеч қачон турмайди

жим!

Бу азим куррамизнинг кўксида қалби борми?  
Бор бўлса, ҳаёт бериб айлантириб турган ким?  
Улар биз — вагранкалар ёнида терлаганлар!  
Улар биз — қурувчилар, семиз жаноблар эмас!  
Улар биз — қадоқ қўллар, чарчамас темир танлар!  
Биз бўлмасак бу улкан ер куррамиз айланмас.

## ҚАНЧА БАЛАНД ЧИҚСА

Юксакка интилар ҳамма вақт инсон,  
Оқмай, кўлмак бўлиш мақсад-муродмас.  
У олисга боқар — бепоён осмон  
Унинг нигоҳ фикрин тортмай туролмас.  
Қанча баланд чиқса, шунча меҳр ила  
Соғиниб боқаркан у Она-ерга.  
Тоғу далалари, денгиз, наҳрлар...  
Туққан эл ҳар доим у билан бирга!  
Лекин кўлмак сувдек чўкканлар ҳам бор,  
Олға боқмай фақат ўзлигин ўйлаб.  
Кўкда ярқираган чақмоқ ҳам бирдан  
Ғойиб бўлар, ернинг қаърига бўйлаб.  
Лекин қанча баланд чиқса чин Инсон,  
Шунча соғинади у Она-ерни...

## ХИРС

Мартен яллиғида хўб терлаб-пишиб,  
 Пўлат эритамиз юртимиз учун.  
 Мардонавор бизда пахтакор иши,  
 Элдан ким аяпти бу юрак кучин!  
 Одамлар бор саксон, тўқсон, юзда ҳам  
 Дарахт кўкартирар, боғ қилар сўлмас.  
 Бу оталар фақат юрт-элни ўйлар,  
 Пул йиғиб бойишни асло ўйламас.  
 Лекин, мана Эшмат. Унга ишониб,  
 Катта бир трестга танлаб кўтардик.  
 Кўпчиликни ўйлаб меҳнат қилсин деб,  
 Қанча умид билан биз иш кутардик...  
 Лекин афсус, Эшмат, бизнинг Эшматжон,  
 Фақат ўзлигини ўйлаб ишлади.  
 Пулга хирсин қўйиб, мол йиғди чунон...  
 Уйлар қуриб, баъзан ҳаром тишлади.  
 Кўз узмади зеби зийнату молдан,  
 Одамий фазилатлар тушди шўралаб.  
 Латта-путталари ичра ўтирар,  
 Оғритгиси келмас меҳнат-ла белин.  
 Молга хирс қўйгандан халқ юз ўгирар,  
 У мол топа берди-ю, йўқотди элин.

Шундай умид билан сизни тайинлабмидик!  
 Ҳе-е-й аттанг, Эшматжон...



## БИР АДАБИЙ ТАНҚИДЧИ ҲАҚИДА

Бир оз илми ҳам бор, бир оз ўқиган,  
Бир оз сўзамолу улфатчи бир оз.  
Бир оз китоб ўқиб шеър ҳам тўқиган...  
«Юзта-юзта» қилса бўлади хўроз.

Ҳамма нарсадан у «бир оз-бир озроқ»,  
Шу-чун тарафкашлик лозимдир унга.  
Баъзан мажлисларда сўзлар тумтароқ,  
Гаплари ўхшайди кўпик, тутунга.

Ошнагарчилиги бўлмаса, билар  
Ҳеч ким боқмай қўяр «бир оз-бир озга».  
Ширин қовун турса ким таррак еяр,  
Лочин деб ким боқар жўжахўрозга!

«Бир оз-бир оз» эмас, ҳақгўй ва одил,  
Дадил сўзловчилар чиқсин минбарга!  
Ошначилигини кўзлаб сўзловчи,  
Тарафкаш «бир озлар»га берайлик зарба!

## ҚАЛБ ИЛА БОҒЛА

Чин дўстлик туғилар ишда, курашда,  
Ресторан, чойхона... «дўстлиги»ни қўй!  
Дўстдек кўринса ҳам у бир қарашда,  
Лекин замирида ётар бошқа ўй...

На занжир, на арқон дўстликни боғлар,  
Фармон асосида дўстлик тузилмас.  
Қалбинг ила боғла инсонни маҳкам,  
Қалб ипи ҳеч қачон, ҳеч вақт узилмас!

## ҚУРБОНЛАР

Уруш тинганига ўн етти йил бўлди,  
Лекин ҳали ҳам бор йиғлаётганлар...  
Унутиб бўларми қурбонларни асло —  
Қалбимизда тирик ерда ётганлар!

Ширин бу онимни йиғлаб бузма, деб  
Онадан нолиган ўғилни кўрдим.  
Сенинг шодлигингни душмандан сақлаб,  
Оғанг ҳалок бўлган курашда дердим!

Унингча бу кўз ёш шодликка ётмиш...  
Сен учун кўксини у қилди қалқон.  
Фарзандни эсламаган ҳар она борми,  
Қулиб эсланмайди йиқилган қурбон!

Ҳар йиғи ҳаётдан шикоят эмас,  
Ўзинг ҳам онадан йиғлаб туғилдинг.  
Онага тирик деб айтинглар уни,  
Уни ўлмаган денг, тирик ўғил денг!

## ҚАЙНАМОҚ, ҚАЙНАМОҚ!..

Чақнаган икки кўзинг — икки ёрқин дарича,  
Мен ундан боқиб сенинг гўзал қалбингни кўрдим.  
Юракни пинҳон тутиб бўлмас сийнада ҳечам,  
Чунки у ўпка эмас, яширма, қолмасин жим!

Яширма, яйрасин у — инсон қалби буюқдир,  
Дук-дук... ожиз тепишда бордир беқиёс қудрат.  
Элдан ажралса агар, у танда ортиқ юқдир,  
Эл билан у шоҳпарвоз, ёзади улкан қанот...

Чақнаган икки кўзинг — ёрқин икки дарича,  
Мен ундан боқиб кўрдим қалбинг, эй азиз киши!  
Бу қалбинг юлдузларга учмоқда етар кучи,  
Чўкмоқ эмас, қайнамоқ, қайнамоқ юрак иши!



## АҚЛ ТУРГАНДА НЕЧУН...

Ақл турганда нечун қурол-ла гаплашмоқлик?!  
Нодонлар ёқалашар, донолар тил топишар.  
Тинчлигимиз кўзловчи дипломатларим ҳақли!  
Топиб айтолмаганлар йўлимизда қопишар.

Шоирга элни куйлаш энг буюк фахр, шараф!  
Шоир халқи тиг эмас, шеъри билан гаплашар.  
Агарда ораласа чаманга сассиқ алаф,  
Мисралар ўроқ бўлар, бир йўла ўриб ташлар!

## ЗАРРА ҲАҚИДА

Мен бир кичик зарраман, лекин ҳеч йўқолмайман,  
Баъзан учиб, ёғаман булутлар қатрасида,  
Баъзан шамол — чопаман, елиб асло толмайман,  
Баъзан борман боғдаги гулларнинг атир исиди.

Баъзан илдизлардаман, энг нозик томирлардан  
Япроқларга чиқаман — юзимга тушар офтоб.  
Шоналарга куч бўлиб, ўтаман она ердан,  
Мавжларга, тўлқинларга бераман тенгсиз шитоб.

Мен бир кичик зарраман—оламдан йўқолмайман—  
(Ҳеч зарра йўқ оламдан ўчиб кетгувчи беиз...)  
Минг йил ўтар, мен авлод кўзларида ёнаман,  
Ватанимни мен қайта кўраман ҳеч шубҳасиз!

Мен — зарра, йўқолмайман, томирларда чопгайман  
Мисраларим — қон томир юртимнинг боғларида.  
Бу томирлар узилмас — бири бирига пайванд,  
У доим тирик турар элим қучоғларида.

## ИНСОНИЙ УМР

Афсоналарда айтилишича обиҳаётдан бир  
ҳовуч ичган киши ҳеч ўлмас эмиш...

Агар минг йил умр ваъда этсалар,  
Десаларки, дунё тургунча борсан...  
Дердик, нечун минг йил бўлишлик сарсон?  
Бизга бир инсоний умр кифоя.  
Инсоний бўлмаган ҳамма нарса ёт.  
Ишлаб яшамоқлик — умрлик ғоя,  
Одамий бўлган-чун мазмунли ҳаёт.  
Баҳорда барг ёзиб, ёз билан пишиб,  
Кузда баргларини тўкишлик насоз!  
Ўзлинг яралган моддий олам-ла  
Қўшилиш, баъзида қордек сарафроз.  
Далаларга қўниш, ёмғирда ёғиш...  
Яна кўклам келиб, бир барг ёзамиз —  
Фарзандлар кўзи-ла кўрамиз юртни,  
Яна эл кезамиз, дунёни сезамиз,  
Демак — бу тупроқда ётмадик, турдик.  
Фасллар келди-ю кетдиси бўлган  
Инсоний, сермазмун яшамоқ — ғоя.  
Совуқ минг йилларни кечирсин зоғлар,  
Бизга бир инсоний умр кифоя!



## ҚАЛБ ВА ҚАЛАМ

*Ғафур Ғуломга*

Устоз, шеър атабсиз, бир дунё қувонч...  
Қайта-қайта ўқиб чақдим мағзини —  
Ҳамма вақт юрт учун хизмат қилмоқлик,  
Садоқат, ҳалоллик унинг мазмуни.  
Шоирни танитар қалб ила қалам,  
Катта қалбингизда буюк юрт меҳри.  
Шу қалам бўлолди шеъримизга тож.  
Ўзингиз айтгандек, хандон писта ҳам  
Тўқми, пуч... билинар лабларин очгач,  
Отам кулол дедим. Ҳа, тақа мўйлов,  
Кемтик тиш кексани эслаш соз бўлди.  
Агар синмасайди, унда ясаган  
Товоқлари ер юзин уч айланарди...  
Кулол онлада — қатламлараро  
Ётган маъдан — кўмир эдим, жим, пинҳон.  
Оташ қалбингиздан тушди бир олов,  
Ўт олди, ёнишни кўринг, отахон!  
Қиши ўз умрининг ўтиб боришин  
Ўғил-қиз ўсгандан кейин пайқаркан.  
Сиз ҳам шеърятнинг Бобосидирсиз —  
Дарёсиз ўлкалар бўйлаб айқирган.  
Сиз тўғри айтдингиз, пойдевордаги  
Бир гиштмиз, елкада турар катта уй.  
Қўтариб турамиз, мустаҳкам таги,  
Шу билан фахр этиб яратамиз куй.  
Санъатни сотмаймиз пулга, у ҳамдам,  
У ёр элимизга, у қанот ёзар.  
Қўлимизни эмас, калишимизни ҳам

Кирга текизмаймиз, алҳазар!  
Бир ошнам «шеър» ўқиб, чапак чалмаса,  
Залга ўшқирибди — «талант» эмиш у...  
Пул учун ёзибди шеърда йўқ маза —  
Шеърятда унинг йўқ бўлгани шу!  
Шеърятимизнинг ёруғ юлдузи —  
Қалбимиз кўкида ёнинг, ярқиранг!  
Ҳаяжонда шошдим, укангиз сўзи  
Баъзан ёқавайрон, баъзан бош яланг.  
Баъзан йўлка қолиб, трамвай йўлдан  
Югургандай бўлар... Лекин софдил у,  
Бир қучоқ қизил гул — мусаффордир у.

## ҚАЛБ ҲАРОРАТИ

Тўлин ой ярқираб кезмас дунёни,  
Қуёшдан олмаса нури зиёни  
Қардошлик чамани топмас ҳеч завол,  
Партия, уни сен бердинг, ўзинг бор!  
Гўзалликда тенгсиз Ўрта Осиё,  
Бағринг тўла бойлик, қудрату зиё...  
Куррани олмага этилса қиёс —  
Қуёш тушган қирмиз томонисан, рост.  
Еримиз бағрида тилсимдек пинҳон  
Жавоҳир ётарди, кўрмасди инсон,  
Шунча бойлик оёқ остида туриб,  
Бухоро минг йиллар қақшади қуриб,  
Ҳазина устида ўргимчак уя,  
Жаҳолату мачит ташларди соя...  
Зўр бойлик қатламлар остида эди,  
Юзага чиқмоқлик қасдида эди.  
У вақт ғарибликка ошна эканмиз,  
Эҳ, дарё бўйида ташна эканмиз...  
На бор илоҳий куч ва на бир жоду  
Бу тилсимни очди... У, халқ ижоди! —  
Уни очди қадоқ, заҳматкаш қўллар,  
Уни очди инсон, курашлар, йиллар...  
Бахту бойлигимиз бари ўртада,  
Дўстлик томирлари етди Уралга.  
Газни — азаматни йўлга кузатдик,  
Яъни, илиқ қўлни дўстга узатдик.  
Бу шундай қудратки оламга татир,  
Гўзал ўлка қалбин ҳароратидир.

Томирдирки, қайноқ, узилмас, у ёш,  
Қалбларни қалбларга қилмоқда туташ.  
Партия, нулинг-ла барқ урди замон,  
Қардошлик чамани кўрмас ҳеч хазон.  
Тулин ой ярқираб кезмас дунёни,  
Қуёшдан олмаса нури-зиёни.

## КУЧЛИ ТАНДА ТУЛҚИНЛАНСИН ҚАЙНОҚ, ПОКИЗА ҚОНИНГ

*(Бир ошнамга хат)*

Тонг отди. Сен — харсангтош, чўкиб момик тўшакка,  
Ётасан беҳаракат ёйилганча офтоб.  
Бутун эл пахтазорда, илҳом бериб юракка  
Машиналар гуриллар — меҳнатда тенгсиз шитоб.  
Ҳаракат қилмайдиган ҳеч нарса йўқ дунёда,  
Бутун бу моддий борлиқ — ўзи ҳаракат демак.  
Назаримда, битта сен ухлаб ётасан тонгда,  
Этинг оғрир, бетинг оғрир... Китоб ўқиш ҳам эрмак.  
Увушиб, совқотасан, зотан, танда ўзингга  
Буйсунмасдан зарралар ҳаракат қилар тенгсиз.  
Ер курраси айланар, булутлар сузар кўкда,  
Қуёшдан нурлар чопар сенинг қабулхонангга...  
Кучли танда тўлқинлансин қайноқ, покиза қонинг,  
Руҳинг ҳам тетик бўлур, фикринг ҳам ёришади!  
Далага чиқ, меҳнат-ла ҳузур топади жонинг —  
Қайноқ танга ҳамма вақт қайноқ иш ярашади!

## ИККИЛИКЛАР

Дунёда кучлилар кўпдир. Эй, Инсон,  
Ҳамма нарсалардан кучли ўзингсан!

\* \* \*

Ҳақиқатдан узоқ, қуруқ мақтов, назм  
Қаҳатчилик элда қурилган бир базм.

\* \* \*

Маорий: дини борнинг ақли йўқ, — дебди, —  
Ақли бор кишининг дини йўқ, — дебди.

\* \* \*

Ўғирлаб солма уй, тезда ағанар —  
Бу, ўлмай ўзингга қурмоқ сағана...

## ЮРАКНИ СИЙНАДАН АЖРАТИБ БЎЛМАС

Ҳа, шундай! Ҳамма вақт халқни куйлаймиз,  
Дардига шерикмиз, шодлигига ёр.  
Бундан ҳам қадрли, бундан ҳам аъло,  
Бундан ҳам фахрли яна нима бор!  
Элидан ажралган ижод қурийди,  
Бизни узиб бўлмас бу она элдан.  
Биз кучу қувватни, илҳом, омадни,  
Бахтимизни топдик мардона элдан.  
Юракни сийнадан ажратиб бўлмас —  
Ишда, ижодда ҳам халққа ўғилмиз.  
Халқидан ажралган ҳар қандай ижод  
Қамол топа олмас, йўқолур беиз.  
Димиқиб ойларча хонадан чиқмай,  
Фақат китоб ўқиб, ёзилса «ашъор» —  
Қўлмакдай тўхтайдн қўлма-қўл ўтмай,  
Халқ ичра тополмас обрў-эътибор.  
Шухратга берилиш — феълан ожизлик,  
Мевасиз дарахтлар тик қаққаяди.  
Осмонда чақмоқдай ялт этиб, сўнмай,  
Ғаввосдек дур изла қалб денгизидан!  
Жон чекмай яшашлик бир кун берар панд,  
Юрт уни унутар — нурайди пештоқ...  
Содда кўринган эл — буюк донишманд,  
Элимиз энг янгроқ куйларга муштоқ.  
Мева дарахтларин шохлари ларзон,  
Ирмоғу дарёлар тошиб оқмоқда.  
Халқни улуғлаймиз, халқдир жонажон,  
Боғимиз ҳуснига жаҳон боқмоқда...  
Юракни сийнадан ажратиб бўлмас!

## ГУЗАЛЛИК

*Опа-сингилларга*

Сиз — гўзаллик, сиздан зиёда  
Гўзаллик йўқ, юрмай ахтариб,  
Сизсиз яшаб бўлмас дунёда,  
Сизсиз ҳаёт ғоятда ғариб...

Сиз — мардликсиз, юрт деб ишлаган  
Қут йўлингиз кучли ва моҳир.  
Ахир шу қўл руллар ушлаган,  
Яратгандир ердан жавоҳир.

Сиз ҳаммадан ўзиб, дўндириб,  
Ялқовларни қилиб шарманда,  
Чаккангизга бахтни қўндириб,  
Кўрсатдингиз ўзни чаманда.

Уйимизнинг файзи ҳам сизсиз,  
Фарзандимиз онаси — бахти.  
Таомимиз лаззати ҳам сиз,  
Қийимимиз дазмоли-тахти...

Сиз — гўзаллик, сиздан зиёда  
Гўзаллик йўқ, юрмай ахтариб,  
Сизсиз яшаб бўлмас дунёда,  
Сизсиз ҳаёт ғоятда ғариб...



## ЯНГИ ОЙ

*Космонавт Валентина Терешковага*

Қалби йўқ, қарори йўқ, боғи йўқ, баҳори йўқ,  
Ҳаваси йўқ у Ойга қарай бериб зерикдик...  
Қалби бор, қарори бор, боғида баҳори бор,  
Содиқу саломатлик қаҳрамонлик тимсоли —  
Ер юзини чарх уриб янги Ой учиб келди.

Аёл — ёрти деган дину шарнатни фош этиб,  
Қолоқлик-жаҳолатнинг чиқариб шармандасин,  
Қадимий куррамизни қувонтириб, ёш этиб —  
Эшиттириб жаҳонларга самодан ўз хандасин,  
Ер юзини чарх уриб ишқ, чирой... учиб келди.

Бир қарашда афсона — ақлинг қилмайди бовар,  
Аслида ҳақиқатдир, инсонлар яратгандир.  
Тафаккур ҳудуд билмас, инсоний ақл бу гал  
Бахт элида қуёшча нуруни таратгандир...  
Ер юзини чарх уриб, чин лочин учиб келди.

## МИСЛСИЗ ПАРВОЗ

*Бешинчи космонавт Валерий Биковскийга*

Она ер қучоғидан булутлардан ошароқ,  
Фазолардан кўп йироқ космосга учди лочин...  
Фанга қоронғу ерда қалбини қилди чироқ —  
Узоқ юлдузлар томон ёзди улкан қулочин.

Бу Она ер, бу Ватан башарият бахти деб,  
Авлодлар иқболи деб беқиёс йўл очмоқда.  
Бу Ватан фарзандлари буюк ишларга қодир,  
Ғоямиз — қуёшимиз оламга нур сочмоқда.

Бу учиш—тенгсиз учиш, йўқдир унинг монанди—  
Тўрт ботир буюк ишин буюк давоми будир!  
Бу гал бизнинг Валерий чарх урмоқда оламни —  
Не десамкан — ботирми, қаҳрамон ё баҳодир?

Бу сўзларнинг барини жамласам ҳам етмайди,  
Гўё кафтим соябон, боқаман юлдуз томон.  
Юрагимда ҳаяжон, ҳув юлдузим чақнайди...  
Қурраимизни айланиб, қаҳрамон, тушгин омон!

Шум ният жанобларнинг нафасини паст қилиб,  
Учавер жаҳон аро, улуғ эл азамати!  
Дўстларни қувонтириб, шодлигидан маст қилиб,  
Учавергин, тўзисин жаҳолатнинг ҳам пати!

## МАЯКОВСКИЙ БИЗ БИЛАН

У биз билан бирга, буюк курашда  
Янгроқ қўшиқлари зафарга чорлар,  
Унинг китоблари кексада, ёшда...  
Оташин у юрак сўнмаган, порлар.  
У ҳамон ҳайқирар, унинг товуши  
Сукунатни бузар — улкан шалола.  
Унинг қўшиқлари ётмас увушиб,  
Унинг куйларига бегона нола.  
У паҳлавон шоир, инқилоб ўғли,  
Кураш ўтларида ўсган, чиниққан.  
У сўниш билмайди, момақалдироқ,  
Улкан қояларни у йиққан чақин.  
Тирик ўликлар бор, элдан ажралиб  
Минғиллаб куйловчи яссавиёна.  
Баъзан мавҳумий ёр «ҳажрида» ёниб,  
Қофия жуфтлашар ўртамиёна...  
Тириклар сафида доимо тирик,  
Жўшқин устозимиз куйлар, ҳайқирар.  
Хору хас тўлқинга кела олмас тик,  
У бўлса зўр дарё — тошар, айқирар;  
Пахтазорда кезар, цехларга кирар,  
Мартенларга берар қалбдан ҳарорат.  
Беқиёс санъати қалбларга берар  
Илҳому ҳаяжон, тенгсиз маҳорат.  
У янги дунёнинг чин инсонидир,  
Бутун борлиғини у қилди фидо.  
Бахтли элимизда доимо янграр  
Ҳаётбахш, дилрабо қудратли садо.  
У биз билан бирга, буюк курашда  
Янгроқ қўшиқлари зафарга чорлар.

## ОНА ЮРТГА АТАБ

О, Она юрт, сен ўзинг борсан...  
 Бағринг илиқ, дунё қадар кенг,  
 Совуқликни енгган баҳорсан —  
 Мамлакат йўқ асло сенга тенг.  
 Қуёшингда чиниқдик, қишда  
 Қалдирғочдек қочмадик Нилга.  
 Фақат сенинг севгинг жо дилга.  
 На зийнату шуҳратлар керак,  
 (Фурур бузар одамни ёмон...)  
 Сен борсанки, барқ урар юрак,  
 Бахтимизга бўл ўзинг омон!  
 Сен онамиз, сендан бошқа ким —  
 Қалбимизга бўларди ҳоким.  
 Ёмонлигим яширдинг баъзан,  
 Яхшилигим оширдинг баъзан...  
 О, ҳамма вақт иш равон бўлиб,  
 Дарё каби текис оқмаскан.  
 Баъзилар бор яшайди юлиб —  
 Чўгиртаксиз бўлмас боғ — маскан.  
 «Сен экин эк, ундиргил буғдой,  
 Мен ейман», деб турганлар ҳам бор.  
 Жон чекмасдан юрт учун қиттай,  
 Панд бериб айш сурганлар ҳам бор.  
 Кўргандирсиз кўкламда қорни,  
 Йўқотаман деркан баҳорни...  
 Баъзан ғазаб қайнар, асабий  
 Тер тўкамиз, экамиз экин.  
 Нимаики бўлса инсоний

Ҳаммасини қиламиз: лекин —  
Боғимизда бўлмаймиз ҳакка,  
Сусанбил юрт, эй жондош Ватан,  
Фарзандинг кўп; эмассан якка!  
Мисраларни туғди оппоқ тонг...  
Устозлар ҳам қадим юрт деган —  
Сен шоирни билмоқчи бўлсанг,  
Боргил унинг эзгу юртига.  
О, она юрт, сен ўзинг борсан,  
Меникисан жон республикам,  
Ўзинг қишни енгган баҳорсан!

## ЛИКИЛЛАГАН КУЗГИ ЯПРОҚ

(Масал)

Новда узра ўтирарди керилиб,  
Шамол келса, ликилларди кузги Япроқ...  
Куйлагандек бўлар эди берилиб,  
Баландпарвоз, ялтироқ.  
Базму чапак, сўлкавой мафтун этиб,  
Эрта-ю кеч қилар эди ўзлигини намойиш.  
Гўё шу деб билар эди ижод — иш.  
Пастда, чуқур ер тагида илдизлар  
Меҳнат қилиб, етказарди қувват — куч.  
У кўрмасди, у фақат шуҳрат излар,  
Иши йўқди илдиз-пилдиз билан ҳеч.  
Меҳмон келиб, кирар экан шу боққа,  
Кўз ташларди илдизгамас, Япроққа.  
Рассомлар ҳам уни тасвир этишди,  
Ажнабийлар роса мақтаб кетишди.  
Фоточи кўзи ҳам Япроққа тушди,  
Шундай қилиб, Япроқжон шишди...  
Бунча «юк»ни шўрлик тутолмадими,  
Еки куз елидан ўтолмадими,  
Чирт узилди Япроқ, ликиллашлар йўқ,  
Ана, ерда ётар, икки кўзи лўқ...  
Фоточилар уни этмади тасвир,  
Рассомлар қалбига этмади таъсир.  
Лекин қатлам аро ётар баҳодир  
Илдизлар — бу мардлар ҳар ишга қодир.

## ҲАҚГУИЛИК

Панд берармиш тўғри сўзлигим,  
 Баъзиларга ёқмас эмишман;  
 Унутдинг, дер улар ўзлигинг,  
 Иноқ дўстлар бўлмасми душман?  
 Майли, менга панд берсин йўлим,  
 Чўчимасман таъна — сўзлардан.  
 Қайтаролмас на дўқ, на ўлим,  
 Кечмоқ мумкин имтиёзлардан...

Пусиб ётар, индамас — қувлар  
 Бўлар эмиш «ошиғи олчи»...  
 Утар эмиш шарқироқ сувлар,  
 Ича олмас эмишман ёлчиб.  
 Йўқ, бу говлар бўлар дабдала,  
 Қаҳр ўтимда у бўлади кул!  
 Керакдир на шуҳрат, дабдаба,  
 Менга етар боғимдан бир гул...

Ҳақиқат чўрт кесади тошни,  
 Ҳақиқатни ёндириб бўлмас.  
 Ер тагидан кўрар қуёшни,  
 У йўқолмас, ҳеч қачон ўлмас!  
 Денгизларда чўкар ва лекин  
 Жавоҳирдек олиб чиқарлар.  
 Гоҳ ёнғоқдек чақмоқ бўларлар,  
 У чақилмас, доимо метин!

Нимасини яшириш керак;  
Қаллоблик касб этганлар бор-ку!  
Пул тўплашу олтин йиғишга  
Муккасидан кетганлар бор-ку!  
Қунлар келар, албатта, бешак  
У сичқонлар чиқмас тешикдан!  
Бу моховлар қўтир мушукдек  
Ҳайдалади ҳамма эшикдан.

Феода — бой йўқолган, аммо  
Баъзан учрар у бешокилда.  
Бошқа тусда, бошқа шаклда...  
«Йўқолмаймиз, дер, биз — муаммо...»  
Янглишасиз, галстук таққан  
Бойваччалар — «мулк» тўплаганлар!  
Юрт нонини ҳаром еганлар,  
Бўйнингиздан қисажак қопқон!

Курортга ҳам командировка  
Билан бориб олмаганмиз дам...  
Виждон эмас, бу йўлда юриб  
Қир қилмаймиз ботинкани ҳам!  
Қора ишда қорайса-да қўл,  
Ирганмайсан, мўъжиза, ҳалол...  
Қўллар борки, оппоқ ва лекин  
Қўл бериш ҳам келади малол.  
Улар асли ноқобил, совуқ,  
Ишламайди, ҳавойи, дейди...  
Бошқа қўлга: — Сен кўп илғорсан,  
Лекин мендан кейин юр, — дейди.  
Қамтар бўл, деб айтишару ваъз,  
Ғўдайишар, боқмас кишига.  
Хайрли бир кори ғоят оз,  
Илонлар пуст ташлар ишига.  
Тилни тишлаб қоласан баъзан,  
Икки юзлик шахсларни кўриб —  
Шеърий ўроқ билан алафни  
Бир йўласи ташласанг ўриб!

Истамаймиз ҳеч кимга ўлим,  
Чумоли ҳам юрсин дунёда.  
Лек пашшалар бўлар яшовчан —  
Нечун унинг умри зиёда?!



Бу аблаҳнинг йўқ бўлишлиги —  
Инсоният учун бахт катта.  
Манманликнинг ҳам ўлишини  
Истар юрак, зарур гоятга!

## ЧОЛЛАР РАСАДХОНАДА

Бизнинг академик Қори Ниёзий  
Уч чолни бошлаб келди Расадхонага.  
Улар бола-чақадан, ҳаётдан рози,  
Лекин яссавийлик сингган қонига...  
Галма-гал телескопдан боқишар Ойга,  
Бир-бирига қараб пичирлашади,  
Ой дунёсин кўрмоққа кўзлар шошади,  
Бориб қолган улар ёши бир жойга.  
Ўрганиб қолгандай исқирт чопонга —  
«Динга шак келтирма...» сипо туришар.  
Лекин ён босишар дилдан илм томонга,  
Худо, фаришта йўқ, моддийдир башар!  
Хаёлларидан ҳам чўчиб кетишар;  
Маҳшар, сафсаталар... урган заҳрини.  
Кўркам, сиполик-чун «олло» дейишар,  
Аслида оқсин дерлар илм наҳрини.  
Ҳурматли академик Улуғбексимон  
Телескоп ёнида ўтирар зукко.  
Нигоҳидан бу гал мустасно осмон,  
У боқар уч чарчоқ кекса юракка...

## НЕГА БУЛБУЛ ҚУЛРАНГ?

*Собиқ партизан, атоқли украин ёзувчиси Юрий Збанацкий ҳикояси*

Украина ерин топтаганда ёв,  
Булбуллар ҳам қочган ўрмон томонга.  
Йигитлар жанг қилди кескин, беаёв,  
Ботир партизанлар кирди ўрмонга.  
Булбул ҳам куйламай, очмай сира лаб,  
Ўрмонларда кезди доимо дайдиб.  
Оловлар устида учди пириллаб,  
Куйган гўзаллиги кемади қайтиб —  
Патлари кул бўлиб, олди кул ранг тус...  
Бир куни у кўрса ёнар Оксана,  
Нола-ю фарёди тутди ўрмонни.  
Шундан бошлаб қарғар фашистларни у,  
Гўзаллигу тинчлик — эзгу армони.  
Куйган юрак билан куйлайди доим,  
Ғазаб, ноласига йўқдир ниҳоя.  
Лаънатлайди ёвни... Оксана ва куёвни  
Эслаб, севгисини қилар ҳикоя...

## БЕҚИЕС КЕНГАЙДИ ИНСОН ТАФАҚКУРИ

Беқиёс кенгайди Инсон тафаққури —  
Галактикаларда улкан минг карра,  
Миллионга бўлинди кўз кўрмас зарра,  
Ҳамма ёқда илм-маърифат нури.  
Ва лекин пашшани — кофар зиёни  
Батамом йўқотиб бўлмаганидай —  
Баъзан учраб қолар ёвуз жаҳолат,  
Худди кутар мушук, худди оч бўри..

### ЎЗИНГ ГЎЗАЛСАН

Шухратга берилиш — феълан ожизлик,  
Дарахт қаққаяди мевасизликдан.  
Чақмоқдай ялт этиб сўнмай, сен изла  
Ғаввосдек жавоҳир қалб денгизидан!  
Мева дарахтларин шохлари ларзон,  
Ирмоғу дарёлар тошиб оқмоқда...  
Сен ўзинг гўзалсан, эй, Ўзбекистон,  
Боғимиз ҳуснига жаҳон боқмоқда!

## ДАЛА ТАШНА ШОИР МЕҲРИГА

Қирқдан ошиб кетди ҳарорат,  
Дала ёнар, ҳансираар деҳқон...  
Қирилади куйиб ҳашарот,  
Ғўза ўсар, тўплар куч ва қон.  
Ташлаб кетиб бўлмайди уни —  
Чақалоқдек чақирар йиғлаб.  
Кўрмоқ керак уни ҳар куни,  
Сув берамиз, қақрамасин лаб.  
Жазавада бизнинг саратон —  
Деҳқон билан азалдан ошна.  
Оқшомлари сўлим, сара тонг,  
Дала шоир меҳрига ташна.  
Шундай чоғда баъзи бировлар  
Ташлаб кетди иссиқдан чўчиб.  
Биргамиз деб пахтакор билан  
Шеър айтганлар кетдилар учиб...  
Қани улар шу кунда бўлса,  
Деҳқон кутар бўлиб жонсарақ  
Ениб ишлар, наҳот уларга  
Фақат керак баҳор манзара...  
Кунлар келар эй, деҳқон бобо,  
Пишиб қолар қовун-тарвузинг,  
Адиб дўстлар келиб қолади,  
Мадҳ этилар юзинг, юлдузинг...  
«Бир кунгина далада бўлиб,  
Пешонадан терни ардингми?»  
Халқчил шоир бўлмоқчи улар —  
Куйламоқчи, бобо, дардингиз...

Эй, азамат, шеърим, овозим  
Сенинг ўйинг билан тушар мос,  
Лекин афсус, ўқиши лозим  
У ошналар бу шеърни кўрмас.  
Қирқдан ошиб кетди ҳарорат,  
Меҳнат билан қайнар саратон,  
Даламиздан кетсин ҳашарот,  
Қиздира бер қуёш, жонажон!

\* \* \*

Кўлга ёғарди ёмғир,  
Кўл — кулча, ёмғир чақич.  
Дарахтлар қочолмас ҳеч,  
Япроқлар титрар дир-дир..  
Шитирлаб ёмғир ёғар —  
Табиат чўмиларди.  
Ям-яшил новда — ниҳол,  
Биллурга кўмиларди.  
Олислардан бўй чўзиб,  
Боқадди қорли тоғлар.  
Гўзаллик келинчакми,  
Жоду кўзлари сузук,  
У тоғлар нени чоғлар?

Ҳисор

## ГУРЖИСТОН

*Иосиф Нонешвилига*

Руставели юрти, гўзал Гуржистон,  
Осмонинг қалбингдек доим мусаффо,  
Саломим қабул эт, дўстим Иосифжон,  
Бузилмасин мангу метин саф асло!  
Зилзила шаҳримга солганда ваҳшат,  
Учиб келдинг, қўлда цемент, мих, тахта...  
Деворлар дарэ кетди, дил емади лат,  
Қардошликдан аъло йўқдир эл бахти.  
Навий куйлаган гуржи қиз ҳуснин,  
Тоғ бурғути каби йигитларинг бор.  
Чинордай боқийдир кексалар умри,  
Абадий барқ урсин боғингда баҳор!

\* \* \*

Гувиллар мотор сасъ,  
Учамиз бежавф-хатар.  
Қадрдон юрт даласи  
Узоқда қолиб кетар...  
Узоқда қолар, лекин  
Тортади оҳанрабо.  
Туғилган она юртга  
Қалбимиз тўла вафо.  
Оқ булутлар устида  
Сузади кумуш лочин.  
Қўйиб юбормас асло  
Она юртим қучоғи.



## ОМАД КЕЛСА

Омад келса доносан,  
Сўзинг ҳам қовушимлик.  
Қамтар ҳам бўлмоқ осон...  
Йўқдек кўринар шумлик.  
Аввал хунук кўринган  
Юзларинг кўҳлик бўлур.  
Сен нишга жон чекмайсан,  
Ишларинг шўхлик бўлур.  
Кўпаяр сенга ҳамдам,  
Иzzат қилиб, суйишар.  
Ўлтиришда дамо-дам  
Бода-ю май қуйишар...  
Омадинг кетса агар,  
Лайчадек қопар жигар.  
Расволар чўқиб ўтар,  
Номардлар сўкиб кетар...

## ЛОЙИҚ БУЛСАНГ БУ ТЕНГСИЗ БАХТДИР

Яшагиси келар ҳамманинг,  
Еруғ дунё нақадар гўзал,  
Бахтдир катта — соғ экан танинг,  
Қим истабди ўлимни азал —  
Чумоли ҳам истамас ўлим,  
Гиёҳлар ҳам сўлмасам, дейди.  
Шундай ноёб, ёруғ бу олам,  
Тирик борки, ўлмасам дейди.  
Лекин борки инсонлар, ўзин  
Шу ҳаёт-чун қилганлар қурбон.  
Кўра-кўра юмганлар кўзин,  
Кўра-била топширганлар жон.  
Шу ҳаётда яшаймиз сен, биз...  
Яъни бизлар асл бўлган-чун  
Ҳаётини бердимиз улар?  
Ҳаётини бердимиз, нечун?  
Лойиқмисан бу илтифотга?  
Лойиқ бўлсанг, бу ғоятда бахт.  
Сен эгасан шундай зўр юртга,  
Асрий орзу истаклар тахтдир.  
Лойиқмисан эй, тирик инсон!  
Лойиқ бўлсанг, бу тенгсиз бахтдир.

## ҚОЗОҚ ШОИРИ СИРБОЙ

Ҳар кимнинг касби кори  
Ажралмас содиқ ёри.  
Қозоқ эли деганда,  
Адир ели деганда,  
Сурувларнинг макони,  
Тенгсиз бойликлар кони,  
Беҳудуд у қўриқлар...  
Эсласам тошқин сойни —  
Мен кўраман Сирбойни.

Қувлик-шумликдан узоқ,  
Шуҳратга қўймас тузоқ,  
Меҳнати билан мағрур,  
Куйлари билан масрур,  
Ўз элидай бағри кенг,  
Бўйи Ҳимолойга тенг.

Тулпорлари чопоғон,  
Қоплонлари топоғон,  
Меҳмондўст, кўнгли очиқ,  
Бойлиги элга сочиқ,  
Шавкатим, дил озиғим,  
Омон бўлгин қозоғим!

Фарзандинг Сирбой билан,  
Куйга ўта бой билан  
Жамбул элида қўноқ

Бўлдим умрга иноқ.  
Акам, жекам дейишдик,  
Жекам, акам... суйишдик.

Қўшилди куйим куйга,  
Тенг бўлди бўйим бўйга,  
Ғафуру Собит бўлдик,  
Халқимизга қут бўлдик.

## ШИМОЛ ҚИЗИ ЛИНДА СААРЕМАА

Иқлим ўзга, манзара ўзга,  
Ўзгачадир табиат бунда.  
Осмони бой эмас юлдузга —  
Ой ярқираб сузмайди тунда.  
Жиндек илир кунлар кузгача,  
Емғири зўр, шамол ва чақин...  
Қардошимнинг тили ўзгача,  
Лекин дили ғоятда яқин.  
Линда, Линда, эй шимол қизи,  
Тик қоялар ёруғ юлдузи.  
Тўлқинларнинг оқ чарлоғисан,  
Эстон юртин кўз чароғисан,  
Иссиқ қуёш, шуъла-ю ёлқин  
Ҳафталарча кўринмас, боқмас,  
Қояларга урилар тўлқин.  
Ариқлар йўқ — шилдираб оқмас.  
Мен жанубдан қалбингни кўзлаб  
Келдим, менга меҳрингдир йўлдош,  
Қирғоқларда юрмайман излаб,  
Сийнангдадир у қайноқ қуёш.  
Дединг — ғариб пўстини — ўрмон,  
Қулиб чопдик физғизонда биз...  
Лаб кўкарган, қалбда ҳаяжон,  
Едингдами, эй мовий кўз қиз?  
Линда, Линда, шимол гўзали,  
Иқлим олур сендан ҳарорат.  
Сен, Райниснинг эзгу ғазали,

Сен, Болтиқсан — йўқдир ҳаловат...  
Сен, булутни йиртган зўр чақин.  
Иқлим ўзга, тилинг ўзгача,  
Лекин дилинг менга кўп яқин.

*Таллиқ*

## УША КҮЗЛАР ЁДИМДА

Наҳот мени тамом унутсанг,  
Солмоқ бўлар шайтон васваса..  
Ухламасдан оттираман тонг,  
Хаёлларга чўмаман роса.  
Уша қайноқ, ноёб хатингни  
Қайта-қайта ўқийман, жоним,  
Юракка жо гўзал отингни,  
Юрак уни такрорлайди жим,  
Баъзан уни ўқийман ошкор,  
Баъзан хуфя — ғоятда пинҳон...  
Сендан азиз яна нима бор,  
Кўрсатмайман ўзгага зинҳор!  
Тунлар ўзинг юракдаги моҳ,  
Лекин якка ўтар тунимиз.  
Соғинганда суратинг ҳамроҳ,  
Фақат хатга қолди кунимиз.  
Утиб кетди қанча ою йил,  
Қани бўлсанг эди ёнимда.  
Ёдимдадир, ҳамон у соҳил,  
Ҳамон ўша кўзлар ёдимда...

## ҚАРИМАЙДИ, ЯШАР ҚАЛБИМДА

Бир кўришга орзуманд бўлиб,  
Ўтганларим кўҳна кўчангдан...  
Ишқ сеҳрида Фарҳоддек ёниб,  
Қанал қаздим, қочмадим чангдан.  
Кўрганимда қинидан юрак —  
Чиқиб кетаёзарди у чоғ.  
Соқов бўлиб қолардим билсанг,  
Сен келардинг, дашт бўларди боғ.  
Исминг каби исм кўз эди,  
Лекин бу ном айтилиб қолса —  
Босолмасдим ҳаяжонимни.  
Йиллар ўтди... Ортиқ ёнишлар,  
Беҳаловат оқшомлар қайда!  
У ўринсиз шубҳа, тонишлар...  
Ҳозир эриш кўринур жуда.  
Ғунча эдинг, кулдинг, сочылдинг,  
Сен турасан меннинг қаршимда.  
Лекин билки ноёб муҳаббат  
Қаримайди, яшар қалбимда!



## ЯНА БАҒИШЛАРДИМ

Утказибман қирқ тўрт баҳорни...  
Йилларим бор асрга татим.  
Бағишланган юртга умримдан  
Заррача ҳам йўқ шикоятим.  
Агар шунча яшасам яна  
Бир кунин ҳам қилмасдан хато,  
Бир лаҳзани йўқотмай ҳатто,  
Бағишлардим сенга, эй она —  
Эй, қувликдан, шумликдан узоқ  
Эй, шодликда талтаймайдиган,  
Эй, паҳлавон, боғбон, умрзоқ  
Эй, заҳматкаш, эй ҳалолу мард.  
Обрўйига юқтирмаган гард —  
Она юртим, ўзингсан тенгсиз,  
Бағишлардим ўзингга ёлғиз.

## ИЛЬИЧГА БОҚИБ...

Баъзан кибру ҳаво, шуҳрат чалғитар...  
Баъзан сохта дилкаш бўламиз, бироқ  
Ўзимизга доир ишлар тез битар,  
Ўзганинг ишига лоқайду фироқ...  
Дўстлар, шундай пайтда боқинг Ильичга —  
Мен, деб мақтанганми ҳеч вақт минбардан?  
Ўзлигини эмас, миллионлар бахтин  
Ўйлаб иш қиларди у Инсон ҳар дам.  
Олтинлар виждонни қилиб қўяр кир —  
Бойлик орттиришдан жирканди зинҳор?  
Бу гап баъзиларга ёқмайди ҳозир,  
Биздан куладиган кимсалар ҳам бор!  
Юмшоқ кресло-ю телефон, кнопка...  
Одамлар сарғаяр қабулхонада.  
Баъзан ишга чиқмас, «касал» зўр папка...  
Ўзгармасдек улар гўё оламда.  
Бундай мартабани берган халқни-ю,  
Ўқитган давлатни унутган, ғофил.  
Шундай бир расвони қолдирайлик деб  
Ўққа учдиларми ўн еттинчи йил?!  
Чет элга борамиз — эъзозу икром...  
Зиёрат қиларлар, суратга оларлар.  
Ғоят талтаямиз, кўтарамиз жом —  
Ҳар оддий сўзга ҳам қарсак чаларлар.  
Бу эъзоз муқаддас Ленин юрти-ю  
Халққа бўлганини қилмайдилар фарқ.  
Уларнинг наздида — қўчқор туғилганлар,  
Уларнинг наздида — қумурсқадир халқ...

Дабдабалар бизни бузиб қўйдими —  
Наҳот нонкўр бўлдик, кўзларда шира...  
Бундай эмас эди мардлар удуми,  
Ленинча камтарлик кетмасин сира!  
Дўстлар, шундай пайтда Ильичга боқинг,  
Қадрдонимизга, буюк Инсонга!  
Ғалабамизда ҳам, тўйимизда ҳам —  
Тарбия берганда ўсмирга — ёшга,  
Чуқур изтиробда — ўйимизда ҳам  
Боқамиз у сўнмас Ленин — қуёшга.

## ЎЗБЕК ҒУЗАЛИ

Онки хуршид бувад дар фалаки нози тувий...

*Нодира*

Йиллар ёшингизни етаклаб кетмиш,  
Не чора, умр наҳрин тўхтатиб бўлмас.  
Қайтиб келмас экан у ширин ўтмиш,  
Лекин севги гули ҳеч қачон сўлмас.  
Узоқ йиллар гўё чўккан қалин чанг,  
Боқаман, ғўзаллик қолмиш остида.  
Тинглайман у қайноқ қалбнинг туғёнин,  
Ҳамон учмоқ бўлар у қалдирғоч қош,  
Биттагина чивин жоннинг қасдида...  
Ун тўққизда етук, эпчил, серсабот,  
Бутун борлигингиз, кўркингиз билан  
Бир йигит боғини қилдингиз обод,  
Тақдирдан эдингиз гоятда ризо...  
Аммо баҳор ойи ёғди машъум қор —  
Музлаб қотди бирдан нектару гуллар...  
Уруш бўлиб қолди, жўнади шунқор,  
Ғарбга югуришди шарқлик ўғиллар.  
Қайтиб келмади у... йўлларига кўз  
Тутиб, ишладингиз ўзликдан кечиб,  
Ҳарир у танларни ўради чит, бўз...  
Ҳижрон сарғайтирди. Фарзандни қучиб  
Баъзан овундингиз, баъзан кўз ёши...  
Қонли курашдан сўнг осойиш қайтди,  
Ҳурлик сақлаб қолинди, ҳамма нарса бор.  
Фақат бир нарса йўқ, уни тоабад  
Ҳеч ердан ҳеч қачон топа олмайсиз,  
У эди сиз учун бахт, шодлик, ҳаёт...  
Наҳот у йўқолса беному беиз?

Уни севги дерлар, у йўқолмайди,  
Қалбингизга шуъла бериб турган у.  
Ҳали ҳам юз гўзал қолар чангингизда —  
Сиздаги латофат йўқолмас мангу.  
Узоқ йиллар гўё чўккан қалин чанг —  
Боқаман, гўзаллик қолмиш остида,  
Тинглайман сийнадан қалбинг тугёнин,  
Қалдирғоч учмоқчи чивин қасдида...

## БОБИР ВА БИР ТИЛИМ ФАРҒОНА ҚОВУНИ

*(Баллада)*

Мудрар ҳайбатли қаср  
 Сирли сукут ичида.  
 Посбонлар — ҳайкал, басир...  
 Қучли қўллар қиличда.  
 Ҳовуз мисоли кўзгу,  
 Атиргуллар паришон.  
 Бу жаннатнинг ўзи-ку,  
 Лекин жондан йўқ нишон.  
 Шоҳ ўтирар, олтин тахт  
 Устида ғоят хомуш.  
 Ҳамма ёқ эди карахт.  
 Йўқ эди бошда ҳам ҳуш.  
 Эғнида заррин либос,  
 Гавҳар порлар тожида.  
 Қимматроқ эди бу тош  
 Ўн мамлакат божидан.  
 Бор эмиш жоду сеҳри  
 Агранинг чиройида.  
 Темур мирзо шавкати  
 Қолиб кетди пойида.  
 Меъморлар санъатига  
 Бовар қилмас тушунча.  
 Кўрмаган эмиш бахтни  
 Хорун ар-Рашид бунча.  
 «Жаннат макон» буюк шоҳ  
 Паришон ўтирарди.  
 Бир тилим қовун қўлда,  
 Кўздан ёш тўкиларди.

Боқмасдан гулобга ҳам,  
Мурғга тушмас нигоҳ.  
Тахту тожни унутган —  
Шоҳлиги кўздан узоқ.  
Енгилмас қўшин-лашкар,  
Сардорлари ҳам тамом  
Кўзидан узоқлашган...  
Бир тилим қовун тилда,  
Йиғлар эди Бобир шоҳ.  
Хаёли олис йўлда —  
На сарой, на дабдаба,  
На салтанату қўшин.  
На ҳарам ва на Қаъба...  
Тамом йўқотган ҳушин.  
Ҳумоюн таъзим бериб,  
Утар ота ёнидан.  
Унга берарлар хабар  
Ҳиндол туғилганидан...  
У жилмаяр ва лекин  
Бошида ўзга рўё.  
Ерга боқишар секин,  
Буюк шоҳ мамнун гўё.  
Хаёллари учарди —  
Ухшарди парвонага.  
Эзгу юртга кўчарди,  
Чопарди Фарғонага.  
Бир тилим қовун қўлда,  
Юртни қўмсаб йиғлар шоҳ.  
Майли эди бир кўрса,  
Тож ҳам бўлиб қолса жоҳ...  
Ўша туғилган ватан  
Қалбини эркаларди.  
Олислардан дафъатан,  
Юрт овози келарди.

\* \* \*

Жазирама қумларни  
Кечди қирқ туя — карвон.  
Бархан — тоғ уюмларни  
Олислардан дафъатан.  
Дарёлардан ўтишди,  
Тоғлардан, жилғалардан...  
Таланиб қон ютишди,

Ҳеч ким бермади ёрдам.  
Дашту биёбон кезиб  
Боришди Ҳиндистонга.  
Қум ичра кажавада  
Қовун элтишди хонга.  
Фарғонада пишган у,  
Уша эзгу тупроқда,  
У бордир на Дехлида,  
На Хуросон, на Балхда!  
Адиру қирни ошиб  
Жанубга юрди карвон,  
Кундуз офтобда пишиб,  
Тунда ором олди жон.  
Қирқ кеча-ю, қирқ кундуз  
Юриб етди Аграга.  
Сув ичишиб қониқди —  
Томоқлари қақраган...

\* \* \*

Унутиб ҳокимлигин,  
Тахту тожни унутиб,  
Унутиб у кимлигин,  
Қўлида пичоқ тутиб.  
Сўйди она тупроқда  
Унган ширин қовунни...  
У ўтирар олтин тахт  
Устида ғоят хомуш.  
Ҳамма ёқ эди карахт,  
Йўқ эди бошда ҳам ҳуш,  
Еши бор эди кўзда,  
Қўлида ширин тилим.  
Алишмасди гавҳарга,  
Берса ҳам етти иқлим.  
Кўзга суртиб ерди у,  
Она юрт деб ерди у...



## БУРЧАКДАГИ УЧ КИШИ...

Зал гавжум, порлаб турар улкан биллурий қандил...  
Сояни қилиб паноҳ, бурчакдаги уч киши  
Одобни босиб тагга ўшқирешар — заҳар тил,  
Гуруҳбозлик ботқоғидан чиқиб, кўрсатар тишин,  
«Улар кимлар?— сўрар Устоз,— чапаклар балки  
йўқдир?»

Ноқобил кимсаларда ғоят кучлидир ҳасад...»  
«Улар фанга алоқасиз кишилар,— деди Доктор,—  
Фақат ўзин ўйловчи шахслар бозори касод —  
Қалби қора, руҳан мажруҳ, ютуқни кўролмовчи,  
Юрт севгиси уч пул... улар сиртидан ғоят қизил.  
Пул ва шуҳрат керак фақат, бу йўлда улар «овчи»,  
Бурчакдаги уч кишига боқинг, улар ғоят разил!»

## ҲАР САФАР КЕЛАМАН...

Ҳар сафар келаман, ҳар сафар янги,  
Ҳар сафар очади қайтадан қучоқ.  
Ўша серҳаракат Москва тонги,  
Юракни ўрайди ҳаяжон шу чоқ.  
Ўша машиналар, бино-тоннеллар,  
Ўша миноралар — улуғ Кремль.  
Ўша магазинлар, боғлару гуллар,  
Ўша метролару, ўша тилсим йўл.  
Ҳар сафар келаман, ҳар сафар янги,  
Ҳар сафар юракни қучар ҳаяжон.  
Тасвир кучи етмас сири бор тонгин —  
Ҳар сафар яшарар, ҳар сафар жонон...

## БИР ҚОРИНДАН ТУШГАН...

Бир қориндан тушган ака-укани  
Айирганда лордлар иккига абад.  
Бир хил эди улар, битта ватани —  
Бирин муслим деди, бирини маъбад...  
Ҳиндистон ерини қилиб уч лахтак,  
Ажратдилар, яъни: Ҳинди, Покистон.  
Бу билан қониқмай, туришмасдан тек  
Яроғ берди хавфли, тўксин дея қон.  
Қариндош икки халқ бўлишиб хунрез,  
Ғарб макрин пайқамай, дўст бўлиб тамом  
Айёр фитнаси-ла тутақдилар тез —  
Ҳиндистонда кураш ўт олди ёмон.  
Шимолдан югурди тўкманг дея қон  
Совет мамлакатин паҳлавон ўғли.  
Ҳайрат ила боқди бу ишга жаҳон,  
Нега муштлашасиз? Ғарбда-ку ўғри!  
Бошлаб олиб келиб ўзбек элига —  
Яраштирди мангу ўзи бўлиб бош.  
Олижанобликни қутлар ер юзи,  
Қурбонсиз бўлмади ва лекин яраш...

## ЎТТИЗ ЙИЛ ЎТИБДИ...

(1936 йил 16 июлни эслаб)

Ўттиз ёшга кирибман, ажаб...  
Қиролмайсан деганлардир лол.  
Ўттиз баҳор умримни бежаб,  
Чинордек умр топмоқда ниҳол.  
Мазмун тўла ўтган йиллардан  
Шикоятим йўқдир заррача.  
Баъзан ширин ва баъзан нордон  
Қунларимни унутмам ҳечам!  
Ўттиз ёшга тўлибди ижод —  
Ўн бешимдан қўлга олдим соз.  
Муте этмай қофия, ҳижо...  
Мазмуну завқ эттирди парвоз.  
Янграганда дастлабки қўшиқ,  
Жанг кетарди Испанияда.  
Паснонария овози — у нутқ  
Қулоғимга етди у нидо...  
Мен ёш эдим, илк шеърим билан  
Қирдим Интернационал сафга.  
Қольцов, Фадеевга эргашдим,  
Қўз олдимда баҳодир Залка.  
Шеър у шодлик ўртада эди —  
Гоҳ жарангдор, гоҳ етмас чидам.  
Саид ва Рамз, Асқад ва Туроб...  
Чиқиб келдик ўша йиллари  
Ўзбекнинг бир тор кўчасидан.  
Биринчи куй янграган кунга  
Бу кун тўлмиш роса ўттиз йил.  
Чарчаш дилга тамом бегона,  
Юрт ишқида қайноқ ҳали дил.

## ҚАТЛ ПАЙТИ У БОҚДИ ШАРҚА...

Қиш қаҳрига олганди, ҳеч вақт бўлмаган бундай,  
Фашист бўрилар жунжир, кўзлари қонталашган,  
Яъжужлар қишлоқчани ўбдон талаб-ялашган.  
Зоя келар қуршовда, бошини тутиб мағрур,  
Ҳозир, бир дам ўтароқ мард қизни осадилар.  
Рўпарада арғамчи. Ҳайдаб келинган қишлоқ...  
Уни ўлдирадилар, у барин аниқ билар,  
Лекин ўлдиролмастар унинг авлодин мутлоқ!  
Қатл олди жасур қиз боққанди олисларга  
Барқарор, ҳозир эди қудрат тўла содиқ Шарқ  
Поездлар югуришар, беҳисоб қасоскорлар.  
Келар эди танку тўп ёвни қилмоқ учун ғарқ.  
Келар эди бетиним Зоянинг ўртоқлари;  
Тўхта, фашист! Зоядан қўлингни торт! — зўр нидо.  
Қатл пайти жасур қиз боққанди Шарқ томонга,  
Ёрқин буюк хотиранг қалблардан бўлмас жудо!

## НЕ-НЕ ҚУРАШЛАРНИ ҚЎРМАДИ БУ ЕР...

Не-не курашларни қўрмади бу ер  
Она тупроқ бети ғоят серажин.  
Баъзан тарихчилар бўяб силлиқ дер —  
Узоқ авлодларни алдашар нечун?!  
Туғилиш бўлмаган ҳеч қачон дардсиз —  
Кураш билан келди халқимиз бахти.  
Юрт ғолиб чиқмаган азалдан мардсиз,  
Ўлимдан бошқасин маъқул барвақти!  
Мен ҳатто кетишга рози бўлардим  
Қолувчи айтолса тарихимни кенг.  
Илмий унвон учун минг қоғоз эмас,  
Бир қоғоз кифоя шавкатига тенг.

## БАҒРИНГГА КИРАМАН ЛОЖУВАРД ДЕНГИЗ...

Бағрингга кираман ложувард денгиз,  
Тўлқинлар-ла қучиб, хўб эркалайсан...  
Тирмашаман баъзан оқ ёлларингга,  
Мунчалар бағринг кенг, виқорга бойсан.  
Қишки шамоллар йўқ, қаҳрингдан тушиб,  
Оқ ёлдор оқимлар топмиш осойиш.  
Қуёшда барқ уриб, тиниб, тўлишиб  
Ётибсан, бағрингда латофату ишқ...  
Кўзимга ўтлоқдек яшил кўриндинг,  
Атрофда тоғларинг — нор туясимон.  
Бизни ҳам, эй денгиз, севиб, илиндинг,  
Тепангда нур тўла зангори осмон.  
Қир бўлиб, ювинмоқ учун келмадик —  
Ё кўзлаб сохта ишқ, ётмадик қумда...  
Меҳнат қилиб, чарчаб келдик беҳадик,  
Бағрингга кирамиз, сузиб оқимда...  
Сен қалбга берасан бағрингдан қувват,  
Қайфу онгимизни тиниқтирасан.  
Ҳеч кимса қилолмас бундай мурувват,  
Ўзинг умр бериб, чиниқтирасан.

## РЕКВИЕМ

*Устоз Фафур Фулом вафотига*

Наҳот қирғоқларни ўпирган, тенгсиз  
У ёлдор тўлқинлар тўхтаган бўлса?  
Наҳот муз остида жавоҳир — денгиз,  
Тўлқинлар олмайди қуёшдан бўса?  
Бир умр тинмаган, югурган, елган  
Дарёйи беором қолдими тўхтаб?  
Елкасида қанча кема-ю елкан  
Кўтарган оқимдан кетдими шитоб?  
Далаларга чопиб, мингга бўлиниб,  
Анҳору ариғу сой бўлган қани?  
Бир қатра суви ҳам кетмаган зое,  
Баъзан шўхлиги зўр — той бўлган қани?  
Эй, тўхташ, саёзлик билмас Сайхуним,  
Эй, теран денгизим — жавоҳирга кон,  
Эй, қудрат оқими, топдингми тиним?  
Узинг эдинг ахир жонимизга жон.  
Зилзила чарчатиб, узоқ соҳилга  
Умримда биринчи келгандим шу йил...  
Юз баллик зилзила чанг солди дилга,  
Наҳот дарёсидан ажралди бу эл?  
Ишонмайман, дарё тинарми ҳеч вақт!  
Агар тинар бўлса у дарё эмас.  
Бир умр тўхташни билмай у оқди.  
Яна оқаверар, асло тўхтамас!  
Дарёни тинди деб, балки бир муддат,  
Бўрилар қаҳқаҳа уриб чопарлар...  
Илонлар бир-бирин балки ўпарлар...  
Йўқ! Боқинг, у тирик, қўлида тиги,

Арслон ўлиги-ю сичқон тириги...  
Агар дарё бўлса тинмайди зинҳор!  
Ўша зарб, ўша куч ҳамон барқарор!  
Ўша фил одими, йўлбарсона човт,  
Ўша тоғ тўлқинлар, ложувард сувлар,  
Ўша шижоату ўша зирҳу совт  
Барқарор турибди, кетинг тўсувлар!  
Бир лаҳза тинмаган дарё тинарми?  
Тўхташ деган нарса дарёларга ёт!  
Сўнмай зиё сочган қуёш сўнарми?  
Жавоҳир тўлқинлар боқий, барҳаёт!

*Қрим*



## ЗИЛЗИЛА

Ер остида ёвуз куч чопар...  
Гумбурлайди қатламдаги куч.  
Хуруж қилар каллаи саҳар.  
Ёмон ёвга келган эдик дуч —  
Бир коса сут — чайқалди шаҳар.  
Бир-бирига кўмагу далда,  
Аҳвол сўраш — бебаҳо хислат.  
Ҳам матонат, ҳам қўрқув дилда —  
Уй лат еди, феъл емади лат.  
Гўдаклардан ваҳшатни ҳайдаб,  
Беморларга бўлишар паноҳ.  
Бошқаларнинг тинчини ўйлар,  
Ўзни ўйлаш бу лаҳза гуноҳ!  
Қўрқувингни олай кўзингдан,  
Эй, гўдаклар! Ҳар ўғил-қизни —  
Асраб, кўча бўйлаб чопаман.  
Ҳар бир кесак тушсин бошимга,  
Мени боссин босгунча сизни.  
Жаҳолатга, куф-суфга... тупур,  
Қўшин бўлди ҳам ўғил, оғам...  
Эл қайғуси бир ёқда қолиб  
Қочганлар ҳам бўлди қуёндай.  
Иродаси етмади толиб —  
Қирқ бир ёнда, қинғир бир ёнда  
Бутун ўлка, бутун мамлакат  
Шаҳрим билан бирга турибди.  
Жароҳатли кўчалар бўйлаб  
Содиқ ленинчилар юрибди...

Жондош шаҳрим жароҳати ҳам  
Тезда битар, эмасмиз якка,  
Бу курашда бутун эл ҳамдам,  
Бутун ўлка яқин юракка.

## ЖАННАТДА ТУРИБ, ШАҲРИМНИ СОҒИНДИМ...

Эй, Қрим соҳиллари, мен келдим толиб —  
Жаннатсимон иқлим босди бағрига.  
Қалбимга дам бериб, дардимни олиб,  
Умринг ўхшаш бўлсин деди баҳрга...  
Асаблар юмшади, юрак жойида,  
Селу зилзиланинг ваҳшати синди...  
Тетиклик, ҳаяжон — илҳом пойдор —  
Булоқлар биллурий шифо сув сунди.  
Тўйиб-тўйиб нафас олдим, беғубор,  
Эй денгиз, эй тоғлар, эй жавоҳир қум.  
Нимаики кўрдим бу масканда бор —  
Жаннат бўлса бўлар шунчалик, дедим.  
Бу жаннатда туриб соғиндим сени —  
Эй, менинг тинмагур асов тупроғим,  
Иссиқ кўчаларим, кенг пахтазорлар,  
Жилов узар сойлар, ёввойи оқим,  
Қилиғи ёқимсиз бебош фарзандек  
Дилимни ўртайсан, шаҳрим бу кезде...  
Жазавангдан тушиб, осойишта, тек  
Бошингни тиззамга қўясан тезда!  
Мен жаннатда туриб, соғиндим сени,  
Туғилиб ўсганим эй, эзгу тупроқ.  
Қол бунда юз ёшга кирасан, деди,  
Қолмадим, кетаман, қўймади фироқ...  
Ҳаммасидан кечиб, умру сафодан,  
Ёзи чанг Тошкентим, сенга чопаман.  
Менинг кўзим билан кўрсинлар сени!  
Тинчимаган ерим, тинчи, бўл омон!

## ОЙДИН

(Атоқли адибанинг туғилганига 60 йил тўлишини  
ҳурмату садоқат билан эслаб)

Ўтга ташлаб ёвуз чимматни,  
Чанг сололмай ичкари — алам,  
Юртдан топиб нури ҳимматни,  
Қўлга олган эди у қалам.  
Оналарнинг куйлаб толеин,  
Юртни севиб, яшади ҳалол.  
Биз билардик Опанинг феълин,  
Мақтовлар кўп келарди малол...  
Онаизор сийналарида  
Бўлсин дерди бахтидан ғурур.  
Қуюқ қора сочлар остида  
Порласин деб нурли тафаккур,  
Куйлай берди янги замонни,  
Етганича овозу сози.  
Қаҳрамонлик деса бўларди —  
Ўша йиллар унинг парвозин.  
У биринчи шоир — адиба,  
Жумҳурият содиқ солдати.  
Она эди ғоят меҳрибон,  
Айтиларди фахр ила оти.  
Собир қизи Манзура — Ойдин —  
Ғоят яқин ҳар бир юракка.  
Гўзал эди опамиз ойдан,  
Лекин ойдек ўтдилар якка.  
Ҳей, ошналар, сингиллар, келинг —  
Унутмайлик унга таъзимни!  
Сиздек балки куйлолмагандир,  
Лекин қалби нурлироқ эди,  
Севмас эди қуруқ назмни.

## УСТОЗ ТИХОНОВ

Буюк шоир ва жамоат арбоби, ўзбек адабиётининг қадрдон дўсти Николай Семёнович Тихоновнинг етмиш ёшига эътиқоду муҳаббат ила бағишлайман.

Қалбимда садоқат, ишқу эътиқод —  
Буюк саз олдида эгаман бошим.  
Тирикман шеър ила, саз ила дилшод,  
Шеърят — борлигин, порлоқ қуёши.  
Сиз, азиз Тихонов, шоирлар пири —  
Буюк Шарқ атайди Сизни аллома.  
Бир жануб ўғлининг бу юрак шеъри —  
Буюк оқсоқолга шогирддан нома...  
Навой-ю Жомий, Пушкин — Мицкевич,  
Умрлик дўст эди Тагору Иқбол...  
Тихонов-ла Ойбек дўстлиги ҳам ҳеч  
Бузилмас, у мангу, қутлар истиқбол...  
Ойга учаётган космонавт агар  
Сўраса не китоб олишни у дам —  
Навой-ю Пушкин, Фафуру Тагор  
Ва олиб уч дердим Тихоновни ҳам.  
Олифта, тасқара ва турқи совуқ  
Баъзи шоирларга йўқдир тоқатим.  
Яхши ҳам сиз борсиз, Шчипачев, Уйғун...  
Шеъримиз лаззати дунёга татим.  
Ўзбекнинг у серфайз карнай-сурнайи  
Улкан ноғорасин янгратай бу кун —  
Етмиш ёшлигингиз муборак, устоз,  
Лекин бу эмасдир дostonча энди.  
Ўргатдингиз бизга парвоз этишни,  
Судралиб юришни кўрмадингиз эп.  
Ўзимга танитиб ўзбеклигимни,  
Бошни силадингиз, бўйинг ўссин, деб.

Рус дeмак — меҳрибон улуг халқ дeмак,  
Ҳамда сиз дeмакдир,  
Сизнинг янгроқ шеър,  
Чиркинлик-ла қарши инқилобий куч.  
Биз Сизни севамиз, буни қалбим дер.

## ПАҲЛАВОН

Баланд тоғлар атрофида ўтирибди қўр тўкиб,  
Пастда водий, тенг келолмас унга минг Боғи эрам...  
Утлоққа тушиб қолган қиличдек ялтирайди  
Сойлари, дарёлари югуради беором.  
Бунда ишлар ўзбек полвон, танғиган пешонасин,  
Қийиғига урилган бар, ятакда кўкси анор-  
Жиққа ҳўл икки кифти — бу ғайрат нишонаси,  
Ағдарма этигида жез пойнакли тиғи бор.  
Паҳлавоннинг номи Сайхун, Ўзбеквой деса бўлар —  
Суяк бузуқ, қорамағиз, чақмоқ мўйлаб ярашиқ.  
Жўн десак, камситилар, ўлгудай содда — оқ дил,  
Тўгри сўз, тантиликка ўла-ўлгунча ошиқ...  
Берилса жуда қаттиқ берилмоқлик одати  
Емон кўрса ҳеч қачон яхши кўрсатиб бўлмас.  
Шундай қилиб туққандир иқлими-табиати,  
Еридан узиб бўлмас, бошқа жойда кўкармас.  
Ишлайсан икки кифтинг жиққа ҳўл, лаб ёрилган...  
Пайларинг тўла қувват, ўткир кўзларингда нур.  
Берасан юмшоқ пахта, меҳнати анча қаттиқ —  
Пахтакорлик — ота касб, пахта у миллий ғурур.  
Сен ишлайсан, паҳлавон, қоп-қора терга ботиб,  
Майда-чўйда ва нопок гаплардан анча узоқ...  
Сендан анқиб туради нон ҳиди. Ҳалоллик деб  
Ишлайвер паҳлавоним, умринг сенинг умрзоқ!  
Лекин сенга қаҳр ила ҳужум қилди ёвуз сел,  
Аждардек чопиб келди тоғларнинг орасидан.  
Уйларни қулатди у, бошпанасиз қолди эл,  
Бешиқларни оқизди ажраб-кўз қорасидан...

Дўл келди тақирлатиб, ниҳолларни қулатиб,  
Қайноқ танингга теккан у заҳарли тош эди.  
Музлатаман танини, ишлолмай қолсин ётиб,  
Деди, аммо енгилди... талай ҳосилни еди.  
Чанг билан келди Бўрон, кўтариб тўс-тўполон,  
Томлар бўлди пирпирак, мева тутолмай қомат  
Ииқилди, офатларга мўл ҳосил бўлди талон.  
Бу ҳам ўтди, полвоним, ўзинг қолдинг саломат,  
Зилзила — ёвуз офат қатлам аро бўкирди.  
Шаҳримиз таҳликада: ёрилиш, қулаш ва дарз...  
Саккиз юз бор силкинди, ер остидан ўкирди,  
Олишдинг, қаҳрамоним, қилмай шикояту арз...  
Барини енгиб ўтдинг, бари қолди хору хас,  
Бир жаҳонга етуклик «оқ олтин»ни ундирдинг.  
Садоқату ишончинг зафарга асос, бу рост!  
Паҳлавоним, ўзбегим, тўрт миллионни дўндирдинг.  
Баланд тоғлар атрофида ўтирибди қўр тўкиб,  
Бир паҳлавон меҳнат қилар, номидир Ўзбекистон...



## УЙҚУСИЗ КЕЧАЛАР

Уйқусиз кечалар... Йўқ ниҳояси...  
 Излайсан, ўйлайсан, юзлар заъфарон.  
 У гўё кўп йиллик соғинч сояси —  
 Юракни тишлайди беаёв ҳижрон.  
 Юрагингни сақла, ҳаётинг мен-чун,  
 Ғоятда керак деб айтгандинг, жонон!  
 Ҳижронингда бу қалб ўртанур нечун?  
 Қафтдаги қушчадек питиллайди жон.  
 Марду номардларга қилмайин ҳасрат,  
 Сенсиз ўтказаман ою йилларни.  
 Ҳижронни фатҳ этиб, дил топур нусрат,  
 Гарчи фидо қилдим ҳаётим ярмин —  
 Кутаман, азизим, кўзим нигорон,  
 Кутаман, васваса, шубҳани енгиб,  
 Кутаман, парчалаб тухматни ёмон,  
 Кутаман, Фарҳоднинг сабрига тенг кеб!  
 Уйқусиз кечалар, йўқ ниҳояси...

## ИНТИЛИШ

Йиғламишсан онанг қорнида,  
Исмингни ҳам аташмиш Машраб —  
Тез кўрмоқ-чун дунёни жуда,  
Волидангни қўймишсан шошириб.

Барвақт келиб, узоқ яшамоқ —  
Ҳеч ўлмаслик ҳар жон истаги.  
Ҳаёт, дерлар, ўлмаслик-ла тоқ,  
Тинмай оқиш, ўзгариш — таги.

Интиласан мақсад йўлида;  
Кандидатсан, доктор, академик...  
Ё офицер — ҳаётинг фидо,  
Ё лауреат... Юксалиш демак.

Инсон зотин табиаги шу:  
Интилади у беҳаловат.  
Шаҳар қурар, боғ қилар мангу.  
Мевалари берганида тот,  
Одамларга кетади ташлаб.

Йиғлаб қолар она қорнида  
Яна бошқа кичкина Машраб...  
Сен кирасан халқинг қалбига,  
Абадийсан, бу ғоят зўр иш!  
Ҳаммага ҳам у бўлмас насиб,  
Мақсад сари элтар интилиш.

## БИЗНИНГ ФАЛСАФА

Ҳеч бир куч йўқ бизларни енгиб  
Ер юзидан йўқотсин буткул.  
Биз дунёга келганмиз янги,  
Биз — узган-ла йўқолмовчи гул,  
Биз — болари, ишлаймиз тинмай,  
Ҳам қурамыз, ҳам яратамиз,  
Биз пилладек ўз вақти етгач,  
На сифиниб тангри-оллоҳга,  
На ёлбориб ҳар бир суллоҳга,  
Кетажакмиз моддага сингиб...

Талваса-ю оҳ-воҳ уриш,  
Узгаларга ҳасад тугёни...  
Ёки макруҳ — қуртдек кун кўриш,  
Ё тарк этиш ёруғ дунёни —  
Ё риёкор яссавийчилик...  
Бари, бари бегона мутлоқ!  
Бизнинг асли кимлигимизни  
Чалғимасдан билиб қўй ва боқ!

Қитоб ёқмоқ, ҳайкал қулатмоқ,  
Яксон қилмоқ обидаларни,  
Минг йилларни ахлатга отмоқ,  
Ўз уйида меҳмон таларни...  
Ваҳшийлик деб атаса бўлур.  
Жазавада қуёшни сўкиш...  
Бу «маданий инқилоб» эмиш.  
Йўқ, бу улкан бир халқнинг шўри,

Чалғитмоқда, халқда эмас айб.  
Одамларни қилмоқда бўри,  
Дўстликка доғ солганларга ҳайф!  
Одамийлик бир ёқда қолиб,  
Жоҳилликни касб этди — уят!  
Биз ишлаймиз, қалбимиз голиб —  
Юртга хизмат қилмоқлик ният.  
Қардошликни куйлаб ҳамма вақт  
Улуғлаймиз севиб Ватанни.  
Шундай юртда яшаш ўзи бахт,  
Шундай юртга тикканмиз жонни.

Шундай юртда, тенг оилада  
Камол топдик — туганмас маъво...  
Буни улар яхши билади;  
Билиб туриб қилади иғво,  
Билиб туриб сувга тупурар,  
Билиб туриб чанг солар юзга.  
Қириндидан кулар, кўпирар,  
Билиб туриб тузлуққа, тузга...  
Билиб туриб сақичдек чайнаб,  
Биғиллайди тинмасдан, суллоҳ.  
Билиб туриб ҳасади қайнаб,  
Ҳам қарғайди, ҳам уради оҳ.

Менинг жондош оғам Русь бўлур...  
Бегонадир у мунофиққа.  
У — баҳодир, қалби дарёдир,  
У ёвимни, зулмни йиққан.  
У билади содиқлигимиз,  
Россия — у меҳрибон она.  
Фақат дилда яшар бир армон:  
Инсон бўлиб яшай олдикми —  
Беролдикми Ватанга дармон?  
Шу эл учун ишлаб, толдикми?  
Баъзан узоқ ўйлаймиз ётиб,  
Шу ўй билан бу юрак дардлик...  
Шу халқ учун ишлаб, йўқотиб  
Соғлигингни, ўлсанг бу мардлик!  
Аmmo тегиб турар гашингга  
Ҳасадчилар, у совуқ юзлар.  
Ишлатмайди, тушар ошингга  
Пашша каби сурбет даюслар!

Ҳеч бир куч йўқ бизларни енгиб,  
Ер юзидан йўқотсин буткул.  
Биз дунёга келганмиз янги,  
Биз абадий, йўқолмовчи куч!

## БИР «АНДАЛИБ» ГА

Бирон ерда шеър айтмоқ бўлса,  
Чапакни ҳам қилади ташкил.  
Халқ номидан сўзлар уялмай,  
Халқ сен шумни таниса кошки.  
Икки-учта бўлишиб олиб,  
Бир-бирини ялашар, ҳай-ҳай..  
Чуғиллашар бир жуфт «андалиб» —  
Ёнда бевурд ёзишмалар шай.  
Чойхонада ва кўча-кўйда  
Минғир-минғир — пинҳон шикоят.  
Хотинига серзугум уйда,  
Болаларга дағдага... Уят!  
Кўздан жиндек чеккароқ жойда,  
Софдил кишиларни ёмонлаш.  
«Ҳар хотинга ошиқу шайдо...»  
Тухмат тўқир доим, дили ғаш.  
Инсонлигу одобу ақлин  
Шимиб қўймиш лаънати ароқ.  
Ёмонликни ўйлайди фақат  
Сассиқ оғзи ўлгудай шалоқ.  
Баъзиларга таҳассиф қилиб,  
Тикилади буржуа Ғарбга,  
Имони суест, обрў талаб  
Гоҳ айланиб «камтар», «ғариб»га —  
(Аслида бу тама, илтижо...)  
Боқинг, дейди сохта бош эгиб,  
Юрагига ҳасад бўлмиш жо...  
Юртга туфлаб обрў олишу

Вайсақилар ичра кулганинг,  
Умр бўйи юриш норизо...  
Шудир сенинг бўла-бўлганинг!  
Ҳамма душман кўринар унга,  
Кўролмайсан порлоқ замонни.  
Қўтир мушук каби ҳайдашар,  
Булғамагин дерлар чаманни!  
Тўғри, баъзан сени қувдилар,  
Қисматингдан куйиб адосан.  
Имонингни сотиб уч пулга,  
Доим очкўз, доим гадосан!  
Уйнашмагил асло халқ билан!  
Бир аяйди, икки аяйди...  
Тилгинангнинг касофатлиги,  
Узгинангнинг бошингни ейди!

## БИР ВАРАҚ ҚОҒОЗДЕК ЁНИБ КЕТДИ У...

Мен уни севардим, севгандек Мажнун,  
У эди тириклик, танимдаги жон..  
Унинг хаёлисиз йўқди бирон кун,  
У билан гўзалди бу ёруғ жаҳон.  
Бутун борлигим-ла боғлиқдим унга,  
У содда ва лекин зеҳни кўп ўткир,  
Ғоят гўзал эди..  
Кўҳна қишлоғимиз бир кўчасида  
Дунёга келди у, ноёб жамолин  
Қизганардим ўзга кўзлардан ғоят,  
Сақлардим эркамнинг жонимда жонин.  
Улғайдик, ёшликни етаклаб йиллар  
Олиб кетди... Тақдир узоқлаштирди..  
Ва лекин, барибир, яқин эди диллар —  
Севардим, юракда яшарди дарди.

. . . . .  
Ва лекин гўзалнинг базмлар гули  
Ҳамда ўз ҳуснига маст бўлганини  
Билмай юрарканман анчадан бери —  
Иффат ҳам шўралаб, паст бўлганини  
Билмай юрарканман..  
Бутун муҳаббатим, ғойибона ишқ,  
Қалбимдаги гавҳар ўйлар, эътиқод,  
Енишлар, хаёллар, ўринсиз у рашк..  
Бари-бари кетди, сўлди у бўстон —  
Бир варақ қоғоздек ёниб бўлди кул.



## ҚАЛЪА

Илма-тешик бўлган, ёнган оташда,  
Брестнинг қирмизи ғиштин ўпаман.  
Буюк бир тарих бор ҳар битта ғишда,  
Жасорати билан юрт қолди омон.  
Бошимни эгаман сенга, эй қалъа!  
Тенгсиз мардлик рамзи, муқаддас кўрғон.  
Сени асрадилар ўғиллар қалб-ла,  
Ҳар битта қалб бунда бўлди бир кўрғон,  
Ҳар битта ғиш бунда ёвга сапчиди,  
Ҳар битта баҳодир олди бериб жон,  
Қалъа бўлди ҳар қалб қалъа ичида.  
Улимларни енгиб, абадул-абад  
Яшайсан биз билан минг йиллар бирга.  
Сарҳадда турибсан, ҳеч букилмас қад!  
Ҳар қандай балони даф этмоққа қодир —  
Сен мардлик қалъаси, қаҳрамон Брест!

*Брест*

## УРНАТИЛГАН ЮРАК

Илмга шак йўқдир, тиб илми тифин  
Ҳаёт, деб ушлаган жарроҳга таҳсин!  
Сақлаб қололмади умрни, аммо  
Бошлади тиббиёт жаҳоний баҳсин.  
Вашканский деган кимсага ўзга  
Юрак ўрнатилди — ўлган қиз қалбин...  
Кейптаун<sup>1</sup> шаҳрида бўлди бу синов —  
Андак тепган бўлиб, юрак топди тин.  
(Одатда гўзалга бағишланур қалб,  
Қиз қалбини узмоқ эмасдир жоиз.  
Балки топганида тенгини жарроҳ,  
Тепиб кетармиди бу юрак, эсиз!)  
Гарчи яшолмади ва лекин сақлаб  
Қолмоққа интилиш ўзи буюк иш.  
Баъзан ақлинг етмас, хўш, шундай экан —  
Нечук Вьетнамда отиш, ўлдириш?!  
Еки сенсация — пул ишлаб олмоқ,  
Халқларни чалғитмоқ учун керакми?  
Тириклар бахтини ўйлаш зўр шараф,  
Парваришлаш керак тирик юракни!  
Кейптаун шаҳрида жаноб Ян Смит —  
Оқ танли ирқчилар ишлари маълум;  
Дунёнинг бир узоқ четидан келиб,  
Африка ерида бўлурлар малъун.  
Не ишларга қодир оқ танлилар деб,  
Сурбетлик қилишлар тегди-ку жонга!

<sup>1</sup> Африканинг энг жанубидаги катта порт-шаҳар.

Мен ҳам оқ танлиман, зероки сизни  
Ғоят ёқтирмайман, айёр жаноблар!  
Алдайсиз ва баъзан ўлдирасиз ҳам,  
Баъзан беҳаёлик — қўлдирасиз ҳам...  
Не етсин парвариш қилмоққа қалбни —  
Тириклар бахтини ўйлаш зўр шараф!

## ЕР АЙЛАНАДИ

Олти миллиард йилким ер айланади;  
Ялт этган нурчалик балки умримиз...  
Миллиард йиллар яна қуёш ёнади —  
Лаҳза қадрин билган умрда тамиз.  
Дунёга келамиз, шу кундан бошлаб  
Кетмаслик йўлида бошлаймиз кураш.  
Яшаймиз, ишлаймиз юрт учун терлаб,  
Нақадар даҳшатли яшаб туриб нураш.  
Умрнинг ғоятда қисқа-ю, камёб  
Қайтиб келмасига қарамай асло —  
Меҳр қўйиб ҳаётни безаймиз, дунё  
Яшарар биз билан, қурамиз бино —  
Худди қолмоқчидай абадул-абад...  
Шунинг-чун Инсонсан, тенгинг йўқ сенинг!  
(Болари ўлишин билмай қуради) —  
Сен билиб, ҳис этиб, кўриб, тушуниб,  
Тинмайсан, қурасан, заҳматкаш дўстим!  
Бу ёруғ дунёда ўзинг буюксан!

## СЕВГИЛ

Севгил она юртни то ўлгунингча..  
Бахтиёр онларда сурганда сафо,  
Баъзан душман қўли берганда жафо,  
Омадинг келганда-кетганида ҳам.  
Йиқилиб, қазойинг етганида ҳам,  
Барибир, уни сев, қалбингда бўлсин,  
Она юртни севгил, бахт топасан сен!  
Баъзан шундай бўлар — яккалингингда ҳам,  
Йўлингни тўсганда бўғовлар баъзан,  
Қаҳатчиликда ҳам, мўлчиликда ҳам,  
Улфатчиликда ҳам, йўқчиликда ҳам,  
Ҳамма вақт сев уни, эътиқодинг ҳам,  
Ишончинг, садоқат... бари, бари у!  
Севгил уни ўтда ёнганингда ҳам,  
Севгил, юрт ишқига қонганингда ҳам,  
Она юртни севгил то ўлгунингча!

## ЛАБОРАТОРИЯДАГИ БАҚАЛАР

Эй, совуқ бақалар, турасиз қатор,  
Сизда на жамолу ва на жозиба.  
На тўти, на товус гўзаллиги бор,  
Сизни шоирлар ҳам йўқламас сира.  
Бақадек хунук деб ёзамиз баъзан,  
Нозанинлар чўчир — лабларда учуқ..  
Тиззасига олиб, бирон кимса ҳали  
Мушукдек сизларни силагани йўқ..  
Шу пайт бақалардан чиқади садо:  
«Тўғри, товус каби хиромимиз йўқ,  
Тўғри, нозанинлар лабида учуқ..  
Бир ирkit, ялинчоқ мушук болача  
Бизни бирор гўдак ётмайди қучиб.  
Биз бунга келамиз ҳар кун минг нафар —  
Ўргамчик жарроҳлар ёради бизни.  
Бизда инсон каби ҳамма аъзо бор,  
Зарур деб тиғларга тутамиз ўзни.  
Бизни юз бўлакка бўлишар ҳар кун,  
Китобдек ўқишар тап тортмай қирқиб.  
Биз туриб берамиз — сен инсон учун,  
Сакраб деразадан қочмаймиз кўрқиб.  
Нозанин қизларнинг нозик қўллари  
Қалбимизни қирқар, ёрар жигарни..  
Бизда мумкин бўлар, аммо хатолар  
Бўлмасин очилгач инсоннинг қорни.  
Бир оддий машқ учун кетамиз юзлаб,  
Шикоятимиз йўқ, йўқ фигонимиз.  
Бизлар сидқидилдан қўйганмиз тикиб

Инсоннинг соғлиғи учун жонимиз,  
Ҳатто умр бўйи яшаймиз қириб —  
Чақмасин деб асло инсонни чивин.  
Ҳатто биз сузганда айнамайди сув,  
Ҳатто биз юрганда тозадир ҳаман..  
Хўш, айт-чи, бизларнинг нимамиз совуқ?»  
Эй, фидо бақалар, мен сизга гул боғ  
Ўртасида улкан ҳайкал қўярдим.  
Ҳаётдаги силлиқ, лек қалби совуқ  
Одамлардан сизни минг бор севардим.  
Сизни махлуқ деймиз, ишчи инсоний,  
Инсонлар ичида бордир махлуқи.  
Инсонлар-чун қурбон бўлибсан, мардсан!  
Махлуқлар-чун ўлма, қаҳрамон бақа!

## ИГИТЛИК ҚАЛЪАСИН ТОПШИРМАМ БЕЖАНГ...

Ешингиз ўтибди, юракда сабот,  
Вазмину сиполик ҳаловат жонда.  
Ақл боғингиз ҳам ярашиғ обод —  
Қайнашлар тинибди, осойиш қонда...  
Жиндак эт қўйибсиз — икки кифтда гўшт,  
Чакка сочларингиз устида қиров.  
Суяклар бузилган, сўлақмондай мушт,  
Ҳам яхши ухлайсиз, тушда йўқ биров...  
Ешингиз ўтибди дейсан, азизим,  
Менга гоят аччиқ бу сўзлар билсанг!  
Балки сен айтганинг ҳақдир ва лекин  
Йигитлик қалъасин топширмам бежанг!  
Агар ёнолмасам муҳаббатингда,  
Гулгун ҳаётимдан бўлмасман ризо.  
Гарчи саботим бор, ёмғиру қишда  
Кўчангда кезганим унутмам асло!  
Уша ўспиринлик; очин-тўқин юрган  
Мажнун кунларимни қайтарсанг жонон,  
Бутун давлатимни, бор шавкатимни  
Оёғинг остига ташлардим шу он.  
Сен ўйлайсан, жоним, осойиш қонда...  
Йўқ! Асло! Тинмаган, у — тоғнинг сойи.  
Ҳали иззатталаб, шавкат талабмас,  
Сенинг ёнгинангда юракнинг жойи.  
Ҳамон мен ёнаман, жисмимда чақин,  
Ҳамон ишқ ўтида қоврилган тажанг...  
Узоқман ва лекин ишқинг-ла яқин —  
Йигитлик қалъасин топширмам бежанг!



## ТОНГНИ ҚУТЛАБ

Сахарлаб тураман, қутлайман тонгни,  
Бўйнимга осилар субҳ шамоли.  
Жиндек қоронғулик, сийнамда-чи нур —  
Уфқда ярқирар тонгнинг жамоли.

Олам чўмилгандек тетик, беғубор,  
Чақнаган у Зухро — лаб остида хол.  
Юракда на чарчоқ ва на ташвиш бор,  
Кўз олдимда ўзинг... Сендадир хаёл...

Кетмайман деб турган қоронғулик ҳам  
Тезда йўқолади, жўнайди ўрга.  
Сен етиб келасан ёнимга шу дам,  
Қучасан, борлигим ўрайсан нурга.

Ҳар кунни қутламоқ одатим тонгни,  
Юзингни кўрай деб турдим сахарлаб.  
Тонг нурлари тегса қалбингга, асло  
Кор қилмайди чақса илон — заҳар лаб.

Енгимни шимариб шавқу завқ билан  
Ишлайман, юз ёшга еткудай бардам.  
Ғаму андуҳлардан тамоман холи,  
Халққа хизмат қилиш қалбдаги дардим.

Сахарлаб турмоқлик қутламоқ тонгни  
Севикли устоздан олганим мерос —  
Тонгни қутланг, дўстлар, бебаҳо тонгни,  
Тонг туққан қўшиқ ҳам соғ бўлади, рост!

## МУЪЖИЗА

Йиллар ўтар, балки биз мўъжиза деб,  
Жар солган машина оддий бўлиб қолар...  
Аммо у юрибди — даламизга зеб,  
Даламизнинг жони, дилга шавқ солар,  
Кўриб фахр этасан ҳамда таажжуб —  
Саккиз юз қўл ишин бошлар бир ўзи.

Хартумлари сарғиш... Филбон дейди: чув!  
Пахтани шипирар — чақнайди кўзи.  
Фақат номи қолган Чўли малик ҳам  
Тор келиб қолибди бу мўъжизага.

Танишиш, у билан салом-алик ҳам  
Ғалабаси куни ёр бўлди бизга —  
Олти хартумли фил бўйнида митти  
Филбон ўтиради бу Жавод — полвон.

Не-не полвонларни митти йиқитди,  
Ўзи кўп майину иши зўр филбон...  
Улик ер аталган Чўли маликни —  
Тирилтириб, жаннат қилди бу одам.

Шўр пешана ернинг шўрини ювиб,  
Қадам етмас ерга у қўйди қадам.  
Бу ер аста-секин қозонмай ривож  
Сакраш қилди катта ва инқилобий.

Бир йўла бахт топдим, илм бўлди тож —  
Жаводга бўйсунди — инсонга тобе.

Инсон қўли ила яралган, ноёб  
Мўъжизалар келди — бахтинг келди деб.

Азаматлар келди ер феълига боб,  
Ер очди жамолин — жаҳон олар зеб.  
Олтита хартуми бор мўъжизанинг,  
Саккиз юз кишининг қилади ишин.

Эй, дала, совқотма, кирмоқда жонинг,  
Йўқотди у сурбет Мирзачўл қишин.  
Бу мўъжиза ҳали ҳеч қаерда йўқ,  
Елғиз Жавод — полвон минмиш устига.

Соғинган эканми, хит қилмай, ётмай  
Асов фил айланди содиқ дўстига.  
Чўли Малик эмас, гули маликда  
Мўъжиза яралди! Бориб кўрмоқ бахт!

Уни кўрмоқ ўзи умрга мазмун,  
Турмас Сирдарёдек оқиб кетар вақт.  
Йиллар ўтар, балки биз мўъжиза деб  
Ҳайқирган бу маъво лампачироқдек  
Оддий бўлиб қолар ва лекин унинг  
Шону шарафига бўлмас сира чек!

Балки бошқалардан кам айтилурсан,  
Меҳнатинг барқ урса, шу ўзи латиф.  
Тенгсиз мўъжизангни унутмас авлод,  
Исмингни зар ила ёзур фахр этиб.

## **БАХИЛ**

Бахил бахтни кўролмас,  
Бахтни юлмай туролмас.  
Шунинг-чун ҳам эл дейди:  
Бахил боғи кўкармас.

## ОДАМЛАРГА БОҶАР ВА ЛЕКИН КЎРМАС...

Нозанин ўтирар, андак паришон...  
Одамларга боқар ва лекин кўрмас...  
Дарахтларга боқар, дарахтлар бежон...  
Елларни ҳам сезмас — ел қанот урмас.  
Қайларда кезади, ўйида не бор?  
Қайларда учади у хаёл қуши?  
Кимни излар экан, кимдир қувончи?  
Тамоман йўқолган бошидан ҳуши.  
Муҳаббатнинг сирли бағрида мастми?  
Ва ёки кутарми ёниб, соғиниб?  
Ва ё унинг ўзи Лайли эмасми?  
Кўзлари очиғу кўрмайди зинҳор.  
У ўтирар ёлғиз, андак паришон...  
Одамларга боқар ва лекин кўрмас...

## АВЕСТО\*

### I

На мелоду, на ҳижрий, на ҳинд  
Саналари егар, кўп узоқ —  
У ер узра қад чўзиб метин  
Қалъаларки собит-ди. Бироқ  
Асрларнинг қонли тўфони,  
Зилзилалар, тошқинлар, еллар,  
Тўзимларнинг чўнг инқироzi  
Барҳам берди, нуради эллар...  
Бир лаҳза кўз юмиб, боқайлик  
Ўша олис замонга бу чоғ.  
Оёғимиз остида у ер —  
Ўша дарё, ўша баланд тоғ,  
Ўша яйлов, ўша кенгликлар...  
Чиғаноқлар тоғ яратгандек  
Денгизларнинг чуқур тубида —  
Бу заминнинг қатламлари ҳам  
Асрлардан мангу обида.  
Баъзан шундай қўл силтаб, кўрмай  
Ўтмиш бўм-бўш деймиз. Бу хато!  
Баъзилар бор минг йил нарини  
Бадавий деб қарайди ҳатто.  
Кўзларига динозаврлар,  
Форлардаги палеантроп...  
Кўрингандай бўлади бирдан.  
Йўқ! Орада бор зўр даврлар,  
Тарих узоқ, тарихда гап кўп!

\* Авесто — Зардуштийларнинг муқаддас китобидир. У мелоддан илгари VI асрнинг бошларида Урта Осиё тупроғида яратилган. Бизга қадар етиб келган нусхаси Копенгагенда сақланади.

Оташкада ичра чор қирра  
 Мармар узра турар «Авесто» —  
 Гулхан ёнар, ўчмайди сира,  
 Қудрат берар у Мазда-худо.  
 Зардуштийлар муқаддас жойи —  
 Оташкада — ибодатхона  
 Мағрур турар, ўпишар пойин,  
 Ичкарида эзгу ўт ёнар...  
 Ибтидий фикр даҳоси —  
 «Авесто» тахт-тош узра турар.  
 Бутун қўшин Маздадан рози,  
 Ғолибият базмини қураар.  
 Бобо-китоб қатин очар Чол,  
 Саркардалар бош эгар бунда.  
 Ёвуз Ангра девлари қочар,  
 Нопок кучлар куяр тутунда.  
 Чол ўқийди: «Ҳар кимса эзгу  
 Юрти учун тахт турмоғи қарз!  
 Вақти етса, тиг кўтариб у  
 Мардлар каби жон бермоғи фарз!  
 Ёвуз кучлар — девлар йўқолгач,  
 Биз экамиз еримизга дон.  
 Бола-чақа қолмас сира оч,  
 Кучли, бардам бўлар ҳар бир жон.  
 Биз ўрамиз — девлар ларзада,  
 Ун қиламиз — қочади тамом.  
 Хамир бўлар — девлар азада,  
 Қўлларидан тушади камон.  
 Биз чарчамай ишлаймиз, буюк  
 Мазда ўзи келтиради бахт.  
 Сўнмас Оташ, сенга бош эгик,  
 Синмас, ўткир найзалар қўлда,  
 Атрофингда биз турамиз тахт!..  
 Агар бетоб бўлса бирон ким —  
 Ўзинг бердинг ноёб Хома<sup>1</sup>ни.  
 Сиғинамиз, Оташ, шукурким,  
 Биз ишлаймиз ечмай жомани...»  
 Бобо-китоб қатин ёпар Чол —  
 Саркардалар, навкарлар, ҳамма

<sup>1</sup> Хома — сеҳрли мева, уни еган одам ўлмас эмиш.

Қари-қартанг, ёшлар, хотинлар  
Яна бир бор сиғиниб ўтга,  
Тарқалишар, тугар ибодат.  
«Авесто»ни уч бор ўпиб Чол  
Пастга тушар — ҳар тунги одат.

### III

Асрлардан ноёб хотира —  
Бобо-китоб бизгача етди.  
Битиклари бўлмади хира,  
Аждодларим номини айтди.  
Йирта олди на Доро қўли,  
На куйдирди уни Искандар,  
На маҳв этди ислом бир йўли,  
На қирғину ёнғинлару дор...  
Бари, бари ўтди... Ва лекин  
Бобо-китоб — ибтидо фикр  
Етиб келди бизларга бу кун.  
Ўтмишимни қилди у зикр;  
Сўғд элининг шаҳарларини,  
Хоразмда буюк қалъалар,  
Массагетлар наҳрларини,  
Шақ элининг мардликларини  
Бобо-китоб қилди ҳикоя,  
Доноликка йўқдир ниҳоя.



## ҚАДИМГИ ҚУШЧИЛАР МАРШИ

Қўш ҳўкизим, жуфт мугизим,  
 Омочни торт, чу!  
 Кучингга куч берай ўзим,  
 Ер бўлсин эски кечув!  
 Туёқларинг теккан жойдан  
 Гиёҳ, яъни унар ризқ.  
 Ҳайда, жонивор, катта майдон —  
 На тош, чегара, чизиқ!

Ҳайда, ҳайда, ҳайда!  
 Ямоқ чопон, оёқ яланг,  
 Елкамда бор бешотар.  
 Зирқирар кифтда ярам,  
 Лекин у тезда битар.  
 Биз чарчаймиз терга ботиб,  
 Бу чарчаш ўзи роҳат —  
 Ер бизники, ҳеч ким тортиб  
 Ололмайди, келган бахт.

Ҳайда, ҳайда, ҳайда!  
 Сен кучаниб тортсанг, полвон,  
 Тортасан Асқар тоғни.  
 Эганг ўзим, жонингга жон,  
 Кутгандек шундай чоғни.  
 Жонга тегди ҳақоратлар,  
 Очликдан қуриди тинка...  
 Энди яхши чопар отлар,  
 Сомони сенга, бугдойи менга,

Ҳайда, ҳайда, ҳайда!  
 Қизил аскар элга йўлдош,

Бедовга босди қамчи.  
Зарбаларга беролмай дош,  
Тоққа қочди босмачи.  
Текинхўрлар даламиздан  
Йўқолди, келмас қайтиб,  
Ер ҳайдаймиз, бизлар озод  
Қўшчи қўшигини айтиб,  
    Ҳайда, ҳайда, ҳайда!

*Тошкент*

## ЕШЛИК ГУНОҲЛАРИМ

Ешлик гуноҳлари кўпдир... Мен ўйлаб,  
Баъзида юракни гижимлар ёмон.  
Ҳар бирига қалбдан юз бор қон тўлаб,  
Дўстлар, заҳмат чекиб оқламоқдаман;  
Қушларни қийнадим, нодон эканман —  
Қушларни қиламан ғоят парвариш.  
Бебошлигим билан онамни баъзан  
Ранжитдим, саёқлик эди ҳар кун иш...  
Математикадан ўқирдим ёмон,  
На чора, чиқмади мендан бир олим.  
Аммо мумкин эди, юракда армон —  
Фақат шеърятда эди хаёлим.  
Қазноқдан бир кун топдим қўлёзма —  
Шалди роқ қоғозда жилваланди лас...  
Қирқиб варрақларга қилдим дардарак,  
Бир шоир йўқолди... Эҳ, сен эси паст!  
Ўлгунча тўлайман шеърий қарзимни,  
Зора дардараклар келолса қайтиб.  
Балки сиз ҳам тинглаб эзгу арзимни,  
Жиндек юрак таскин топди, дил айтиб.  
Йўқ! Қалбдан юз қон бериб асло  
Кечиб бўлмайдиган бир гуноҳим бор.  
Ўлгунча ёнсам ҳам, қилсам жон фидо  
Мен уни топмайман, топилмас зинҳор.  
Ҳаммага боқаман, элга боқаман  
Мағрур ва уялмай, фахр ила ҳатто!  
Ҳажрингда, эй гўзал, қалбим ёқаман —  
Тузатиб бўлмас-кан севгида хато...

*Тошкент*

## УСТОД САДРИДДИН АЙНИЙ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўз даврининг энг яхши кишилари учун яшаган кимса, ҳамма давр учун ҳам яшайди.

*Шиллер*

У ўтирар ўйчан, кекса аллома,  
Йигирманчи аср Саъдий, Ҳофизи...  
Қўлимда устоздан устозга нома,  
Кўзларимда юзи, юракда сўзи.  
Тикиламан унга, ҳавас, иштиёқ,  
Ўзимни йўқотиб, адашиб гапдан.  
Жиндек тортинишу қандайдир уят...  
Ва лекин шодлигим тошарди қалбдан.  
Боқиб юзларига, минг йиллик, ноёб  
Нафосат тарихин кўраман аён.  
Сомоний давридан то ҳозиргача  
Буюк устод менга қилади баён.  
Бухоро тарихи, «Ал-Қонун» сири.  
Бедилу Улуғбек... барин кўраман,  
Китоб йўқ тушмаган унинг кўз қири —  
Шарқу Ғарб, Шимолу, бундан то Яман.  
Ўрта осиелик донишманд адиб,  
Халқ номини элтди кўп олисларга.  
Қалам аҳлин унчалик заҳматкашини  
Кўрмадим, мен орзу қилдим умрга.  
Уч бор кўрдим уни — Тошкент, Самарқанд,  
Душанбада кўрдим, тингладим суҳбат...  
Меросга содиқу, авлодга ғамхўр  
Нутқи қайноқ эди, фикрда Суқрот.  
Тўртинчи бор мотам куни етиб бордим,  
Раҳбарларим олиб учди самолёт билан.  
Мен Сизни кўтардим, Устоз, елкамда  
Кўзда ёшу қалбда алам — ўт билан.

Бешинчи бор бордим, гўзал Душанба  
Майдонида мармар қад кўтарибсиз.  
Бош эгдим бош яланг — эътиқод, таъзим.  
Тирикдек навозиш қилдингиз ва сиз —  
Тоғлар орасида ўсган зўр шаҳар  
Тоҷик пойтахтида турасиз абад.  
Зиёратга келдик, устод, бу саҳар  
Асарларингиздан мамлакат обод.  
У ўтирар ўйчан, кекса аллома.  
Йигирманчи аср Саъдий, Ҳофизи...  
Унг қўлим кўксимда, устодга таъзим!  
Кўзларимда юзи, юракда сўзи.

*Душанба*

## ЕШ ОНАЛАРГА СУЗИМ

Ҳаловатим бузилар, гўзал  
Қоматим ҳам... деб берманг ҳеч паянд.  
Жафосидан меҳрини афзал  
Қўриб, юртга беринглар фарзанд!  
Битта туғдим... Энди бас дея  
Олдирганлар эмасми қотил!  
Ҳам она-ю, ҳам мураббия,  
Ҳам мард бўлинг шу элга қодир!  
Тинчим кетар, ёшликда кўпроқ  
Ўйнолмайман деганларга зид —  
Бола туғинг, ўссин чақалоқ  
Етиб ошар оқ сийнада сут.  
Олифталар, мешчан-саёқлар  
Ғоясига тупурмоқ — мард иш!  
Тўғри, бирни катта қилмоқ-чун  
Керак қанча бардошу ёниш.  
Фарзанд керак мамлакат учун,  
(Ҳам кўпайсин менинг ўқувчим...)  
Қоматимни бузмайман, нега  
Туғиш керак, деган-чун туғинг!  
Мен кўпайй, мен ҳали озман...  
Яна баланд бўлсин юрт туғи!  
Хонам тор деб, боқолмайман деб,  
Қўрққан ота жазоси бўлсин —  
Туғиб, беринг ўн фарзандга зеб,  
Хона эмас, мамлакат тўлсин.  
Порлаб турган у қуёшу нур  
Тушиб турар ҳаммага бирдек.  
Ер неъматини ҳаммага етур,  
Фарзанд беринг, муносиб бўл деб!

## БОБО НАИ

Ҳали йўқ эди Доро,  
Йўқ эди Самарқанд ҳам,  
Туғилмаган Бухоро,  
Йўқ эди Сўғд деган ном,  
Афлотун ҳам йўқ эди,  
Искандару, Арасту...  
Ҳозирги қумликларни  
Балки босиб ётар сув.  
На Фиръавнлар авж қилган;  
Рамзесу Тутанхамон.  
На Суй Юан, Қалидас...  
Жуда ҳам узоқ замон.  
Ислон у ёқда турсин,  
Зардуштий дини ҳам йўқ.  
Шак уругин мард ўғли  
Широқ ҳам отмаган ўқ.  
Ҳали ер куррамизда  
(Номи бизларга етган)  
Бўлмаган бирон шаҳар,  
Ўрмонлар қолган музда,  
Муз қўйнида шом, саҳар...  
Ёнар тоғлар сўнмаган,  
Тоғларда бўлган ғорлар.  
Жез даври деймиз, у пайт  
Бошқачароқ бўлган эл.  
Бўлган экан қўшиқ байт...  
Баргларни ўйнаган ел.  
Ҳаёт ишқи, мухаббат,

Завқу сафодан нишон,  
Ёки ҳасрату гурбат,  
Ёки алам чеккан жон,  
Ёки ғалаба, қудрат —  
Енгишнинг таронаси,  
Ва ёки ноёб иффат,  
Ё айрилиқ ноласи.  
Ё туғилиш — шодлигу,  
Ё ўлим — мотам, аза...  
Зарафшон водийсида  
Топилди бир сибизга.  
Беш минг йил у қатламда  
Ётибди, бермай садо.  
У ноёб най тупроқда  
Чиримай, бўлмай адо —  
Ётиб келди бизгача.  
Суякдан ишланибди,  
Жило берибди уста,  
Уни обдан йўнибди,  
Самарқанддан узоқмас —  
Мўминобод ерида.  
Беш минг йил ётибди, рост,  
Санъат-да, нафосат-да!  
Чиритмай, асрабди ер  
Иссиқ бағрида найни.  
Уша най қўлимдадир;  
Тилга кирди, толиб жон,  
Беш минг йилги одамлар  
Дардини қилди баён.  
Зарафшон водийсида  
Яшаганлар сози бу.  
Қайта туғилдинг, эй най —  
Ҳаётингдан рози бўл!  
Сен менинг қўлимдасан —  
Аждодимнинг санъати.  
Сен дoston, балки ёзган  
Аждоднинг бизга хати.  
Жез даври садосини  
Етказдинг, эй Бобо най.  
Энди сенга ўлим йўқ,  
Яшайсан ўлим билмай.



## НА ЗУЛФИ ПАРИШОН...

На зулфи паришон, киприги камон,  
На қоши қалдирғоч, на лабида хол...  
У оддий бир жувон ва лекин яширин  
Жисмида беқиёс латофати бор.  
Тенгсиз бир гўзаллик этилмиш тилсим —  
Тополмайсан, бордир зўр жозибаси.  
Уша сирли жамол юракни тилсин!  
Уша сирли ҳусн учун қалб асир!  
Яширинча қарайман, узолмайман кўз,  
Истараси иссиқ, юлдузи чақнар.  
Туғён солар дилга, латофатли сўз,  
У кўзлар муҳаббат ўтига чорлар.

На зулфи паришон, киприги камон,  
На қоши қалдирғоч, на лабида хол...

## МЕНИНГ ОҒАМ — МИРШАҚАР

Тоғ ўғли, қаддинг ҳам ўлчанган тоққа,  
Узоққа қарайсан тик қоялардек.  
Фикру сўзларинг ҳам сиғмас ўлчоққа,  
Сенинг юришинг-чун шаҳар ҳам тордек...  
Бир қолипдан чиққан текис ва силлиқ  
Шоирчалар унча ёқмас жинингга.  
Бошда қор бўлса ҳам тоғ бағри илиқ —  
Тоғ берди мадору илҳом жонингга.  
Эй, баланд тоғлардан тушган зўр куйчи,  
Бағрингдан оқмоқда мингларча булоқ.  
Сен ғазал оҳусин, шамоллар кучин,  
Бургут парвозини шеърда қучароқ —  
Сою шалолалар, ўлан, лолалар,  
Ёввойи гулларнинг тенгсиз атрини,  
Наъматак, мумиё кечки жон олар —  
Чўпонлар қўшиғин — халқнинг сатрини,  
Қўлларнинг мавжини, тўрғай авжини,  
Полвон булутлар жангу наърасин,  
Лола чўққиларда — тоғнинг тожини  
Олиб тушдинг бизга бари, барисин...  
Неки гўзаллик бор тоғлар бағрида  
Барин олиб тушдинг, улашдинг элга.  
Булоқлар ҳеч қачон тинмаганидек,  
Тўзиб кетмагандек тоғлар ҳам елга  
Эй, тоғли зўр оғам, шоир Миршақар,  
Қалбинг булоқ бўлсин, шеърларинг шакар.

*Душанба*

## КИСМАТ

У юрт учун ишлади ҳалол —  
Манзур эди элга санъати.  
Кеккаймади, келмади малол,  
Фахр этилиб айтилди оти.  
Сози унинг манзур-ди элга,  
Очкўзликдан узоқ-ди ғоят,  
Санъатини сотмади пулга —  
Қўшиқ айтиб, пул олиш уят!  
Шамдай сўнгги қатра қолгунча  
Нур бериб у тугатди умрин.  
Ҳар тўқисда бир камчилик бор;  
Қутиб ётди шодликнинг амрин.  
Кутган куни келди, аммо у  
Кетган эди ёруғ дунёдан...  
На қувнашу, на юзда ханда.  
Беш кунгина барвақт шу шодлик  
Не бўларди кела қолганда.

## ҲИСОРИ МО — ЗАР НИСОРИ МО...

Беқиёс табиат аксими сенда?  
Ёки чирой олмиш сендан табиат?  
Ҳисор тоғларининг гўзал бағрида,  
Жонон, етилибсан, юзингда иффат.

Овозинг ёқимли, бийрон ва ўткир,  
Юзинг қорамағиз, тим қора кўзинг.  
Нигоҳларинг сенинг жон олғучидир,  
Шундай балоғатга етдингми ўзинг.

Зада қушлар каби кетмадинг учиб,  
Ишончу мағрурлик тоғликларга хос.  
Шунчалик ҳусн ҳам бўларканми деб,  
Ҳайрону хас бўлиб қолганлигим рост.

Зеҳнинг теран ғоят, гап билан у пайт  
Мот қилиб қўйганинг — енгилиш завқи...  
Мендек бедавони нечун севмак, айт?  
Баланд чўққи узра бўлгандай чақин —  
Тоғлар гумбурлади, шамол, шалола...  
Бу менинг қалбимда...Сездингми, балки!  
Баланд қоядаги у ёлғиз лола  
Қайноқ юрагимга узатмиш илкин,  
Ҳисори мо, — дединг, — зар нисори мо, —  
Зар ишқинг, оташинг билан тўлиқман,  
Бир кичик заррадек бор эдим, аммо  
Сингиб, эриб кетдим, мен энди йўқман...

*Душанба — Тошкент*

## ЮЗ ЙИЛДАН СЎНГ...

Яна юз йил ўтар, у ажиб кунлар  
Жамолин кўрмоқлик nasibмас бизга.  
Ва лекин тўлқинни қувлар тўлқинлар —  
У, шундоқ кўриниб турибди кўзга...  
Биз ўтган бўламиз, қолади гулшан,  
Жавобгар ишлардан бир қадар холи.  
Ва лекин исмимиз авлодаро шан —  
Балки яхшиликнинг бўлур мисоли,  
Бу сўзлар умидсиз ҳамда киборлик,  
Худбин фикрлардан ғоятда узоқ!  
Юз йилдан кейинги муборак борлиқ,  
Юракка ҳаяжон солмишдир бу чоқ.  
«Мен бору дунё бор, мен йўқ — дунё йўқ...»  
Кантнинг фалсафаси бизга бегона!  
Авлод силсиласи абадий, мутлоқ,  
Ўзингдек эй, қуёш, борлиққа она!  
Юз йилдан кейинги менинг Ватаним —  
Юртим истиқболи қучмиш ўйимни,  
Сен ила боғланмиш узвий бу таним,  
Юртим баланд қилиб қўймиш бўйимни.  
У йиллар «Пойтахт» бу курра бўлиб,  
Республика бўлар балки Ойу Марс...  
Одий ҳисоб бўлиб математика,  
Чеварам беражак Антимирдан дарс.  
Миллиард йилдан буён ва ҳатто ҳозир  
Ернинг тортиш кучи қудратли ғоят;  
Шу тортиш кучини енгиб, биринчи  
Инсон кўтарилди кўкка ниҳоят.

Эллик йил муқаддам бианинг боболар  
 «Интернационал»га бердилар қанот,  
 Ҳозир у юксалди космосга қадар,  
 Юз йилдан сўнг уни куйлар коинот.  
 Илгари Москвага учган самолёт  
 Бир қўниб ўтгандек у Жусайига,  
 Учқур ракетаалар етиб боришар,  
 Ойда андак тўхтаб, Зуҳра элига.  
 Улуғбек, Коперник нигоҳи етган  
 Юлдузлар бағрига етади Инсон.  
 Сен Ленин авлоди, иқболга элтган  
 Чин ғоя жаҳонга бермиш тамал, жон...  
 Юз йил дегани ҳам кўп узоқ эмас,  
 Ҳадемай келади, кўрасиз, дўстлар.  
 Ойга инсон тушганин мен кўрдим дейман,  
 Балки сиз Марс боғида юрасиз, дўстлар.  
 Бизларни ранжитган пул бандалари,  
 Зўравон давлатлар бўлмайди у пайт,  
 Зулуклик, қаллоблик... деган касаллик  
 Ҳеч кимга юқмайди — саналар у айб!  
 Текинхўрлик деган, ўғрилик деган  
 Иллатлар риштадек бўлади унут.  
 Илоҳиёт эмас, илму онг ила  
 Хонадонимизда мангу бўлар қут.  
 Фалакка учасиз ва лекин оддий  
 Оила, оқибат, севги яшайди.  
 Инсон — робот эмас, инсонликча қолар,  
 Ернинг неъматини қувнаб ошайди.  
 Синхрафазотрон Атом, Антимир,  
 Реакторлар... булар оддий иш қурол.  
 Барибир қардошлик, садоқат, умр,  
 Ватан туйгулари абадий бўлар!  
 Бизнинг ўзбек тили, бошқа тиллар ҳам  
 Ленин айтгандай яшар, барқ урар.  
 Гулларнинг атридан бебаҳра баъзи  
 Кимсалар хуружи йўқолар, қурир.  
 Юз йил деган ҳеч гап, ўтади елдек —  
 Олти миллиард йилки айланар Курра.  
 Тафаккур осмонига йўқдир сира чек,  
 Беҳудуд коинот, беҳудуд зарра...  
 Яна юз йил ўтар, у ажиб кунлар  
 Меҳри-ла қайнадим, тилимда калом,  
 Эй, менинг авлодим, сени этдим ёд,  
 «Ўтмиш шоири»дан етсин бу салом!

## МЕҲНАТ ВА ТҮЙ

Она юртим — Жумҳуриятим,  
Жамолинга боқиб тўймасман.  
Мақтовингни тилдан қўймасман,  
Улгунимча куйлаш ниятим.  
Она дедик... ўзинг туққансан  
Гўзал қизлар, мард йигитларни.  
Парвариш ҳам бўлмайди осон,  
Сен сеvasан бирдек барини —  
Қонин қайноқ қилиб туққансан,  
Жонин мутлоқ қилиб туққансан,  
Қалбини оқ қилиб туққансан...  
Қулоғига мардлик уққансан.  
Нима қилдинг дунёга келиб?  
Не ишинг-ла эслайди авлод?  
Қадр қилиб ва ота билиб  
Бир кун биздан сўрайди авлод.  
Ёмонлигин баъзан яшириб,  
Яхшилигин ошираринг бор.  
Эй, Она-юрт, жамолинг кўриб,  
Учиб кетар неки бор ғубор.  
Номинг — шараф, юзинг кўришни.  
Фарзандларинг ҳаммадан аввал  
Қойилмақом қилди зўр ишни.  
Шулар борки, ҳеч қачон бу юз  
Шамгин бўлмас, эзилмайди дил.  
Шулар борки, элнинг сўзи сўз,  
Шулар борки, тўй бўлар ҳар йил.  
Шулар борки, улуғ оила

Ичра номдор ҳамма вақт ўзбек.  
Шулар борки... ва шулар ила  
Толеига бўлмас сира чек.  
Меҳнат қилиб ҳалол меҳнат-ла  
Мақсад эди бахтни қўндирмоқ.  
Бешовқину беваъз, бенола  
Мумкин экан ишни дўндирмоқ.  
Эй, тенги йўқ, қучоғи боғ юрт,  
Эй, азамат, бардоши тоғ юрт,  
Қатта зафар бўлсин муборак!  
Сизни куйлаб, ёзибмиз китоб —  
Умримизда демак бор тамиз...  
Биз келмабмиз дунёга бекор.  
Авлодга бор айтар гапимиз.



## ЧУЛУҚНИНГ ҲАЛОКАТИ

Қаҳри қаттиқ дашт иқлимининг,  
Неки бордир қилар жизғанак.  
Олисларда тепалар жимжит,  
Сардобалар бузмайди пинак...  
Табиатнинг кескин қаҳридан,  
Шамоллардан қўрқмай, чўзиб бўй,  
Қайноқ қумлик, тошлар бағрида  
Усар тенгсиз жавоҳирий мўй.  
Майсазор йўқ, қум-тош оралаб  
Ҳаккам-дуккам гиёҳни излар.  
Чуқур қудуқ суви номақоб,  
Офтобда чиниққан юзлар.  
Ўз қонуни бор чексиз даштнинг,  
Қўрқоқларни ёқтирмас бунда.  
Олишганлар қашқир-ла тунда,  
Сура олур дала гаштини.  
Бунда ҳоким фақат тўғрилиқ,  
Гўдакликдан қулоққа қуйиб,  
Нопокликнинг даҳшат эканин.  
Кекса чўпон фарзандин суйиб,  
Чиниқтирди ақлин ва танин.  
Ун учда чўлуқ бўлди у —  
Мол бешикаст, эл бехавотир.  
Оч қол, лекин хиёнат қилма,  
Уғрилиқдан ўлим минг афзал.  
Эл ёвига ҳеч ошна бўлма,  
Бизнинг қонун, шундоқдир азал.  
Кекса чўпон дер экан ҳар гал —  
Умр бўйи қилганди амал.  
Бола ахир бола-да... Бир кун

Милтиқчасин осиб бўйнига  
Жар ёқалаб борарди чўлуқ.  
Липпа ўтган бўри боласин  
Тутиб олди, солди қўйнига.  
Қишлоқ томон югурди хурсанд,  
Қалби тепар — ўлжа бир қучоқ...  
Лекин бу иш бериб қўйди панд,  
Учраб қолди отаси шу чоғ.  
Бола қотди, билдирмади ҳеч  
Қўйнидаги бўри боласин.  
Ота гапга соларди, фарзанд —  
Қотиб тинглар, чиқармас сасин.  
Лекин йиртқич иссиқ тўшидан  
Узиб-узиб ерди гўдакнинг.  
У тик турар, кетмай ҳушидан,  
Ғажигандай бўлар юракни.  
Қаршисида турарди ота,  
Қулоғида ўша эзгу сўз:  
«Эл ёвига бўлма ҳеч ошна,  
Ўғирликдан қизармасин юз...»  
Чўлуқ турар, отани тинглар,  
Жони оғрир, тишлаб бетиним...  
Оч қашқирнинг боласи ҳадеб  
Узиб-узиб ерди этини.  
Унинг ўткир тиши ниҳоят  
Тешиб кирди юракка қадар  
Қалб ўйилди, йиқилди гўдак...  
Саросима ичида падар  
Қучоқлади, босди жонига,  
Олов кетди бор жаҳонига,  
Фарёд чекди, учди ноласи —  
Ўлиб ётар қўлда боласи...  
Дашт қонуни кескин ғоятда,  
Бунда фақат тўғрилиқ ҳоким.  
Буза олмас бу йўлни ҳеч ким,  
Шундай одам яшайди даштда.  
Тўғрилиқнинг қурбони бўлиб,  
Чўлуқ кетди ва лекин оти  
Элдан элга ўтиб юради...  
Нодон ўлим бўлиб қисмати,  
Қучоғида бўри борлигин  
Билдиргиси келмади зинҳор.  
Лекин еди қалбин у хунхўр.

## КАРНАЙ

Миллий чолғуларим полвони карнай,  
Ҳусну жамолинга тегмасин ҳеч гард!  
Минғиллашинг йўқдир, ҳеч буни кўрмай!  
Сен халқим дилини айтасан жўмард!  
Сен янграб, қувониб қиласан ғат-ғат,  
Сен момақалдироқ бўласан баъзан.  
Сенинг овозингда бордир қут, қанот,  
Сен мардсан, ёвларга соласан ларза.  
Балоғатга етган йигитдек, жиндак  
Беўхшов, дўриллаб чиқади садо.  
Сен халқ ила бирга, халқнинг зафарин  
Оламга жар солиб, яшайсан фидо.  
Янграйвер, азамат ютуқларимиз  
Кўролмас кимсалар ўчириб кайфин!  
Сен узоқ яшайсан, мингга кирасан,  
Биздан сўрасинлар карнайнинг файзин!

## ДУНЁ ЯШАРМОҚДА

Коинот бўшлигида айланиб юрибди Шар.  
Сиртида океанлар, қуруқликлар, тоғу тош...  
На чети — поёни бор, абадул-абад башар,  
Ҳаёту ҳаракатнинг сабабкоридир Қуёш.  
Курра узра гулдурос, айюҳаннос, довул ҳам,  
Денгизлар ҳансираши, ёнар тоғлар нафаси,  
Музларнинг ёрилиши, зилзилалар дамо-дам,  
Туялар карвонидай булутлар қаҳқаҳаси,  
Инсонларнинг тинимсиз югуриши ҳам шунда,  
Туғилиш тантанаси, ўлимнинг совуқ ҳукми,  
Кундуз қуёш, юлдузлар жамолин кўриш тунда,  
Кураш, енгиш ҳам шунда, тиклаш, ижод ҳуқуқи...  
Коинот бўшлигида чарх уради яшил Шар,  
Бу улур қатра узра қанча сиру синоат...  
Бироқ у яшармоқда, қайта туғилар башар,  
Миллион йиллик умрга тенгдир бизнинг бир соат.  
Қуёшга тик қараган бир қирмизи ёноқдек  
Муаззам мамлакатим, бахту қудрат ўчоғи,  
Бу замин иқлими-ю, баҳорига йўқдир чек,  
Қоронғилик йўқолсин, ўссин куррамиз боғи!  
Жонбахш баҳор нафаси ер узра ҳоким бу кун,  
Боргай учиб кўп узоқ дашту биёбонларга.  
Қуёшимиз Лениннинг нурила ўс ва ун,  
Бу нур — ҳаёт, бу нур — бахт, бу нур — жонбахш  
жонларга.

Баҳорда у туғилди, бергандир уни баҳор,  
Қалби ҳам, ғояси ҳам, мақсади — баҳор элтмак.  
Абадий баҳор келди, дунёчалик умри бор.  
Қуёш бор — халқларимиз бахти, камоли демак.

Коинот бўшлигида айланиб учмоқда Шар,  
Кун сайин яшаради қайта туғилган башар!

## ЛЕНИН ТУҒИЛГАН ШАҲАРДА

Волга оқиб ётибди, кўз илғамас қирғоғин,  
 Жимирлайди мовий сув; қудратли, чексиз дарё.  
 Бирлаштирмиш бағрида руснинг юз минг ирмоғин.  
 Ўзи бир буюк тарих, ўзи бир буюк дунё.  
 Баланд қирғоғидаман, боқарканман дафъатан —  
 Қаёққа у оқмоқда, билиб бўлмас. Буюк сув.  
 Шунчалик буюкмисан, эй, бизнинг эзгу Ватан!  
 У билар на довулни, на тўсиқ ва на қўрқув...  
 Кемалар елкасида гўё бир писта пўчоқ,  
 Денгиз дейсан ва лекин денгиз оқмас, у оқар:  
 Қирғоғига етолмас булутлар очиб қучоқ,  
 Қудратига тасанно — фалакдан қуёш боқар.  
 Шу дарё ёқасида, баландликлар устида  
 Табаррук ва муқаддас бир гўзал шаҳримиз бор,  
 Шунда туғилди Ленин, башарият умиди!  
 Шунда туғилди дейман, абадул-абад баҳор.  
 Уни туғди бир оддий рус Она. У кишилик  
 Бахти учун курашди, бошлади элни бахтга.  
 Қудрат берди қалбига шу дарё, буюк Волга:  
 Кишанлар парчаланди, барҳам берилди тахтга.  
 Кекса ўзбек болалар гапига солиб қулоқ,  
 Келтирдим сен туғилган бу шаҳар тупровидан —  
 Тошкентга тўқдим уни — қучди тупроқни тупроқ.  
 Салом, эй қутлуғ шаҳар, сенга ўзбек боғидан!

*Ульяновск*

**БУ ЕРНИНГ ОСМОНИ КЕНГ...**

Бу ер яйлов, уфқ олис, осмони кенг,  
Яйдоқ дала, ел учади, ерда гиёҳ...  
Туни гўзал, ҳеч бир ер йўқ бу ерга тенг.  
Дараларда бўлдим, турар баланд тоғлар.  
Осмони тор, чўққилари қилмиш сиёҳ —  
Сояларда қолар узоқ яшил боғлар.  
Юлдузларга яқиндек бу яйдоқ яйлов,  
Осмони кенг, қучоғи кенг Сариосиё...  
Сен тортасан юрт севгиси сенга сийлов...

## ҲАЛОЛЛИК

Бордир икки оғайним, номлари Носир, Убай —  
Улар ишлар савдода — юртга берурлар озук,  
Савдо дейишим билан ҳайратга тушманг, ҳай-ҳай!  
Шоир ёмонлаб, дерсиз, қоқади қилиб қозиқ.  
Йўқ, азизим! Бу дўстлар сен билан мендан покроқ,  
Ғоят иши мураккаб, мушкулу ва сертаъна.  
Бир тийин ҳақинг ўтса тунни ўтказар уйғоқ,  
Қалби пок, қўллари пок — бу ишда бор зўр маъно.  
«Еса ҳам, емаса ҳам бўрининг оғзи қонмиш...»  
Ола қарама асло, уларни ҳам қадрла —  
Нонни ҳам, новотни ҳам, ёғни ҳам берар улар.  
Кунингга қодир, ёмон сўзингга ҳам қодирлар,  
Озиқли от ҳоримас, озиқсиз фил ҳам қулар,  
Аммо дўстлар, «сержанжал» номи ҳам оз-моз

қора —

Бу соҳа мардларига керак ишонч, муҳаббат!  
Тагсиз алжишлар асло қилмасин дилни пора,  
Ҳалол инсонлар боғи бўлсин доимо обод!

## МОСКВА ЭСЛАТИБДИ ТУҒИЛГАН КУНИМ...

Шоирнинг туғилган куни яқин деб,  
Москва эслатибди менинг ҳақимда...  
Сенга, азиз Пойтахт, таъзиму салом!  
Тошкентлик ўғлинг ҳам буюк оқимда —  
Икки юз қирқ миллион халқнинг биттаси.  
Икки юз қирқ миллионлик сафда у дадил,  
Ўзинг шаҳарларнинг буюк отаси,  
Ҳеч қачон ўзгармас садоқатда дил.  
Саркарда эмасман, арбоб ҳам эмас...  
Аммо элга таниш камтар овозим.  
Фақат бир шоирман — касбим шарафли,  
Шоирлик ҳам азиз, масъул лавозим.  
Каминанинг эллик ёшга тўлганин  
Билиб, табрикларсан, бу мен учун бахт.  
Ҳеч нарса керакмас, бутун умримга  
Шунинг ўзи етар, жонажон Пойтахт!



\* \*  
\*

Илгари Курра дердик, Дунё дердик, Ер юзи...  
Уша Дунё дегани бўшлиқда юрган бир Шар.  
Дафъатан кўролмоқда Куррани инсон кўзи,  
Анча-мунча кичрайиб қолгандай буюк башар.  
Тафаккурга йўқ поён, дунёнинг ўзи кичик,  
Шар узра мағрур юрган Инсон тафаккури чўнг.  
Тўқсон минут ичида Ерни айланиб чиққан  
Бебаҳо у модданинг хизматига йўқдир сўнг.  
Шар... яъни, юм-юмалоқ, болалар қўлидаги  
Учиб юрган шарчадек, лекин мағзи тўқ ёнғоқ.  
Денгизу океанлар, буларни ўпган тоғлар...  
Сенинг буюк кафтингда айланади, унга боқ!  
Айқириб, тўлқин отиб, тошиб оқаркан дарё —  
Бу гўё қон томиринг, ғоят кичрайди башар.  
Бизнинг замонга келиб, тафаккур ила дунё —  
Ер юзи бўлиб қолди ғоятда кичик бир Шар.

## УРОҚДА ЙУҚ, МАШОҚДА ЙУҚ...

Қиш чиллада карталарга бердик яхоб,  
Чақса ҳамки изғиринлар, бўш келмадик.  
Иссиқ уйдан чиқмадилар мулла Ваҳоб,  
Чиққанман деб айтибдилар, биз билмадик.

Қорлар эриб, бошланди иш — қизғин меҳнат,  
Ер ҳайдадик, зовурларни қилдик равон.  
Мулла Ваҳоб ўтмиш ишин қилиб миннат —  
Тўй-тўйлашиб кун ўтказди — тирик товон...

Далаларда қанот ёзди аввал баҳор,  
Чигит экдик, жонажон юрт бой бўлсин деб.  
Мулла Ваҳоб ичиб юрди кўп беқарор,  
Иш бўлмасин, ош бўлсин деб, мой бўлсин деб.

Икки қулоқ бўлиб чиқди ердан ғўза,  
Азаматлар кифти куйиб, берди ишлов,  
Мулла Ваҳоб ифтор кезиб юрди, рўза...  
Тўрт чапани ичра ҳар кун бураб мўйлов.

Шоналади ғўзамиз ҳам, мироблар шод,  
Қатта ҳосил — катта тўйдан бериб дарак.  
Мулла Ваҳоб ўқиттирди мушкул-кушод —  
Ишчи чаппа, юрак бўлган бир дардарак...

Куз ҳам келди, далаларда қизғин терим,  
Хотин-халаж, эркагу ёш енг шимарган.  
Вит деб қочди, кўринганга қаттиқ бетим,  
Мулла Ваҳоб бел оғритмай хўп семирган.

Ўроқда йўқ, машоқда йўқ... тўйда ҳозир,  
Мулла Ваҳоб гиж-банг урди чирмандани.  
Қувлик қилиб, тўйда бўлмоқ эди нозир,  
Мард йигитлар қувиб солди шармандани.

## БУТАЖОН НЕГА СЕМИРИБ КЕТДИ?

Семириш яхши нарсa, агар ишлаб семирсанг,  
Кулкига иноқ бўлиб, дилни хушлаб семирсанг,  
Ялангтўш Бўтажондай яримтани урволиб,  
Яримта бу ёнда-ю, дўстни муштлаб семирсанг.

Фарзанд ила иши йўқ: ўқишга борадими?  
Оилага ҳуши йўқ, нима етишмас, ками...  
Ишга деса қочади, беданадек қадами,  
Ҳар куни жўжахўроз — чойхона ичра бир чанг.

Умариш, юлиб қолиш ғояси бўлиб қолган,  
Бир каттакон ўғрининг сояси бўлиб қолган,  
Чиябўри — юлғичлар дояси бўлиб қолган,  
Тонгдан то оқшомгача ўтиради бир зил санг.

Ишламай еган-чун баданида суви кўп,  
Гўнг тепадек этлари увушиб ётар тўп-тўп.  
Бир еридан ушласанг, бир ери сўкилар хўп,  
Бу бир қоп гўштни кўриб, бўлиб қолдик ҳангу манг.

Билгин, хом семиришнинг йўқ асло хосияти,  
Фақат емак, ичмакмас бу қайноқ ҳаёт тоғи,  
Танинг тўла пай бўлсин, қудрат — йигит қаноти,  
Семизларга ҳам керак жиндаккина ақлу онг!

## ТАЙЁР ГАПЛАРИ КЎП ХАЛТАДА

Бизнинг бошлиғимиз ишбилармон жуда,  
Мажлисга куч берар, мажлисда гап кўп.  
Ҳар куни уч бор мажлис, эрта тушда, кечда...  
Яна эртангисин ўйлаб қўяр хўп.  
Залга тўпланганмиз, зал бўлса совуқ,  
Ўзлари ҳам минбарга чиқар пальтода.  
Бизнинг бошлиғимиз билмаган гап йўқ,  
Тайёр гаплари кўп халтада.  
Эшиклар танбалаб қўйилар, яна  
Кимса чиқмасин деб турар қоровул.  
Каттамит гапирар, ишланг, дер, ана —  
Ўзининг калласида футбол... қирғовул...  
Эшиклар танбалаб, қиламиз мажлис,  
Ваъзлар айтамит, ваъзда гап кўп,  
Бугун уч бор қилсак, каттамит — раис  
Эртангисин пишитиб қўядилар хўп.  
Сизлар ҳам мажлис қилинг, танбалаб эшик,  
Ҳеч кимни чиқарманг, ўтирсин қотиб.  
Агар ҳомиладор бирон хотин бўлса,  
Шунда туғсин, қарорга тиркаб қўяр қотиб.  
Бирон бевош киши чопиб чиқиб кетса  
Қоровулга айтинг, тутиб келиб урсин!  
Ахир, мажлис деган мажлисдек бўлсин-да!  
Ҳамма музлагандай қотиб ўтирсин!  
Бизнинг бошлиғимиз ишбилармон жуда,  
Мажлисга куч берар, қачон тўямиз?!  
Ҳар куни уч бор мажлис — эрта, тушда, кечда,  
Яна эртангисин ўйлаб қўямиз...

## САТАНГ

Кеннойимлар бир кўришда қаймоққина,  
Ўзлари ҳам бублик нондек оппоққина,  
Киприк пайванд, тирноқларда қизғиш хина,  
Турмайдилар ўн биргача тўшаклардан...

Зиёфату базмларга суяги йўқ,  
Марваридлар кўмиб кетган, няги йўқ,  
Атлас кияр, почасининг жияги йўқ,  
Сочларининг фарқи йўқдир хашаклардан.

Она билан овсин бўлган хизматкори,  
Эшикда шай шофёр йигит — Ҳикмат қори...  
Тажангроқлар, маҳалланинг дилозори,  
Бақирганда қолишмайди эшаклардан.

Кеннойимнинг оҳ-воҳи кўп, инжиқроқлар,  
Йигитларнинг қаршисида ноз-фироқлар,  
Ишга деса буришади оқ дудоқлар —  
Фарқи қолмас буришганда туршаклардан.

Ҳамма ишлар, битта-ю, бир оиймтилла,  
Иш ўрнига ўйлаб топар найранг, ҳийла,  
Бошидаги сиркасининг боқса жилла,  
Соч сабил ҳам қолишмас попишаклардан.

Кипригию тирноғию қошни бўяр,  
Бўйди у ҳамма ёқни, бўяб еяр,  
Қўлларига куҳлаб, яна ҳидлаб кўяр,  
Ғазаби ҳам ўтиб кетар мушаклардан.

Бундайларнинг шўралаб тушгай жамоли,  
Қариндошу фарзанднинг ургай уволи,  
Бу хотиндир оила, эрнинг заволи,  
Бахт ҳам чиқиб кетар бу эшиклардан.

## ЭЗМА

Дунёда бўлган экан эзма бир замон,  
Шухрат истаб, улар тушган бир-бирининг пайига,  
Гаплашиш-чун келишибди бир-бирининг уйига,  
Йиллар ўтиб кетибди-ю, гаплашишаркан ҳамон...

Ушаларнинг уруғими, яна бир икки эзма —  
Олти ойлик озуғи-ла гаплашгани келибди.  
Саккиз соат вақтим олиб, бу ҳеч гап деб кулибди,  
Эй, гап ипин зўр ғалтаги, чўзил, ипингни узма!  
Эй, ноинсоф — вақт ўғриси, соатларни совурган шахс,  
Эй, кунларин мазмуни йўқ, эй кўпик умр, эй сақич...  
Вақир-вақир, шивир-шивир, висир-висир... эртаю-кеч,  
Қачон тугар гапларингу бу тилгинанг қилган «рақс»!



## ТАНБАЛЛИК НИМА

Танбалликнинг уч сабаби ҳаммага маълум бу кун,  
Биринчиси: сен дон экин, мен уни ейман дейди.  
Иккинчиси: маъмурликда оч қолар, яшар юпун,  
Учинчиси: қарори йўқ, қунти йўқ, юрар дайди...  
Қўйиб берсанг ухлайди у кун бўйи бир хилватда,  
Кечқурун яна ухлар — бу «луқмайи ҳалоли...»  
Бўрсиқдек семиради, аммо пайлари латта.  
Ишламай тишламоқлик эртаю кеч хаёли.  
Паловтўра сузилса бедона юриш қилар,  
Лабнинг таноби қочган, бормиз дер шундақага.  
Ишга деса қочади — безгаги хуруж қилар,  
Бир кавакни топволиб, ўхшаб ётар бақага.  
Узимизнинг ҳашаки ялқовлар қотади лол.  
Ўз ишига ҳам ялқов, юрти ишига ҳам ғов,  
Ўқишида ҳам ялқов, тўғрироғи у бир мол...  
Ялқовлик — кони зарар, ялқовларнинг йўлин тўс,  
Ялқовлик — жамиятнинг қонига тушган вирус.

## ЭШМАТВОЙНИНГ ҚУЛОҒИГА АЙТИБ ҚҰЙИНГЛА-А-АР!

Ақли кириб қолар дедик, кирмаяпти —  
Упкасини қўлтиқлабон юрар Эшмат.  
Юрт ишини ҳеч назарга илмаяпти,  
Дўппи қинғир, устларида эски пешмат...  
Ўзинг кимсан, ўзлигингга боқ дейдиган  
Бир азамат чиқмаяпти бир томонда.  
Эрта-ю кеч чойхонада ташир лаган,  
Совуқ қилиқ, лабларида сохта ханда...  
Жиндаккина улфати-ю — «тамали» бор,  
Беш тийин-чун дўст юзига салади чанг.  
Димоғ ўлгур етти қават — амали бор —  
Идорада «яшанг, яшанг», уйда тажанг.  
Манфаатдор кимсаларга чўкади тиз,  
Илжаяди, ўйин қилиб иржаяди.  
Кўпчиликка боқмоқ учун қолмаган юз,  
Кичикларга куйган калла — тиржаяди...  
Қачонгача риёкорлик давом этар,  
Биз томонда уни дерлар «Эски пешмат».  
Айтиб қўйинг ошнализнинг қулоғига,  
Упкангни, ҳо-о-о-й, босиб олгин жиндак,  
Эшмат!!!

## БИР ФИТНА ШАХСГА

Тағин ҳам осмоннинг ғоят бағри кенг...  
Йўқса, алжишларинг, нолишу ғийбат,  
Бўғиқ хонангдаги ачкиқ ругубат,  
Қора булутларга бўлур эди енг.  
Яхши ҳам осмоннинг ғоят бағри кенг,  
Йўқса бўғар эди ғийбатинг ипи,  
Йилтироқ пашша ҳам келмас сенга тенг,  
Яхши ҳам осмоннинг йўқ экан шипи.



Юзни кулдириш осон, юракни мумкин эмас,  
Бир совуқ хулқ ишқ гулин ногихон қилди хазон...  
Қосадек синди чил-чил, дил энди сени демас —  
Боғларни босди бирдан баҳорда аччиқ тўзон.



Қалб тепар гурс, гурс, гурс... бу, дил хитоби,  
Туғён урар қалбда пинҳоний дардим...  
Жонимга жон берди севгинг офтоби,  
Юз йил илгари ҳам сени севардим.

\*\*\*

... га.

Умринг ўтажак, ғам тугамас, ёр кутарми...  
Доно кишики ғам ила ғамнок ўтарми.  
Ҳар ишки тушибди, нетасан, бор чегараси —  
Ғамни унут, ақли расо дилда тутарми!



Мен ўлим билмайдиган кимса, яъни рўйинтан,  
Жоним тилсим этилган мурғаклар сийнасига.  
Авлодим яшар экан, саломат экан Ватан,  
Мен яшайман умрбод, омад бериб наслга.



## РУС ДАРЕЛАРИ

Дарё бўйига боринг, бағишлар сизга қудрат,  
Қалбнинг қил томирлари бўлади мисли дарё...  
Мусаффо бўлар фикр, сийнадан учар ғурбат,  
Тўлқину оқмоқ яхши — ҳаракат демак дунё.  
Икки улуғ дарёнинг қўшилмоқ еридаман:  
Руснинг зўр дарёлари Волгаю Ока оқар.  
Бунақанги дарёлар дунёда иккитадир —  
Иккиси ҳам шу эрур, бутун дунёга татир.  
Икки уммон, икки куч, икки мислсиз ҳаёт  
Бу ерда қўшилмоқда, топмоқда бир-бирини.  
Улар келган йўл босиб, гўзал опа-сингиллар  
Жонлантириб, бойитиб, қучоқлаб Рус ерини.  
Бу дарёлар сувидан қудрат олди улуғ Рус,  
Ленин ҳам шу дарёлар сувидан ичган эди.  
Шу муқаддас дарёдан ичдим, қалб тепди дуруст,  
Шу муқаддас дарёни Горький ҳам кечган эди.  
Рус қалбининг тимсоли Волгаю Ока дарё —  
Қудрат тўла мавж урар, ғоят буюк, ғоят чўнг,  
Сайхуну Жайхунимнинг ажралмас биродари,  
Ҳузурингизга келдим, ассалому алайкум!

*Горький шахри*

## «ДВИГАТЕЛЬ РЕВОЛЮЦИИ»

■ *Зводида шеър ўқиш*

Цех улкан, ойнавон шиплар кўк ўпар,  
Гумбурлар моторлар — қудратли нидо...  
Рельсларда ҳансираб поездлар чопар,  
Катта бир шаҳримиз бўлғусидир жо...  
Мен ўқийман шеър, мингларча кўзлар  
Ўзбек шоирига қадалди бир зум.  
Янгради цех ичра ўзбекча сўзлар —  
Эъзозлари қарсак, севинч, табассум...  
Барча қарсак урар, бутун цех бирдек,  
Манзур қилолдимми шеъримни пича —  
Гўё Маяковский бу ерда бордек,  
Қошки эди бўлсам юздан бирича...  
Мен она тилимда ўқидим шеърим,  
Шеърим бағишланган буюк дўстликка.  
Тилим билмадилар, билдилар дилим,  
Қадоқ қўл ишчилар турарди тикка...  
Биров комбинзонда, қўлида қўлқоп,  
Биров енг шимарган, бармоқ қора мой.  
Биров ҳайратланиб келганди шу тоб —  
Улкан дастгоҳига бир зум қарамай.  
Биров кўзойнакда, мўйловлари шоп —  
Оқсоқол ишчидир — ветеран балки,  
Биров — ҳали дўмбоқ, балки у кашшоф,  
Кечагина келган, лабларда кулки.  
Мен ўқийман шеър, қуёшли ўлкам —  
Боғларим ҳуснини келтирдим бунга.  
Гўё оташ цехда кашф этди кўклам,  
Ўзбеклар қалбини бахш этдим сенга.

Сенга олиб келдим, эй шимол юртим,  
Бир варақ бўлса ҳам ўлкам тотини.  
Узум де, анор де, балки шафтоли...  
Не десанг ҳам бўлар унинг отини.  
Мен она тилимда ўқийман шеърим,  
Шеърим бағишланган буюк дўстликка.  
Тилим билмайдилар, билдилар дилим...  
Ишчилар тингларди туришиб тикка.

*Горький*

## ЙЎРГАКДАГИ УҚУВЧИМГА

*(Фарғоналик Солижон «Умид» романимни ўқиб, биринчи фарзандининг номини Умид қўйибди)*

Уқувчим кўпаймоқда, бу — менинг бахтим демак,  
Катта бўл, азиз фарзанд, юрт ишига муносиб.  
Шу юртдандир бахтимиз, камолу нону намак,  
Катта бўл, катта ишлар сенга ҳам бўлсин насиб.  
Сен ҳали йўргакдасан, танимайсан бизларни,  
Дунёнинг иши ила на хушу парвойинг бор.  
Фарғонада туғилдинг, замининг ғоят қутлуғ,  
Сен фақат жавдирайсан — тепангда онаизор...  
Юрак тўла орзулар — Умид деб қўйибди ном,  
Отанг-онанг нияти — парвоз эт, митти лочин!  
Балки олим бўлурсан табиатни қилиб ром,  
Балки космонавтдирсан, Марсга етур қулочинг,  
Балки ишчи бўлурсан — бир ўзинг бошқарурсан  
Бутун бир буюк цехни, бармоқлар кнопкада...  
Балки бир миқти солдат, юрт постида турурсан,  
Балки сен ҳам бўлурсан ғоят меҳрибон падар,  
Орзуларнинг чеки йўқ — ҳар ота қалби шундай —  
Хуш келибсан дунёга фарғоналик митти шер!  
Гўзал ерда очдинг кўз, улуғ юрт доимо шай —  
Ҳамма нарсадан азиз — инсон, яъни, сени дер.  
Мен сени кўрмаганман, эй бўлғуси полвоним,  
Аммо билиб турибман, ўсасан, ортсин кучинг.  
Мулоҳазалик бўлгин, қалбинг кенг, олижаноб,  
Аждодга эҳтирому яшарсан авлод учун.  
Сиз; фарзандлар бор экан, шоир билмайди ўлим —  
Келажак боғларида сиз ила яшагайман.  
Фахр этсин отанг, яъни юртинг фарзанди бўлгин,  
Китобим-ла ҳамма вақт юртим ишига шайман!

## ИШЧИЛАР

Катта-кичик демаклик ғоят нисбий бир қиёс,  
Юпитернинг олдида Ер куррамиз бир нуқта.  
Миллиард йил югурса-да ета олмайди зиё,  
Зотан, гигант юлдузлар кўпдир чексиз бўшлиқда...

Сен ҳам юлдуз мисоли кўпсан, чақнайсан қийғос,  
Юпитерча қалбинг бор, сен паҳлавон ишчисан!  
Сен ўзинг катта инсон, каттаман деганлармас,  
Айлантириб турибсан — куррамизнинг кучисан.

Юксалмоқда авлодинг юртинг бахтига омон,  
Ишлайсан, ер неъматидастурхонинг узра шай.  
Қимсага мутемассан, қаддинг бўлмайди камон,  
Ҳовлинг тўла райҳонинг, шафтолилар... зўр гулшан.

Улкамнинг тўқсон тўққиз фоизи ана шундоқ,  
Яхши ҳам ана шундоқ! Яхши ҳам биз ишчимиз!  
Мақсад: бойиш, талашмас, Инсонни бахтли қилмоқ,  
Шу ишга, шу мақсадга бағишланган кучимиз.

Мақсадсиз ҳеч инсон йўқ, қалбда ишқу эътиқод  
Бўлмаса жонивордан қолмас эди фарқимиз.  
Боғдаги мевалар ҳам уруғсиз бўлмагандай  
Эътиқод-садоқатсиз бўлмагандир халқимиз.

Баъзан бўласан тажанг кўриб текинхўрларни —  
Қонинг соғ, қайноқ ва пок «микроб»лар яшай олмас!  
Сенинг қўлинг етмоқда юлдузлар оламига,  
Қўлим узун деганнинг қўллари бўлмоқда паст.

Сен ишчисан, Ер ўғли, оёғинг остида Ер —  
Қушлар ҳам, булутлар ҳам чақмоқ-метеорлар ҳам  
Сенинг ёнингга тушур, сен отасан, сени дер,  
Сен ўзинг мавжудотни ушлаб турасан маҳкам.

Тиним кунларин билмай, партиям, элим деган  
Пахтакор ўзбекларнинг меҳнатин бир чамаланг!  
Беш минг ёш... боболаринг Шаку Суғдиёнлардир,  
Самарқанд — ифтихоринг, кулиб турган жамолинг.

Қатта, кичик демаклик ғоят нисбий бир қиёс,  
Юпитернинг олдида гарчи Еримиз нуқта,  
Эй, азалий бу Ернинг қонуний фарзандлари —  
Ишчимиз, биз яшаймиз ҳақ ила ёруғликда.

## ИЛЬИЧ ТУҒИЛГАН ШАҒАРДА

Қатор ёғоч уйлар бор Ульяновск шаҳрида,  
Машаққатли йилларни ўтиб, турар ёдгор.  
Атрофда қад кўтармиш арзу самога етган,  
Гўзал, буюк бинолар... умри ғоят пойдор.

Пастак ёғоч уйларни асраймиз, муқаддас у,  
Девқомат фарзандларнинг ёнида гўё она.  
Шу пастак ёғоч уйда дунёга келди Ильич,  
Озод фикр туғилди, у қамради дунёни...


Шу оддий ёғоч уйлар қалъа бўлди, инсоний  
Тенглик ва бахт ғоясин бўлди зўр истеҳкоми.  
Дунё тургунча турар Ильич туғилган шаҳар —  
Дунёча абадийдир Ульяновскнинг номи.

Қасрларда ишрату саройларда талашлар...  
Асрлар силсиласи барига берди барҳам,  
Пастак ёғоч уйларда дунёга келди Ильич —  
Инсонлар қадрдони — дардига бўлди малҳам  
Россия шаҳарлари... замонавий ва гўзал,  
Баъзан ёғоч уйлар бор, улар асрий обида.  
Озод фикр жарчиси Некрасов чиққан унда,  
Муқаддас бу уй яшар озод халқлар қалбида.

Россия — қисқа ному мазмуни беҳад катта  
Синалган у оғамиз, синалгандир улуғ Рус.  
Рус — у буюк океан, қитъаларни тўлдирган,  
Россия ғоят буюк, рус қалби ғоят дуруст!

Пастак ёғоч уйларни асраймиз, муқаддас у,  
Девқомат фарзандларнинг ёнида гўё она,  
Шу пастак ёғоч уйда дунёга келди Ильич,  
Озод фикр туғилди, у қамради дунёни...





## ДОСТОНЛАР



## ЛУИЗА ФОЖИАСИ<sup>1</sup>

### БИРИНЧИ ҚУШИҚ

Фердинанд гоҳ келар, дил ташна,  
Деб:— Луизам, қани ул пари?  
Дилни сероб этгучи чашма,  
Қани, кўнглим севган каптари...  
Гоҳ маъшуқи билан боғларда  
Сайр этганда ойдин кечалар  
Ҳис этарди бахтиёр ўзин.  
Миллер бўлса музика чалар...  
Ҳайҳот! Бу гал мунгли Фердинанд,  
Ёвуз ният чулғамиш бошин.  
Келар экан алданган юрак,  
Қўлларида тутиб ўч тошин.  
Юзларидан англарди киши  
Мудҳиш ғазаб алангасини.  
Дук-дук урган қалбнинг сасини  
Мумкин эди тинглаб билиши.  
Кулган чирой билан шу куни  
Кутиб олди Луиза уни.  
Эй покиза, моҳир ўй санам,  
Кўзларига олиб қиттай нам,  
Овламоқчи бўлди кўнглини,  
Қаршисида турган мунглини.  
Йўқ! Фердинанд чекилмас ғамдан,  
Алданган дил тайёр ўч учун,  
Шафқат буткул қочганди ундан,  
Нега қайғу чекар у, нечун?

<sup>1</sup> Машҳур немис шоири Фридрих Шиллернинг «Макр ва муҳаббат» пьесаси асосида ёзилган.

Билмас эди Луиза уни,  
Унинг қалбдан чеккан оҳини,  
У бир йўла қилмади писанд.  
Аммо жиддий манглай Фердинанд  
Интиқомни ўйларди ёмон...  
Бир бор сохта у кулгансимон  
Бўлиб қизга қилди табассум.  
Э бечора, покиза, маъсум,  
Илгаридек севинди шу он.  
Гулдек яшнаб, бўлиб бир жаҳон,  
Фердинандга топширди ўзин,  
Рухсорига тикиб жуфт кўзин.  
Лекин

Қўлини кўтариб баланд,  
Пиёлани ушлар Фердинанд.  
Севинч ошкор қилиб сасида,  
Уша мудҳиш пиёласида  
Лимиллаган хиёнаткор сув —  
Лиқ этди-ю, қалбга бетўсув  
Тушиб кетди, Луиза аммо  
Шундай ғофил қолди... муаммо!..  
У узатди. Қиз аста олиб,  
Иффат бирла пича уялиб,  
Лабларига олиб келди-ю,  
Кўзларини қисиб қўйди-ю,  
Ҳайҳот, ҳайҳот... Шимирди уни,  
Ёр қўлидан олди оғуни.

Бўғар экан жон кушандаси,  
Азроилнинг севинч хандаси,  
Яна бир бор Миллер уйида,  
Музиканинг йиғлоқ куйида  
Қулоқларда акс этар бўлди,  
Севинч мангуга кетар бўлди.

## ИККИНЧИ ҚУШИҚ

ЛУИЗА

Оҳ, Фердинанд, бахтсизсан ўзинг.

ФЕРДИНАНД

А, мен бахтсиз? Ким айтди сенга,  
Қани айтчи, маккора менга!  
Сен шундайин махлуқки, ҳали  
Дунё-дунё бўлиб сен каби  
Қалби ифлос, одам қиёфа...  
Менга айтчи, қайси зиёфат  
Ва қайси дил туйғуларини,  
Қимнинг жон-жон деб суярини,  
Қумсар кўнглинг, айтгин эй беор,  
Дилларингни айлагил ошкор,  
Нега, нечун бахтсиз Фердинанд?!

ЛУИЗА

Улуғ танграм...

ФЕРДИНАНД

Дардинг бедаво!  
Эсиз, шундай чирой бенаво.  
Иблис макр ўйлаб эрта-кеч,  
Бундайини топа олмас ҳеч.

ЛУИЗА

Фердинандим, бу сўзлар сенинг  
Ўз Луизанг учунми?

ФЕРДИНАНД

Йўқол!!!

Шу лоладек юзларинг билан,  
Жон олғучи сўзларинг билан  
Ва фусункор кўзларинг билан  
Чекил мендан, менга сен шу чоқ  
Кўзларимга кўриндинг олчоқ!

Қандай ширин, Луиза, ўйла  
Ўпишганда биринчи сен-ла,  
Лабларингдан «Фердинанд» ва «Сен»  
Деган сўзлар узилганда мен,  
Олам-олам севинчга тўлиб,

Масрур ёшга кўзлар кўмилиб,  
Қучоғингда ўша фурсат — он  
Айлагандим қалбимни баён.  
Эй Луиза, Луиза, нега  
Вафосизлик қилдинг сен менга?

ЛУИЗА

Нега менга шунча ҳақорат!  
Таънадандир сўзинг иборат,  
Синди таянч, бардош ҳассаси  
Ва лиқ тўлди сабр косаси.  
Энди нетмак керак, нечора,  
Ераб, ўзинг амр айла, зора  
Ўйларида уйғонса баҳор,  
Дилларига севинч солса ёр...

ФЕРДИНАНД

Айт, Луиза, кўнглинг кимни дер?  
Ким экан у иссиқ жазман эр?  
Қўйнингга қўл солган кимдир у?  
Қайси барно ва қайси сулув?  
Айтгин сен, эй беномус малак!  
Бу шам ёниб бўлгунча ҳалок  
Бўлғусидир вужудинг сенинг!  
Айт, бу мактуб — бу ёзилган хат  
Сеникими моҳитабон қиз?

ЛУИЗА

Сен нималар дейсан, сўзларинг  
Вужудимни лол қилди менинг,  
Наҳот шундай десанг, Фердинанд?

ФЕРДИНАНД

Худовандга ичаманки онт  
Гуноҳкорсан, ўлишинг керак!

ЛУИЗА

Заҳар... Улим...

ФЕРДИНАНД

Ҳа, сенга ўлим!

ЛУИЗА

Оҳ, зимистон бўлмоқда олам,  
Қимга етур фиғоним — нолам,  
Энди бекор бардошу тоқат;  
Мен онадан туғилиб фақат  
Бир мартаба ёлғонни тилга  
Олдим, аммо йироқди дилга.

Эй, Фердинанд, жонгинам менинг,  
Сендан йироқ қилган у сенинг  
Ўз отангдир...  
Уша кунни ёзарканман хат,  
Сенинг чеҳранг фикримда эди.  
Аммо ўзга зикримда эди,  
Асира қўл қилди хиёнат.

ФЕРДИНАНД

Луиза...

ЛУИЗА

Жим.

ФЕРДИНАНД

Кечир...  
Луиза,  
Оҳ, жонгинам,  
Кечикдинг, макр маҳв этди мени  
.....

ФЕРДИНАНД

Емон хато ўтди, зеро қиз  
Бу сафарга эмассан ёлғиз.  
Мунча менга устма-уст ситам!  
Хиёнаткор, эй маккор отам,  
Чидолмайман, чидолмайман, эй

Шум салтанат эгаси, сен эй  
Ҳақиқатни йўқотган офат,  
Эл бошига битган касофат!  
Етолмади қиз армонига,  
Аммо нопок дил фармонига  
Бош эгмади севгимиз... Қани,  
Қани кескир қиличим, уни  
Қўтараман зулмга қарши!

*1939 йил. Тошкент*



## ДУНАН

У, қорача,  
                                норгул  
  ва новча —  
Суяклари йўғон,  
  кифти кенг.  
Ҳали ер кўрмаган елкаси,  
Қишлоғида йўқдир унга тенг.  
Ана!  
                                Ўзи турар,  
  дўппи яримта...  
Унинг қоши қоп-қора,  
  қуюқ.  
Белга боғламишди, бўшгина —  
Зангор,  
                                сариг —  
  уч қават қийиқ.  
Оёғида баланд пошна этик,  
Елкасида янги чопони.  
Белбоғида дандон соп пичоқ,  
Унинг номи:  
                                «Дўнан чапани».  
Лекин  
Дўнанвойнинг бағри ёнар эди,  
Севги уни қилмиш беқарор...  
Узоқ кечаларда  
  ёрни ўйлар эди,  
Юрагида яшар эди ёр.  
Пахса девор каби кўкраги

Ишқ олдида бўлипти юлқа,  
Етар, турар...

Йўқдир ҳаловати  
Гоҳо ёрдан қиларди ўпка...  
У туради канал кўпригида,  
Тикилади мавж урган сувга.  
Мана,  
биринчи бор,

шу ерда —  
Қўл солганди бағрига севги...  
«... Савил қолсин,

нимасига тегай?  
Беданасигами, чопонига?  
Нима бўпти?

Битта чойхоначи,  
Қим тегарди у чапанига!..»  
Шундай депти қиз колхозида,  
Шундай бўпти унинг жавоби.  
Дўнан куйди,  
Дўнан ёнди,  
Қизга ёқмай қопти, ҳисоби...  
Қишлоғида ҳеч йигит бундай —  
Эшитмаган эди терс жавоб,  
Ҳаммаси ҳам уйланишиб олган:  
Қосим сўтак,

Нажим,  
Нор,  
Ражаб...

Бундай чаккасини қашлади,  
Мана муҳаббатнинг азоби.  
Наҳот шундай дейди?  
Наҳот шундай деса?  
Наҳот шуни айтолган Зеби?..  
Йиллар ўтди.

Машаққатли йиллар.  
Ўтиб кетди кураш,

жанг-жадал.  
Дўнанвой ҳам жангдан ғолиб қайтди,  
Кўкрагида олтита медаль.  
Синов йилларида

бизнинг Дўнан  
Пўлат каби тобланди,  
мана!

Ҳамон юрагида ўша Зеби,  
Ўша оқшом...

Дўстлар ва канал...

Жангдан қайтгач,  
Тракторга минди.  
Энди эрмак эмас бедана!  
Жангар туллаклару,

«тезотар»лар.

Дўнанвойга бўлди бегона.

Туш пайтида,  
Куннинг тигасида,  
Келиб қолди ҳаллослаб кампир.  
Бир қўлида челак,

чўмич,

товоқ,

қошиқ,

Бир қўлида нон ва қалампир.  
Дўнан аста трактордан тушди,  
Намлаб олди қақроқ томоқни.  
Кампир мошхўрдадан сузди  
Лимиллатиб катта товоқни.  
Терга ботиб мошхўрдани ичди,  
Чўмилгандай бўлди дарёда.  
Терлаб-пишиб ичсанг  
Мошхўрдадан —  
Ширин овқат йўқдир дунёда...

Қош қорайгач,

қайтди даладан,

Муздек сувда ювди юзини.  
Аввалгидек бели оғримади,  
Қушдек енгил сезди ўзини.

Кўйлагини қоқди,

Этигини артди.

Яктагини солди елкага,  
Вўзаларга қараб режа тузиб қўйди.  
Режа тузиб қўйди эртага.

Бир оз юргач,

Еш болани кўрди.

Бола чопиб келди Дўнанга:

— Юринг, сизни кутиб турибдилар,



Сув ичамиз.

Юринг булоққа...

Мана,

муздек,

тиниқ,

шиша булоқ,

Жимирлайди тагида тоши.

Диққатингни тортар ўзига

Кумуш сувнинг тинмай қайнаши.

Тепасида синиқ,

яримта

Тегирмонтош ётар қадимдан.

Бир томонда азим туп сада,

Атроф кўм-кўк, гилами чимдан.

— Зеби... —

деди Дўнан,—

Икки кўз

Жимжит бир-бирига тикилди,

Кейин, аста ерга боқди Зеби,

Ерга боқди ва пиқ-пиқ кулди.

— Кўпдан бери сизга айтадиган

Юрагимда бир гапим борди...

Зеби индамади.

Дўнан тутилди

Ва адашиб қолди гапидан,

Бир ниманинг келди шарпаси,

Дик туришди булоқ лабидан.

Аланглашди атрофга,

фақат

Утлаб юрар эди бир бузоқ.

Олдинда-чи,

қумни ўйнатиб,

Қайнаб-қайнаб чиқарди булоқ...





## ШИРОҚ

### МУАЛЛИФДАН

*Бу воқеа мелоддан илгари 519 йилда бўлган. Лекин у ҳозир ҳам ва бундан кейин ҳам жуда ибратли бўлиб қолади. Утмишга ҳурмат билан қараш чинакам маърифат-парварлик белгисидир, деган эди Фридрих Энгельс.*

*Эрон шоҳи Доро 1 катта қўшин билан икки дарё дртасида яшовчи аجدодларимиз—суғд, шак, хоразмий, массагет уруғлари устига бостириб келиб, талон-торож қилади. Шак уруғидан бўлган чўпон Широқ ўз жонини қурбон қилиб, душманни қумликларга чалғитиб олиб кетиб, сувсизликдан қириб юборади. Мислсиз қаҳрамонлик кўрсатиб, ўз мамлакатини босқинчилардан асраб қолади. Шу ер фарзанди бўлишим сабабли ҳам бу баҳодирлик ҳақида куйламай иложим бўлмади.*

*Янги достонни Октябрь революциясининг эллик йиллик юбилейига бағишлайман.*





I

Қаюмарс <sup>1</sup>га тиз чўкиб, бош эг —  
Инсон зотин у ибтидоси.  
Қудратига йўқдир сира чек,  
Унга етсин шак <sup>2</sup>илтижоси.  
Уни Хўрмуш яратди ёлғиз —  
Бошин инсон, танин қилиб гов.  
Молу жондан йўқолмасин из,  
Суғд ва шаклар, бош эгинг дарров!  
Тиззага чўк, қўл узат ўғлон,  
Омад берсин улуғ Қаюмарс —  
Ёмғир ёғсин, унсин ўт-ўлан,  
Кўринмасин қашқиру йўлбарс!  
Учмас Оташ муқаддас сувга,  
Эй, фарзандлар, сиғининг ҳар вақт!  
Кўп-кўп суруғ қўшар сурувга,  
Унинг ўзи нажот, тенгсиз бахт...  
Кунчиқишда Яксарт <sup>3</sup>оқади,  
Кунботишда Окуз <sup>4</sup>урар мавж.

<sup>1</sup> Қадимги шаклар афсонасида айтилишича, Қаюмарс ер юзида пайдо бўлган биринчи одамдир. Унинг боши — инсон, танаси — ҳўкиз бўлиб яратилган эмиш. Қаюмарснинг (бир ривоятда уни Говамарда ҳам дейдилар) бошидан инсонлар, танасидан ўсимликлар, ҳайвонлар пайдо бўлган. Оташкада шак қабилалари ҳамма вақт унинг номини тилдан қўймай сиғинганлар.

<sup>2</sup> Шак (сак), суғд, хоразмийлар, массагетлар — мелоддан илгари Урта Осиё тупроғида яшаган уруғлар. Улар оташга ва сувга сиғинганлар.

<sup>3</sup> Яксарт — Сирдарёнинг қадимий номи.

<sup>4</sup> Окуз — Амударёнинг қадимий номи.

Бу ерларда шак мол боқади,  
 Эй, Қажумарс, ўтлоққа бер авж!  
 Гершасп<sup>1</sup> каби мард бўлсин ҳар ёш,  
 Қизлар бўлсин Томруз<sup>2</sup>дек гўзал.  
 Шак юртига нур сочсин қуёш,  
 Суғдлар билан қондошмиз азал.  
 Қабилалар, уруғлар доим  
 Иноқ бўлиб кечирсинлар кун.  
 Ел муътадил, ҳаво мулойим,  
 Юлдуз билан чарақласин тун.  
 Дарё бўйи у қалъаларда  
 Хоразмийлар яшасин иноқ.  
 Катта қумни кечиб келсинлар,  
 Шак элига бўлсинлар қўноқ.  
 Суғдлар юрти гўзал Мароқанд<sup>3</sup> —  
 Афросиёб кашф этган ўлка.  
 Қайхисравга бердик катта панд,  
 Ундан нари — буюк Марғиён...<sup>4</sup>  
 Кунчиқишда Чоч<sup>5</sup> бор, у туташ,  
 Кунботишда эзгу Бақтра<sup>6</sup>.  
 Сиғинаман эй, сўнмас Оташ,  
 Шак элига сендан бахт тилаб,  
 Гулхан ёнар, чўпон тиз чўкиб  
 Сиғинади, ёнида набира.  
 Атрофида жимжит қад букиб  
 Утиради бутун қабила...

## II

Қуёш ботар. Тунда у юмшоқ  
 Қумликларга чўкиб ётармиш,  
 Шу сабабли барханлар қайноқ,  
 Шу сабабли ҳарорат бормиш.  
 Кунни излаб баланд фалакка  
 Қўтарилар эмиш тунда ой.

<sup>1</sup> Гершасп — инсоният душмани Аҳраман девни ўлдирган паҳлавон.

<sup>2</sup> Томруз (Тўмарис) — шакларнинг буюк маликаси. Уша замонда қизларга бу номни қўйиш фахрли одат бўлган.

<sup>3</sup> Мароқанд — Самарқанд.

<sup>4</sup> Марғиён — Марв.

<sup>5</sup> Чоч — Тошкентнинг қадимий номи.

<sup>6</sup> Бақтра — Балх.



Юлдузларга қарамай, якка  
 Ерга сочиб турармиш чирой.  
 Тун чўкади, қанча қоронғу  
 Бўлса шунча ярқирар юлдуз.  
 Кекса чўпон мудрар беуйқу  
 Олтин тўла кўкдан узмас кўз.  
 Кунботишда турар «Торози»,  
 Еруғ юлдуз ғоятда чақнар...  
 Демак бу йил Хоумаварк ёзи  
 Иссиқ келар, далалар қақрар:  
 Сомон йўли жуда ҳам қуюқ —  
 Эгизакни кўп туғар қўйлар.  
 Кўпаяди сурувда туёқ,  
 Кўкка боқиб, чол узоқ ўйлар;  
 Пастқам уйлар, қамиш капалар,  
 Намат ўтов узра чўкмиш тун.  
 Гулхан ёнар, чол ўтин қалар,  
 Ёш-яланглар ўрамиш бутун.  
 Пода ухлар, гоҳ беҳаловат  
 Така маърар, вовуллар итлар.  
 Нор туялар тўкиб салобат,  
 Салқин ва тинч кечани қутлар.  
 Тиззаларда мудрар гўдақлар —  
 Чехраларда гулхандан шуъла.  
 Йиғи... кимдир бола йўргаклар,  
 Кимдир секин айтар ашула:

«Кўнглум ангар қайна-ю,  
 Ичтин ангар ўйна-ю,  
 Келди менга бўйна-ю,  
 Ўйнаб мени арғарур...»

«Кўклар қамуғ тузилди.  
 Ивриқ идиш тизилди,  
 Сансиз ўзум узалди,  
 Қалгил амул ўйналим...»<sup>1</sup>

Ўспиринлар тўдаси гавжум,  
 Қийқириқлар — отилган вулқон.

<sup>1</sup> Уйнинг ичида севиклигим билан ўйнашганимда кўнглим жўш урди. У ғурур билан келди, чарчагунимча ўйнашди. Ҳамма созлар созланиб, май косалар тизилди. Сансиз кўнглим бузилди, кел яй-раб ўйнайлик. («Девони луғатит турк»дан.)

Шулардадир қўшиқлар авжи,  
Вужудида қайнар иссиқ қон.  
Қўшиқ айтиб, тўда ичида  
Утирарди елкадор йигит.  
Шер тасвири бор қиличида,  
Бел тутишда бўлмаган йиқит...  
Отда бургут бўлиб чопади,  
Ўқ беҳато тутганда камон.  
Бўри зотин қўймас, топади —  
Чангалидан чиқмайди омон.  
Юриб толмас, югуриб толмас,  
Жайрон қувиб, ўқ узар отдан.  
Қўзларида бор дерлар олмос,  
Қилич кесмас — тани пўлатдан.  
Сарбаст қадди қабилага кўрк,  
Жонини асрар у мангу Оташ.  
Бошда қинғир сур теридан бўрк.  
Қирғий бурни, қошлари туташ.  
Қаюмарснинг нигоҳи тушган —  
Қоплон дерлар, дўнг манглай кўчқор...  
Ешлар уни бошлиқ тутишган,  
Билагида йўлбарсча куч бор.  
Қумликларни, даштларни, қирни,  
Ўтлоқларни билар мукамал.  
Сувлик ерни, сувсиз тақирни,  
Яхши билар, сўзида тамал.  
Айёрликка йўқ унда тоқат,  
Қалб эл меҳри билан туташган.  
Она ерга чексиз садоқат,  
Сиғинарди дилдан Оташга.  
Кекса шаклар йигит хислатин  
Кўпдан пайқаб юради элда.  
Широқ дерлар бу йигит отин,  
Қирқ йўлбарснинг кучи бор белда...

### III

Қочоқ эрга бўлгунча хотин,  
Баҳодирдан тул қолган афзал...  
Синдирмасин шаклар қаноти —  
Кунботишдан келувчи ажал.

Агар элни ёв босса, ҳар бир  
Аёл қўлга олади қилич.  
Ёв қонига бўялади қир,  
Қаюмарсинг номига онт ич —  
Эллар бўлсин дегин саломат!  
Тинч яшасин қизлар, ўғиллар...  
Қабилалар оқсоқоллари  
Ва барча эл соҳиби, буюк  
Саксфар<sup>1</sup> соғ бўлсин кўп йиллар!  
Қиш ойлари, баъзан аёллар  
Гурунги ҳам авжга чиқарди.  
Бундай пайтда сўғд ҳикояси  
Айтиларди. Хотинлар дарди —  
Хотин бўлмас, безанмоқ эмас,  
Дерлар, бўлсин вафодор, ҳамдам.  
Ахир йўлбарс ҳамма вақт йўлбарс.  
Эркаги ҳам, ургочиси ҳам...  
Хоразмда икки паҳлавон  
Қасос ила тушмиш майдонга.  
Икки ботир бел ушлашибди,  
Беламай деб ўлкани қонга.  
Ўз эрининг оёқ тагига  
Тариқ сочиб юбормиш аёл.  
Ботир тойиб ерга қулабди,  
Катта қўшин бўлиб қолмиш лол.  
У боқибди нопок хотинга,  
Шарт кесибди ўз оёғини.  
Лекин душман қалъага кириб,  
Вайрон қилмиш ҳамма ёғини.  
Йиллар ўтиб, душман кетибди,  
Аммо макр дилда бўлмиш доғ.  
Эл тошбўрон қилган нопокни —  
Пайдо бўлмиш тош бўронидан  
Вайрон қалъа четида зўр тоғ...  
Жон қулоғин тутиб тинглашар —  
Маккорликка бегонадир юз:  
Гўзал қиз ҳам бор эди бунда,  
Номи эди кичкина Томруз.  
Берган эди унга Қаюмарс.  
Тенгсиз ҳусн, ақлу латофат.  
Ҳамда мангу Оташ — муқаддас

<sup>1</sup> Саксфар — буюк қабила бошлиғи.

Кизни асрар, йўлатмас офат.  
У қабила урфу одати  
Шартларига содиқди доим.  
Одам танир — ўтқирди диди,  
Баъзан сержаҳл, баъзан мулойим.  
Баъзан отда югурган лочин  
Бир йигитни кузатар пинҳон.  
Баъзан ўйнар қоп-қора сочин,  
Баъзан қувноқ, баъзан паришон...  
Қайноқ ишқнинг ноёб меваси —  
У яшарди қалбида олов.  
Баъзан кулар, янграйди саси.  
Пинҳон ишқда ёнарди лов-лов...

#### IV

Тонг отади, қумликка чўккан  
Қуёш чиқар Яксарт томондан.  
Етоғидан чиққан мард Широқ  
Ўқ узади уч бор камондан.  
Евуз кучни — Аҳраманни у  
Даф этмоққа гўё ҳар вақт шай.  
Бориб ёқар сўнган гулханни,  
Оқсоқолга тайёрлайди жой.  
Оғ чоптириб жўнар яйловга,  
Кимдир қараб қолар ортидан.  
Ташлангандай оти ҳам овга,  
Қулоқларин чимириб шу дам  
Широқ қалби монанд учади.  
Қумликларни ҳам узоқдан кўриш  
Қумда чопар шак отига хос.  
Мангу Оташ фарзанди Широқ,  
Қабилада полвонлиги рост.  
Уни билар яқину йироқ,  
Уни билар Тиай шаклари,  
Уни билар Тиграхуад ҳам,  
Уни билар тоғ этаклари.  
Уни билар улуг Саксфар.  
У югурар барханлар оша,  
Сувлуғини чайнаб чопар от.  
Юрагида Томрузи яшар.  
Балки шу ишқ бахш этмиш қанот.  
Ўнгда яйлов, дарё воҳаси,

Чапда қумлик — беҳудуд, бесув.  
Билмоғи шарт ҳар шак боласи  
Қайда қудуқ, қайда дашт, кечув...  
Борса келмас қумликларида  
Йўқолдилар беному нишон.  
Бўронларда, Яксарт жариди  
Қанча-қанча ҳалок бўлган жон.  
У югурар қумликлар оша.  
Бу ерларни билар кафтидек.  
Юрагида Томрузи яшар,  
Лекин унга боқолмасди тик.  
Узоқ даштда турган қарғани  
Кўра олур бургут кўзлари.  
Лекин кўрса Томруз қизни у  
Қовушмасди асло сўзлари...  
Бу дунёда энг бахтли киши  
Широқ эди... Ким бўлсин бошқа?  
Ҳеч ким билан йўқ эди иши —  
Она ерга, мангу Оташга  
Сиғинарди вужуди билан.  
Юрагининг бир томонида  
Гўзал Томруз, эзгу севгиси...

\* \* \*

Широқ чопар даштларни оша  
Содиқ йўлдош — остида оти.  
Баҳодирга тулпор ярашар,  
Чопқир оти — учар қаноти.  
Бир у эмас, чопқир оти ҳам  
Қувликларни биларди тугал.

.....

## V

Яхши келди куз, қўзи-қўйлар  
Семиришди, кўлайди ҳадсиз.  
Гавжум бўлди ўтов ва ўйлар,  
Сиғиндилар ўтга чўкиб тиз.  
Олис яйлов, Яксарт бўйидан  
Моллар қайтди — қут ва барака.  
Юрт тинч бўлгач, азалий одат

Эл бошлайди тўю, маърака...  
Оппоқ ўтов ичра қўр тўкиб,  
Уч оқсоқол ўтирар иноқ.  
Ғоят иззат-икромда улар,  
Омирис<sup>1</sup>нинг уйида қўноқ.  
Уч оқсоқол — Рустак, Саксфар...  
Аҳдлашишар, ичишар қимиз.  
Еш жувонлар тақишиб укпар  
Хизмат қилар югуриб ғиз-ғиз.  
Тонг юлдузи ғоятда ёруғ  
Қўринганин шод айтар бир чол.  
Тўйимизга келсин бир уруғ,  
Оқсоқоллар бўлишсин хушқол.  
Саксфару, Рустак, Омирис  
Маслаҳатни қўйди бир ерга —  
Широқ билан Томруз тўйини  
Хабар қилинг, дедилар элга.

Мол сўйдилар, гавжум бўлди тонг  
Қаюмарснинг руҳига эҳсон.  
Гўс ноғора тонгдан урди бонг,  
Шаклар чиқди шод, ясан-тусан —  
Тери камзул, чўққи қалпоқлар,  
Аёлларнинг бўйнида маржон.  
Куз елидан қирмиз ёноқлар,  
Хуррамликка мойилди ҳар жон.  
Тиграхуад — шак уруғига  
Келин бўлар Хоумавар қизи —  
Шак Томрузи — буюк малика  
Шарафи-чун бу тонг юлдузи  
Гўзал Томруз деб аталмишди.  
Тўйидан аввал, шак удумича  
Чавандозлар тушди улоққа.  
Ўйиндан ҳам аввал боришар  
Қаюмарс сув ичган булоққа.  
Чавандозлар шунқори Широқ,  
Белин қайиш билан боғлади.  
Оқсоқоллар қўйган улоқни  
Бургут чангал билан чоғлади.  
Кўкёйиқ деб аталмиш майдон

---

<sup>1</sup> Омирис, Рустак — қабила бошлиқлари.

Одамларга тўлди тонгданоқ.  
Бунда бўлар бел тутиш — кураш,  
Олислардан келишган қўноқ.  
Так-тум урар улкан ноғора,  
Оқ ўтовда мунглидир қўбуз.  
Эту мойга етмас тоғора,  
Оташ амри — яхши келди куз.  
Отда учар полвон йигитлар,  
Одамларнинг кўзи Широқда.  
Қабиланинг эрка Томрузи  
Кузатарди уни йироқдан.

Бир муддатдан кейин элатга  
Тортишдилар ширин таомлар —  
Меҳмонлар хўп тўйишди этга,  
Узатилди қимизли жомлар...  
Уч кеча-уч кундуз Саксфар  
Қўноқларга берди зиёфат.  
Эл ўғлидир, деди, Широқ — мард,  
Йўлатмагин элингга офат!  
Уринлатиб барча удумни,  
Тўй қилишди чорвачи шаклар.  
Донғи кетди бу тўйни элга,  
Завқ — сафога тўлди юраклар.  
Сўнмас Оташ амри-ла шу кўз  
Икки ўсмир топишди мурод.  
Ботир Широқ ва гўзал Томруз  
Эру хотин бўлди умрбод.  
Йиллар ўтди қўшилиб йилга,  
Ҳисобини ким билар, бироқ  
Икки қизу икки ўғилга  
Ота бўлди баҳодир Широқ.  
Ўз элидан, она еридан,  
Тирикликдан мамнунди ғоят,  
Фарзандлари ўсишгач, тез-тез  
Авесто<sup>1</sup>дан ўқирди оят.

## VI

Йиллар ўтди... Бир кун ноғиҳон  
Элда тарқаб қолди шум хабар:

---

<sup>1</sup> Авесто — оташ кадларнинг муқаддас китоби.

Сугдияни босибди Эрон —  
Шак юртларин кутармиш хатар...  
Қатта-кичик саросимада,  
Ев ўтибди буюк Окуздан.  
Оқсоқоллар шошилинич кенгаш  
Ўтказишди яшириниб кўздан.  
Сугд йўлига қўйишди соқчи,  
От чоптириб кетди йигитлар.  
Жуда хавфли эмиш қароқчи —  
Нотинч ҳатто қишлолда итлар...  
Енгил бўлмас қўрғон — Бақтра  
Енгилибди, бўлибди таслим.  
Мароқандда қолмай боғ сира  
Вайрон бўлмиш у шаҳри тилсим.  
Эркакларни қул қилибдилар,  
Аёлларни кетибди ҳайдаб.  
Қасрларни қул қилибдилар,  
Еш гўдаклар юрганмиш дайдиб.  
Шафқати йўқ қилич солармиш,  
Найза билан санчармиш бераҳм.  
Неки бўлса талаб олармиш,  
Ханжар уриб қилар эмиш заҳм.  
Ҳеч бир ишдан қайтмасмиш сира,  
Тўймас эмиш ичиб, еб, талаб.  
Еш қизларни зўрлаб эл ичра,  
Кейин ташлар эмиш бурдалаб.  
Танир эмиш на Қаюмарсни,  
На Оташни, муқаддас сувни —  
Чигирткалар босиб келармиш,  
Ўкирармиш йиртқичдай баъзан,  
Ўхшар эмиш юзи сиртлонга.  
Жимирлашиб кетармиш бадан  
Боққан каби совуқ илонга.  
Бир тиг урса ўлар эмишу  
Икки урса тирилармиш тез...  
Кийган эмиш совут, тери шим,  
Қонсиз эмиш тани, қаттиқ без.  
Сувсизликка йўқмиш чидами,  
Қум бўронга беролмасмиш тоб.  
Барханларга тушмас қадами —  
Кушандаси иссиғу офтоб...  
Бойлик йиғиш эмиш матлаби,



Саркардасин исмимиш Доро<sup>1</sup>.  
Чодир ичра хотинлар каби  
Берар эмиш ўзига оро...  
Бўриларнинг урғочисидан  
Қўрққанидек у йиртқич қоплон —  
Ундан ҳазар қилармиш зўрлар.  
Бадфеъл эмиш, ғоят қопоғон.  
Оқсоқоллар кенгаш қуришар,  
Суғдга чопди дарак топарлар.  
Шаклар тўп-тўп бўлиб туришар,  
Найзабардор, қилич чопарлар.  
Тўрт томонга қўйилди соқчи,  
Хавф ичида шак уруғлари.  
Оқ ўтовда чордана қуриб,  
Кенгаш қилар юрт улуғлари.

### С а к с ф а р

Ақл билан қўйган бир қадам  
Минг қадамдан **авлодир баъзан...**  
Тадбир керак, айниқса бу дам  
Қирқмоқ учун ёвнинг оч бўғзин!

### О м и р и с

Душман кучли...

### Р у с т а к

Хўш, демак, қочмоқ?..  
Жон саломат қолгани маъқул?  
Демак ёвга йўлларни очмоқ?  
Авлод бўлсин умр бўйи қул?

### О м и р и с

Демак, кучли, уни енгмоқ-чун  
Бир бўлмоқни этаман таклиф!  
Ҳали жуда эмасмиз заиф,  
Қўрсатмоққа қодир тиг кучин  
Ботирларим йўқ эмас юртда,  
Тиграҳуад азаматлари

<sup>1</sup> Доро — Эрон шоҳи. Мелоддан илгари 519 йил катта қўшин билан Суғдия, Бақтра ва шакларга қарши юриш қилиб, кўп мамлакатларни босиб олиб вайрон қилади.

Доро бошин кесажак шартта...  
Қочмоқлик йўқ!

### С а к с ф а р

Тўплансин бари!  
Широқ эгиб давангир қаддин,  
Улуғларга қилади таъзим.  
Уч оқсоқол қулоқ солар жим...

### Ш и р о қ

Бордир катта гуноҳимиз ҳам —  
Тўпланмади кучлар бўлиб мушт.  
Бердик «гала ботир»га барҳам,  
Бир бўлишни кўрмадик биз хуш.  
Хоумаварлар қолди ўзича;  
Биз катта деб кўтарди димоғ...  
Массагетлар айтган сўзича,  
Шак уруғи бўлганмиш ямоғ —  
Бир-бирига бўллоймай иноқ.  
Ишимиз эт емоқ, семирмоқ...  
Эртадан кеч кутишлик қўноқ,  
Мўйлов силаш, қимиз симирмак.  
Йигитларнинг тани мой битиб,  
Олишмоққа йўқ лаёқати.  
Наҳот қалбдан жасорат кетиб,  
Тиф тутмоққа йўқдир тоқати!  
Наҳот шаклар ожиз — аёлманд!  
Наҳот шаклар сўйилувчи қўй!  
Наҳот шаклар ейди доим панд!  
Наҳот ғафлат ичра қолди ўй!  
Ҳар бир аблаҳ, ҳар бир газанда  
Чўпон шакни қилади ғорат!  
Ахир бу жон бор экан танда,  
Қимга ёқар қуллик — ҳақорат!  
Фурсат ҳам бор, ўйлайлик пича,  
Ҳали душман анча йироқда.  
Мен элимни қул кўргунимча,  
Чириганим маъқул тупроқда!

### Р у с т а к

Широқ ҳақдир. Лекин бу сўзлар  
Жуда кескин, жуда ҳам аччиқ.

Ҳақиқий дўсту эркин кўзлар,  
Унинг сўзи самимий — очиқ.  
Бизлар кўпроқ гуллатдик базм,  
Умр бўйи симирдик қимиз.  
Қирга чиқиб, ташланг бир разм —  
Бир-биридан узоқ уругимиз...  
Кечроқ кириб келмоқда ақл,  
Қўлдан бериб қўйдик фурсатни.  
«Гала ботир» қолмабди лоақал —  
Қази қилдик қанчалар отни...

### С а к с ф а р

Утмиш қайтмас, излайлик тадбир —  
Айғир отлар ҳали элда кўп...

### О м и р и с

Сен, Саксфар, не дейсан? Буюр,  
Барча шаклар бўлайлик бир тўп?

### Р у с т а к

Мен ҳам рози, менинг уругим  
Бирлашади Саксфар билан,  
Сен-ла қўшин, қурол-яроғим,  
Мажақлансин у ёвуз илон!

### О м и р и с

Бу — маъқул гап!

### С а к с ф а р

Эй, қардошларим,  
Улуғ ишни олдим зиммамга,  
Гапимиз бир ердан чиққани  
Маъқул бўлди. Қирамиз жангга —  
Ҳаммамизга ёр бўлсин Оташ,  
Қаюмарсининг руҳига таъзим!  
Қонли жангда омон бўлсин бош,  
Топталмасин бу эзгу замин!  
Аёлларга айтинг, узоқроқ

Олиб кетсин гўдақларимиз.  
Кўпга бормас айрилиқ, фироқ,  
Кўришармиз омон баримиз.  
Сузма-ю қурт, пишлоқни ғамлаб,  
Этни кўпроқ қуритсин элат  
Уқ ясашсин, кўзларни намлаб  
Юрмасин эл, бу бўлур ғалат!

## VII

Қир бағрида кўримсиз қишлоқ —  
Пастак уйлар, девор, мўрилар...  
Қорамоллар сочилган — қуршов,  
Кунчиқишда дарё ва ўрлар.  
Олислардан учган турна, ғоз  
Пастлаб тушар яқин тўқайга.  
Жуда иссиқ келди бу йил ёз  
Шаклар боқар юлдузга, ойга —  
Тонг юлдузи бу сафар қизғиш,  
Қонталашган каби жамоли.  
Бундай йиллар ют бўларди қиш,  
Эй, Қаюмарс, асра эл молин!  
Суғдияни топтаган Эрон  
Қўшинлари босиб келарди.  
Улар иши фақат қилич, қон,  
Совуқ хабар тинмай еларди.  
Уғир янчир Томруз кечинга  
Гўдақларга тайёрлар хўрак.  
Қатта ўғил Тиай мол боқар,  
Кув шопирар қизалоқ,  
Яна бири — жажжи Зарина  
Соч тарашни севар, бу ҳам иш.  
Яна бири — Яксарт паҳлавон  
Беланчакда ухларди пиш-пиш.  
Дунёнинг дард-ташвишларидан  
Узоқ эди тамоман улар.  
Улар билмас — юрти хатарда,  
Улар билмас — қашқирлар увлар...  
Широқ кияр ярғоқ теридан  
Тикилган у жангий либосни.  
Камар боғлар маҳкам белидан,  
Найза қўлда, қилични осди.  
Томруз йиғлаб, ўчмас Оташдан

Саломатлик тилади унга,  
 Юзларини тутди тутунга,  
 Нам бўлибди ёноғи ёшдан.  
 Шак одати бўйича, Томруз  
 Эр қиличин ўпди, ичди онт —  
 Ердан олиб бир сиқим тупроқ,  
 Манглайига суртди Широқнинг.  
 Сўнг Оташга ташлади шу он.  
 Фарзандларин эркалаб Широқ  
 Ботир бўлиб ўсинглар, деди.  
 Тез қайтармиз, кетмасмиз йироқ,  
 Қуёш бўлсин юзинглар, деди.  
 «Хонадоним, юртим, боламни  
 Топшираман ўзингга, Томруз.  
 Топшираман кўм-кўк даламни,  
 Ғам чўкмасин юзингга, Томруз!  
 Қайда бўлмай, ёдимда сизлар —  
 Жигарларим — уруғ-аймоғим,  
 Унутманглар Оташу сувни,  
 Ёниб турсин бунда чироғим.  
 Хайр, қўчқор, така, қулуним,  
 Хайр, содиқ қопоғонларим!  
 Хайр, чашмам, чуқур қудуғим,  
 Хайр, айғир — чопоғонларим...  
 Хайр, Яксарт — мавж урган дарё!  
 Хайр, қишлоқ, эй, жоним элим!  
 Хайр, хайр... яйловга эмас,  
 Кураш сари бу сафар йўлим.  
 Қўрқитолмас мени жанг-ўлим,  
 Қўрқитолмас бу даҳшатли йўл.  
 Қир устига чиқар бир муддат,  
 Топшираман гўзал Томрузга.  
 Ундан бўлак, бу эл, бу юртга  
 Эга бўла олмас ҳеч кимса!»

## VIII

Эрта тонгда Саксфар бошлиқ  
 Шак қўшини юрди суғд томон.  
 Унг канотда уч юзта этлиқ,  
 Сўл қанотда уч юз тиг. камон.  
 Урталикда найзабардорлар...  
 Энг олдинда, қўнғир айғирда

Цўққитепалик Саксфар борар.  
Унг ва сўлда Омирис, Рустак,  
Отлиқларнинг сардори Широқ  
Қўл манглайда, суғд томон қарар.  
Баъзан отни ниқтаб, югуриб  
Олисларга тикилар туриб  
Яна қайтар, сафга чопар от.  
Туёқлардан кўтарилар чанг,  
Аслаҳалар кучли елкада.  
Ҳаяжон, қўрқув солар жанг —  
Мард Саксфар берарди далда.

\* \* \*

Уч кеча-ю уч кундуз юриб,  
Бир манзилга етиб тўхташди.  
Оқар сувнинг бўйида қўниб,  
Андак мизғиб, қушдек ухлашди.  
Эронлардан билмоқ-чун дарак,  
Йўлладилар айғоқчиларни:  
Сохта соқол тутган олти шак  
Йўловчидек эшакда хуржун,  
Пинҳон тутиб ўткир ханжарни  
Эронийлар томон кетишди,  
Зўр боргоҳга бориб етишди.  
Ярим тунда орқага қайтиб,  
Саксфарга хабарни айтиб —  
Саркардани этишди огоҳ.  
Жимжит эди қўналға — боргоҳ.  
Кекса шаклар ўтга сиғинар,  
Саксфарни қуршашган. Режа...  
Ешлар куйлар, отларга қарар —  
Бошқачароқ эди бу кеча.  
Куйланг, деди Омирис ботир,  
Куйни бошлаб юборди Широқ.  
Ҳамма қулоқ очиб тингларди,  
Тун ёп-ёруғ ой улкан чироқ...

Ўпкам келиб ўғрадим,  
Арслонла-ю кўкрадим,  
Альплар бошин тўғрадим,  
Эмди мени ким тутар.  
Эрон алли оқуштилари,

Қинғир кўзин боқуштилар,  
Қамуғ тулмун туқуштилар,  
Қилич қинқа кўчўп сиғди.<sup>1</sup>

\* \* \*

Тонготарда эронликлар ҳам  
Хабар топиб огоҳ туришди.  
Қир ёнига чўкиб мустаҳкам,  
Карнай чалиб, зўр бонг уришди.  
Шу лаҳзаёқ шак томонда ҳам  
Гўс ноғора урилди гум-гум...  
(Уриларди сотқин ё қотил  
Этилганда ўлимга маҳкум).  
Икки томон келишиб яқин,  
Бир-бирига туришди қамти.  
Қиличлардан чақнарди чақин,  
Отлиқларда узун алам-тиғ.  
Бир томонда карнайли Эрон,  
Бир томонда турарди Турон...  
Кўтарилар тенгсиз бир сурон,  
Одамзодга келади қирон...  
Саф олдига ўтар Саксфар,  
Қўнғир айғир ер тепар, кишнар.  
Енгаман деб интилар жонвор.  
Қичқирар ва сўлуғин тишлар...  
У томонда, оқ от устида  
Дўнгда турар Доро — жиғадор.  
Юртни босиб олмоқ қасдида  
Олислардан кўз ташлар ғаддор!  
Бир дам тинди ғат-ғуту гум-гум.  
Бир лаҳзада чўкди сукунат.  
Майдон ичра Эрон томондан  
Бир паҳлавон тушди суриб от.  
Қаршисига ўкириб, ёлдор  
Тарғил отли шак борди чопиб.  
Жанг авж олди. Шак найзасини

---

<sup>1</sup> Душманга қарши ғазаб билан ҳезландим, арслонлар каби наъра тортдим, ботирларнинг бошини уздим, сўнг маърака майдонида, энди мени ким тута олади, деб бақирдим. Йигитлар бир-бирини чақирди, бир-бирига душманчилик кўзи билан ўқрайиб қарашди. Ҳар хил қурооллар билан урушдилар. Қилич юзларида қон қотиб, қинига сиғмади...

Эронийга санчди пайт топиб,  
Яна бири тушди майдонга,  
Отлар отга сапчиди кишнаб,  
Бир-бирини тепишди тишлаб,  
Паҳлавонлар найза уришди,  
Ўткир тигни қайтарар сипар.  
Бир-бирини куч-ла суришди...  
Шай турарди Доро, Саксфар.  
Икки қўшин кўп ўтмай бирдан  
Бир-бирига қараб югурди,  
Кўтарилди чанг-тўзон ердан,  
Паҳлавонлар қилич суғурди.  
Бир зумдаёқ бўлиб аралаш,  
Жаранг-журинг тушди қиличлар,  
Учиб кетди бировлардан бош,  
Авжда қулаш ва йиқилишлар.  
Широқ найза уриб эронли  
Суворини қулатди ерга.  
Иккинчиси билан олишди,  
Найза қолиб қилич солишди.  
Қалқонлари тешилди зарбдан,  
Отлари ҳам терлади ҳарбдан,  
Пайт пойлашиб айланишарди,  
Қилич билан шайланишарди,  
Бўйнин чоғлар бир-бирин алдаб,  
Гоҳ қалқон-ла ҳужум бўлар даф.  
Лекин пайтни пойлаб Широқ — шер:  
Шартта урди — бўялди шамшир.  
Бошқаси-ла олишди кетди,  
Яна қилич солиша кетди...

\* \* \*

Оқшомгача чўзилди чоп-чоп,  
Она юртни сақлаш учун жанг.  
Чарчадилар, ботмоқда офтоб,  
Икки томон бўлиб қолди танг.  
Қон тўкилди, ғоят кўп қурбон,  
Саҳройи шак озлик қиларди.  
Боргоҳ ичра ёқиб зўр гулхан  
Сифинишиб, зафар тиларди.  
Уч оқсоқол фикр қилишиб,



Чап беришни афзал билишиб,  
Тамом қирилмасин деб тўда,  
Яна куч тўплаш қасдида,  
Шак қўшнин олиб кетдилар —  
Бир манзилга бориб етдилар.  
Туни билан йўл юрилди мўл,  
Қайноқ бадан тердан бўлди ҳўл.  
Қурбонларни бериб тупроққа,  
Ярадорлар олинди ортиб.  
Ризо бўлмай жангдан қайтмоққа  
Тутақарди баъзилар, тартиб  
Бузилгандек бўларди, сафлар  
Бузилмайди, бор-ку Саксфар!

## IX

Сахро. Чодир. Енарди қумлик,  
Чодир ичра Доро дарғазаб.  
Дастурхонда эту ичимлик,  
Каниз елпир, бўшашмас асаб.

### Д о р о

Қирқ найрангим бор дермиш тулки,  
Улардан энг маъқули — пусмоқ...  
Шаклар жимжит. Бирни тутиб кел,  
Ўз жинси-ла маълум шакларнинг феъли.

### Р а н о с б а т<sup>1</sup>

Жимжитликда бир катта хавф бор,  
Бизга маълум шакларнинг феъли,  
Ерни ташлаб қочмас, аламдор  
Кесилса-да қамчидек бели.  
Шаклар қаттиқ боғлиқ заминга.  
Фақат барин ўтказиб тиғдан,  
Ўриб етмоқ мумкин Яксартга,  
Шу ой ўтмоқ керак Кечикдан...

### Д о р о

Қилдек хавфни филдек қиласан,  
Шаклар тарқоқ, юпун, беанжом.

<sup>1</sup> Р а н о с б а т — Доро I нинг саркардаларидан.

Саксфар тез бўлади яксон,  
Бош чаноғин қиламан май жом!

### Р а н о с б а т

Ёввойи мурғ лазиз бўлгандек  
Бу ерларнинг қизлари хўбдир.  
Бу ерларда дам олсак андак,  
Бу ерларда жайрон ҳам кўпдир...

### Д о р о

Даштдаги жанг бўлди зўр сабоқ,  
Жангдан қочмоқ — енгилмоқ демак,  
Энди шакни тоза савамоқ —  
Зерикканда биз учун эрмак...

### Р а н о с б а т

Куч қўшилар, биз тезда қайта  
Қабилалар узра борамиз.  
Йўқса, шаклар қўрқди деб айтар,  
Уч кунлик йўл бизнинг орамиз.  
Забт этишда у Бақтрани  
Қўллагандик биз шундай йўлни.  
Эй, подшоҳ, оз вақт ўтади,  
Чиниқтириб оламиз қўлни.

### Д о р о

Тан олайлик, саҳройи шаклар  
Олишмади аввалда ёмон.  
Андак биздан найзада кучли,  
Бехатодир қўлида камон...

### Р а н о с б а т

Сўзинг маъқул, эй, қуёш ўғли,  
Ҳордиқ олсин қўшин бу палла  
Тахмурас ҳам келсин, буюргил —  
Уч минг бўлар шунда тулпорлар...

### Д о р о

Чопар кетсин, номимдан буюр!

Чекинишиб, жилға бўйида  
 Чодир тутиб дам олди шаклар  
 Даҳшатли ёв ҳар ким ўйида,  
 Интиқомда ёнар юраклар.  
 Тез бостириб келишдек ният  
 Борлигини пайқар Саксфар:  
 «Бундай жимлик ниҳоятда ёт,  
 Бу жимликда ғафлат акси бор...  
 Раносбат, Тахмурас келиб  
 Қўшилсалар керак Дорога...  
 Хужум қилиб қўққисдан тунда  
 Итқитмоқчи бизни дарёга...»

### О м и р и с

Кетайликми бундан ҳам тезда?  
 Ёки элга қайтайлик ва ё —  
 Чопар борсин массагетларга...

### Р у с т а к

Йўқ, бу ерда кутмоқлик керак,  
 Евуз йиртқич қаттиқ ярадор,  
 Қайтган билан тинчимас юрак,  
 Қўкламдаги ёққан совуқ қор  
 Каби босиб келиши ҳам бор...

### Ш и р о қ

Лозим бўлса, майли, ўламиз,  
 Лекин жангда ўч олган аъло.  
 Эшитганмиз, яхши биламиз,  
 Суғдияни қақшатди Доро.  
 Бўри бўри бўлган учунмас.  
 Жаллодлиги учун биз тутиб,  
 Ўлдирамиз, янчамиз уни.  
 Эй Қаюмарс ўғли Саксфар!  
 Ўтирмайлик душманни кутиб.  
 Чопар кетсин массагетларга  
 Йиртқич хужум қилмай қўймайди.  
 Бу галалар анчадан буён

Тупроғимда юрибди дайдиб.  
Рухсат этгил улуғ Саксфар,  
Сафдошларинг баҳодир Рустак,  
Омирис ҳам бўлсинлар рози —  
Мен бир ўзим борай бу сафар...  
Кўп олишдим умримда, йиртқич —  
Тик борганда бўй бермайди ҳеч.  
Жиндек панд ҳам бермоқлик керак —  
Қилич тутмай бормоқлик керак.  
Майли, бошим узсинлар чошиб,  
Ўз еримда юрмайман қочиб,  
Душманга панд бермаймиз нечун?!  
Тотиб қўйсин шакларнинг кучин!  
Дўстлар, шундай фикрга келдим!  
Туққан она юртимни дедим!..

. . . . .

### С а к с ф а р

Режанг маъқул, соғ бўлсин бошинг,  
Уни етказ ниҳоясига!  
Топшираман сени қардошим,  
Сўнмас Оташ ҳимоясига.

### О м и р и с

Сўнмас Оташ, у муқаддас сув  
Мадад берсин қутлуғ йўлингда,  
Парчалансин ҳар ғов, ҳар тўсув,  
Мақсад қилич бўлсин қўлингда!

### К е к с а ч ў п о н

Ол, азамат, жулдур либосим,  
Таёқни ҳам, қовоқни ҳам ол.  
Сенга ўғлим бор илтимосим;  
Душман йўлин қизил қумга сол —  
Янтоқ томон бурма, қудуқ бор,  
Саксовулга ҳайда, бу йўл — шон.  
Оқсиёни<sup>1</sup> кўзлаб юравер,  
Бу йўлда бор на сув, на бир жон...

---

<sup>1</sup> Орол денгизининг қадимий номи.

## XI

Ут ёқишиб, тун бўйи тинмай  
Атрофида қуришди ўйин.  
Авжга минди ноғора, сурнай...  
Қуриб марднинг «охирги тўйин»  
Девлар, жинлар тегмасин дея,  
Мол сўйишди — Оташга ҳадя.  
Паҳлавоннинг метин танига  
Ун сепишди, суркашди тупроқ.  
Руҳи қайтсин деб ватанига,  
Жазавада бўлишди кўпроқ.  
Барча одат — иримни бир-бир  
Бажо қилди тун бўйи Широқ.  
Тирноғидан олишди жиндак  
Бўлмасин деб айрилиқ — фироқ.  
Эрта билан жулдур кийиниб,  
Йўлга тушди қўлида таёқ.  
Сўнмас Оташ, сувга сиғиниб  
Жўнаб кетди у яланг оёқ.  
Урга ётиб қайнар булоқдан  
Тўйиб-тўйиб ичди, батамом  
Қўрқув кетди гўё Широқдан...  
Яна қайтиб келмоғи гумон.  
Ундан кейин, нарироқ бориб  
Ханжар билан кесди бурнини.  
Бир-икки бор танга тиг уриб,  
Қип-қизил қон қилди тўнини.  
Қулоқларни кесиб ташлади.  
Оҳ уриб у бўзлаб, ёшлади...  
Жароҳатнинг аччиқ аламин  
Тишни тишга қўйиб енгди у.  
Кўз олдида ёниб турарди  
Қувват бериб Оташ мангу  
Йўл юриб у, ғоят мўл юриб,  
Излаб кетди эрон қўшинин.  
Қашқирлардан қочиб, югуриб  
Алам билан ўтказди тунин.  
Лекин эзгу юрти, дала-туз  
Ортда қолиб берарди далда  
Хаёлида у гўзал Томруз,  
Тўртта ширин фарзанд хаёлда.  
Унутмаймиз, дегандай бўлиб

Шак қўшини қараб турарди.  
Ардоқлаган юрт ишқи билан  
Баҳодирнинг қалби урарди.  
Широқ борар кўзларида ўт,  
Танларидан оқар иссиқ қон.  
Қулоғида эл айтган ўғит,  
Юрагида кескин интиқом.  
Ундан ҳатто қочди илонлар,  
Паррандалар келмади бетлаб.  
Юз ўғирди совуқ сиртлонлар,  
Ўнгурлардан ўтди у ҳатлаб.  
Олис тепа устида турган  
Соқчи тўсди унинг йўлини.  
Олиб борди пинҳон чодирга  
Маҳкам боғлаб икки қўлини.  
Эронийлар ўраб атрофин,  
Етказишди Дорога хабар.  
Олиб борди пинҳон чодирга,  
Еш навкарлар чиқиб бир нафар.  
Чодир ичра, тахт узра заррин  
Либос кийган Доро ўтирар.  
Елпишарди канизлар, сарин —  
Қафасларда булбул, тўтилар...  
Саркардалар қўл қовуштириб,  
Бош эгишиб турар атрофда.  
Ғоят кучли эди ҳарорат,  
Ола чодир сақлар офтобдан.

. . . . .

### Д о р о

Кимсан, нечун келдинг бу томон?

### Ш и р о қ

Уч ундади, зулм чекдим ёмон.

### Д о р о

Исминг нима? Жабрингга сабаб?

### Ш и р о қ

Исминдир Широқ, бағримдир кабоб,  
Мен бу ерлар чўпони эдим,

Шакларга мол бермайман дедим.  
Таладилар молу жонимни,  
Жароҳатлаб, тўкди қонимни...  
Излаб келдим ўзингдан паноҳ,  
Ўчимни ол улардан, эй шоҳ!

### Р а н о с б а т

Чўпон қаттиқ чекибди зулм,  
Ҳуқм эт, шаклар топишсин ўлим!

### Т а х м у р а с

Ҳаддан ошиб кетмиш Саксфар —  
Буюр, ўзим борай бу сафар!  
Доро узоқ тикилиб қолди  
Шак чўпонин жароҳатига...  
Тадбир излаб хаёлга толди.  
Гўё минди зафар отига...

### Д о р о

Жароҳатин боғланглар маҳкам,  
Хўрак бериб, қўйинглар малҳам...  
Йўлга отлан, сен Раносбат,  
Тахмура с ҳам қўшсин қўшинин.  
Ўн минг тиг-ла шакларни йўқот.  
Туғга қўндир у хумо қушин!  
Ўтказаман тигдан, отимнинг  
Белигача чиқараман қон!  
Шакка ҳаёт бўлар татимлик!  
Омон бермас қочиш, на қалқон.  
Саксфарнинг қизин қучаман...  
Сўнг, қора хун томон кўчаман.

### Ш и р о қ

Бу йўлларни биламан кўп соз,  
Мол боққанман бунда қишу ёз.  
Ҳар бир тепа, ҳар битта янтоқ  
Менинг билан азалий ўртоқ.  
Мен биламан сўқмоқларни ҳам,  
Биламан шак аҳмоқларни ҳам—

Орқа йўллар билан ногаҳон  
Босиб бориб тўктираман қон.  
Ёмонлардан олай ўчимни,  
Билиб қўйсин шаклар кучимни!

## XII

Широқ асло ухлолмай бунда,  
Хаёл сурди зим-зиё тунда.  
Жароҳати беради алам,  
Кўзларига қоронғу олам.  
Панд бериш-чун тузарди режа,  
Кўмак бермоқ бўлар жим кеча...  
Тонгда турди ўрнидан чўчиб,  
Қад ростлади таёғин нўхтаб.  
Серка бўлиб қўшин олдида  
У борарди устида жулдур.  
Тиғни бурро ушлаб олтида  
Соқчилик-ла навкар машғулдир.  
Ундан кейин келар пиёда,  
Кўз илғамас саф поёнини.  
Бундай қўшин йўқдек дунёда,  
Чанг қоплар шак биёбонини.  
Ундан кейин келди отлиқлар,  
Туяларда улкан кажава.  
Камончилар, қопларда ўқлар,  
Ботар қумга баъзан арава.  
Навкарларнинг пайдор кифтида  
Тахтиравон келар лопиллаб.  
Унда Доро, атрофда парда,  
Ҳаво қизир, қақрар қуриб лаб.  
Кучли қўшин—беадад лашкар  
Даштда борар мўри малахдек.  
Чиниқтирган қирғин—талашлар,  
Филбонлари мисоли лахтак—  
Асаса-ю дабдаба билан  
Ўнг қанотида ташлашар қадам.  
Баъзан мешдан сув ичишарди,  
Қизиб борар бу ёруғ олам.  
Энг олдинда, қўлида таёқ  
Широқ борар, йиғлар Она-ер —  
Зирқирарди ёрилиб оёқ.  
Манглайдан оқар қонли тер.



У борарди лашкарни бошлаб—  
 «Хоин» бўлиб қолгандай чиндан?  
 Орқасидан лашкар келару  
 Жирканишар боқиб «хоин»дан.  
 Алдаб уни, мулк қилиб ваъда  
 Раносбат келарди отда.  
 Ваҳми келар боқаркан Широқ—  
 Ортда қўшини ғоятда катта.  
 Бир кун ўтди, қумда тунашиб  
 Хўрак еди, ҳордиқ олишди.  
 Ичиришди сувларни отга.  
 Уйқу босиб, ётиб қолишди.  
 Эрта билан юришди яна,  
 Тунда ҳам ҳукм этилди юрмоқ.  
 Кундуз билан барханлар ёнар,  
 Бордир на бир қудуғу ирмоқ.  
 Найза бўйи келгандек қуёш,  
 Чўл ёнади, жимжит ҳамма ёқ.  
 Улиб қолган каби табиат,  
 Чармда ҳам куяди оёқ.  
 Баъзан олис янтоқ остидан  
 Липпа қочар инига юмрон.  
 Илон чопар юмрон қасдида  
 Бунда фақат жимлик ҳукмрон,  
 Учинчи кун, тугади хўрак,  
 Шалвиради сув тўла мешлар.  
 Шак элидан кўринмас дарак,  
 Камаймоқда отга емишлар.  
 Андек шубҳа юракка тушиб,  
 Пасаяди Доронинг ҳуши.  
 Базму майдан калласи шишиб,  
 Таъбирини сўрайди тушин.  
 У чўпондан сўранглар, дейди,  
 Оз қолдими бу даҳшат қумлик.  
 Наҳот шунча узоқ бўлса йўл,  
 Наҳот шунча, наҳот уч кунлик?!  
 Хўрак емай, сув ичмай Широқ  
 Жадал борар, таёқ қўлида.  
 Йўл яқин дер, аммо йўл йироқ—  
 Саркардалар ўнг ва сўлида.  
 Яқин қолди дея олти кун  
 Қум ичида борар ҳансираб.  
 Ҳолдан кетди лашкар бус-бутун,

Олисларда сой оқар — сароб...  
 Фигон бўлар Доро, қаҳр ила  
 Боқар отлиқ Раносбатга.  
 Утиб қолар лопиллаб илон,  
 Ташлангандек дўзахга—ўтга  
 Пиёдалар оёғи куяр.  
 Доро бағрин бир шубҳа ўяр.  
 Не қилмишин билмас, гапирмас,  
 Уйлаб кўрар, бир йўл топилмас,  
 Дам ичида, тўкилиб қолди  
**Сувсизликдан, очликдан лашкар.**  
 Доро ўзи ғоятда толди,  
 Бу ерларда қаёқда шикор!  
 Ҳаво қизир, ёнарди қумлар,  
 Оёқларда қолмади дармон.  
 Сўйилдилар оту сўқимлар,  
 Сув ғамламай қилишди армон.  
 Етиб қолдик дея Широқ гоҳ,  
 Тезлар эди саркардаларни.  
 Сувсизликдан лашкар урар оҳ,  
 Тўпланарди, гоҳ тарқаларди.  
 Бехудуд чўл—қумлик оралаб,  
 Олис кетди қўшин беманзил.  
 На йўл, на эл бордир. Қақраб лаб,  
 Гавдалари бўлган зил-замбил.  
 Еттинчи кун тугади мадор.  
 Елкалардан тушди қумга тахт.  
 Қулаб ўлди бирдан аламдор —  
 Нишогами кетганидан бахт?  
 Тоқати тоқ бўлиб, кўз ҳориб,  
 Доро чексиз уфққа боқди.  
 Уч-тўрт қадам олдинга бориб,  
 Тахмурасни сўкди, тутоқди.  
 Товус патлик елпигич билан  
 Елпиндилар, ичирдилар сув.  
 Дамга урар эди ҳарорат,  
 Тер оқарди манглайдан дув-дув.  
 Тўрт томонда қум тепалари,  
 Тўрт томонда ўлик табиат.  
 Қўринмайди жоннинг асари,  
 Тўрт томон гунг, тўрт томон ваҳшат.  
 Ҳазабланган «Муқаддас қуёш»  
 Пуркар эди кўкдан шарора.

У норизо, у жазавада  
 Қуйиларди оташ — шалола.  
 Ҳатто юмрон, эчкемарлар  
 Соя излар, томоғи лиқ-лиқ.  
 Тандан ҳатто йўқолган терлар,  
 Даҳшат солар бепоён қумлик.  
 Бир қултум сув жон-жаҳонга тенг,  
 Сув бер, дея жон берардилар.  
 Саркардалар дилида «аттанг!»  
 Това ичра қоврилардилар.  
 Доро боқар қумга сочилган  
 Ярим ўлик — лоҳас қўшинга.  
 Йўқдир нажот, маҳкум этилган  
 Тенгсиз лашкар борар ўлимга!  
 Қайтиб кетмоқ — етти кунлик йўл,  
 Утиб бўлмас бархан — ғовларни.  
 Ютаман деб интиларди чўл  
 Олис элдан келган ёвларни  
 Бутун қўшин саросимада  
 Бошлар қайнар гўё декчадек,  
 Нажот тилар, қўллар осмонда,  
 Оёқда қум, қум эмас чўғдек.  
 . . . . .

### XIII

Ғазаб, титроқ, ваҳший талваса  
 Чулғамишди Дорони буткул.  
 Юра-юра толганди роса,  
 Умидлари куйиб бўлган кул.  
 Ҳолдан тойган Широқни ушлаб,  
 Келтирдилар Дорого яқин.  
 Чарчоқ, лекин шод эди Широқ —  
 Кўзларида ажиб бир ёлқин.  
 Ташна эди ўлгудай, аммо  
 Қониққан той каби турарди.  
 Оч эди-ю, юзда табассум,  
 Гурсса-гурсса юрак урарди.  
 Жулдур кийим кенг елкасида,  
 Баланд тутиб турар бошини.  
 Қиздиравер дегандай бўлиб,  
 Қутлар эди чўл қуёшини.  
 Шира узра ёпишиб ўлган

Қумурсқадай ёв ётар қумда.  
Ҳисоби йўқ тўкилганларнинг...  
Қумлик ёнар мисоли хумдон.

## Д о р о

Берироқ кел, эй, қаттол душман,  
Ғафлат босди, учдик сўзингга.  
Хато қилдик, ғоят пушаймон  
Бўлмоқдаман. Яна ўзингга —  
Йўл кўрсат деб, сенга муножат...  
Йўқса ўлгунг, юртингни кўрмай,  
Бу ерларда қолиб кетасан.  
Оёғимга йиқил, шафқат де,  
Жонингга қасд қилиб нетасан?!  
Пандинг ғоят қимматга тушди.  
Агар қайтиб боролсак омон  
Бергум сенга бутун Эронни...  
Балки яқин бирон қудуқни  
Кўрсатарсан ва ё бир манзил?  
Жонинг қолур омон, эй чўпон,  
Шафқат тила, соғ қоласан, бил!

## Ш и р о қ

Мен бу ерлар эгаси — шакман,  
Ййловим бор, қудуқларим бор.  
Мен ўлмайман, яшаяжакман —  
Элларим бор, уруғларим бор.  
Оташим бор қумлар ичида,  
Унда куяр келгинди ҳар ёв.  
Заминим ҳам, табиатим ҳам  
Босқинчига ғоят беаёв!  
У томонда — Яксарт бўйида  
Фарзандларим юрибди омон.  
Шак қўшини бардам, саломат,  
Сендан юз бор кучли у томон!  
У томонда турар Оқ қалъа,  
Саломатлар буюк Саксфар.  
Омирис ҳам, Рустак ҳам менинг  
Улуғларим қўлида сипар,  
Қўлида бор ўткир яроғи  
Босқинчига қул бўлмас эдим!

Саксфарнинг битта Широғи  
Сиз ёвларга келтирди ўлим.  
Ўз еримда босқинчилардан  
Сўрамайман ҳеч қачон шафқат!  
Ҳеч ким сенга мадад беролмас,  
Сенинг умринг битди, эй офат!!!

## Доро

Раносбат, чоп унинг бошини!

\* \* \*

Широқ бошин кўтарди мағрур,  
Қаҳ-қаҳ урди — енгиш қувончи...  
Қумтепалар ёвга бўлди гўр,  
Аждар бошин ташлади янчиб.  
Қаҳқаҳаси қумликлар оша  
Гумбурлади момақалдироқ.  
Шодлик дилда дарёдек тошар,  
Жанг ғолиби — паҳлавон Широқ  
Офат йўлин тўсди жон билан  
Армони йўқ, ўлимга рози.  
Қаҳ-қаҳ урар ҳаяжон билан  
Оқ қалъага етди овози.  
Талвасада Доро, Раносбат...  
Жон сақламоқ йўлин излашар:  
Саркардалар оч бўрисифат  
Сув талашар, ваҳший — ғажигар...  
Қумурсқадек тўкилиб қолди,  
Қатта қўшин ўлимга маҳкум!  
Соғ қолмоққа умид йўқолди,  
Ютаман деб интиларди қум.  
Қаҳ-қаҳ урди Широқ, енгдим, деб.  
Эй, шак эли тинч яна, юксал!  
Шундай бўлган, шундай ёзилган —  
Босқинчига тақдири азал.

\* \* \*

Қўқлар қамуғ тузилди,  
Ивриқ идиш тизилди,  
Сенсиз ўзим узалди,  
Келгил амул ўйналим...


Раносбат қилич суғуриб,  
 Бир зарб уриб узди бошини.  
 Шу сўнгги зарб билан узди у  
 Ўзининг ҳам жон қуёшини.  
 Широқ қумда ётар, паҳлавоң  
 Таңдан оққан қонни шимди ер. !  
 Бир ўлим бор бир бошда, лекин  
 Мард бошингни кўксимга қўй дер —  
 Сенинг полвон ва пок жасадинг  
 Қучоғимда бўлар, эй Широқ!  
 Эрк сақлади қалбинг, ғазабинг...  
 Шундай деди бу Она тупроқ.

#### XIV

Шак элига, Яксарт бўйига  
 Эронийлар кела олмади...  
 Қаттиқ турди бу ерли шаклар —  
 Курашишди, ўлди, толмади.  
 Босқинчининг қирилгани-ю,  
 Жўмард Широқ шарафин ёдлаб  
 Юртда қирқ кун бўлди тўй-ўйин,  
 Сайр этишда Яксартни ёнлаб.  
 Саксфарнинг олий амри-ла  
 Бутун элда ёқилди оташ.  
 Оташлардан чиққан тутунлар  
 Бўлсин, деди фалакка туташ,  
 Тўрт йўлбарсни ов қилиб келиб,  
 Терисидан бичишди либос.  
 Жўмард Широқ тўрт фарзандига  
 Кийдиришди, келди жуда мос.  
 Қоқиб олиб йиртқич тишларин,  
 Маржон қилиб тақдилар қизга.  
 Оқ қалъадан жавоҳир олиб,  
 Тақишдилар гўзал Томрузга.  
 Элдан элга кўчди тўй-ўйин,  
 Шаклар бахти барқарор, зиёд.  
 Қаюмарснинг ўғли Широқни  
 Катта-кичик ҳамма қилди ёд.  
 Кекса чўпон гулхан ёнида  
 Достон куйлар, атрофда ёшлар.

Қўшиғида, қалбу жонида  
Широқ номин доимо ёдлар.  
Юртинги сев, қадр эт уни, деб,  
Чол бахт тилар, умр зиёда —  
Бежинс инсон юртни унутиб  
Бахт топмас дер ёруғ дунёда!  
Қаюмарсга тиз чўкиб, бош эг —  
Инсон зотин у ибтидоси.  
Қудратига йўқдир сира чек,  
Унга етсин шак илтижоси.  
Уни Хўрмуз яратди ёлғиз —  
Бошин инсон, танин қилиб гов,  
Молу жондан йўқолмасин из.  
Суғд ва шаклар, бош эгинг дарров!  
Шак элига нур сочсин қуёш,  
Суғду шаклар — уруғмиз азал.  
Широқ каби мард бўлсин ҳар ёш,  
Қизлар бўлсин Томруздек гўзал!

1965—66, Тошкент



## МУНДАРИЖА

Таржимаи ҳол . . . . .	5
Шеърлар . . . . .	9
Тупроқ . . . . .	11
Полизда . . . . .	13
Арктика . . . . .	14
«Туғилдим дилнавоз ва илиқ» . . . . .	15
Тошқин дилнинг шод қўшиқчиси . . . . .	16
Қизил олма . . . . .	18
Алла . . . . .	21
Севиқлига . . . . .	22
Ҳали ёшлик ғурурлари кўнглимда . . . . .	23
Пода ўтлар тоғ этагида . . . . .	24
Дарё бўйида . . . . .	25
Учувчи Зухрога . . . . .	26
Ешлигимга . . . . .	27
Ой неваралари . . . . .	28
Рояль . . . . .	29
Октябрь байрами тонгида . . . . .	30
«Бир оёқдан ажралгандим» . . . . .	32
Кўзимга боқасан : : : : . . . . .	33
«Поезд жилди. Хайр» . . . . .	34
«Хайр сенга, жоним» . . . . .	35
«Сен ишқингни яширин тутасан» . . . . .	36
Кел, чекайлик . . . . .	37
Комсомол билети . . . . .	38
Панфиловчи . . . . .	40
«Деразамни ёмғир чертар» . . . . .	41
Коммунист . . . . .	42



Қушлар учди ошенидан . . . . .	45
Висол . . . . .	46
Омонат . . . . .	47
Теримчи . . . . .	48
Ҳалок бўлган жангчига . . . . .	49
Ойнимхон . . . . .	50
Қишлоқ врачлари . . . . .	52
Бўлганмисиз гўзал Асакада . . . . .	54
Селекциячи . . . . .	57
Куз бошланди гўзал Фарғонада . . . . .	59
Қарвон келади . . . . .	61
Кўклам . . . . .	63
«Шаббода эсар ғир-ғир» : : : . . . . .	65
Тортишув . . . . .	66
Помир қизига . . . . .	67
Мичуринчи . . . . .	68
Пушкин колхозчи . . . . .	69
Зоотехник . . . . .	70
Ўртоқ Ли . . . . .	72
Инкубатор . . . . .	74
Икки имзо . . . . .	76
Водий бўйлаб қанот қоқди кўклам . . . . .	78
Колхозда ГЭС . . . . .	79
Ватан ҳақида . . . . .	82
Жолио-Кюри : : : . . . . .	83
Кремль юлдузлари . . . . .	85
Тинчлик байроғини баланд кўтаринг . . . . .	86
Токаръ . . . . .	89
Ҳаёт енгади . . . . .	90
Ольга Агафоновага хат . . . . .	91
Қизим Дилсўзга . . . . .	92
Партияга . . . . .	93
Бухгалтер . . . . .	94
Арсенал . . . . .	95
Анна Шелест . . . . .	96
Венесуэлалик Тереза хоним . . . . .	98
Киев каштанлари . . . . .	102
Дуб . . . . .	103
Ер-ёр . . . . .	104
Жоржи Амаду . . . . .	106
Болгар дўстларим . . . . .	108
Саламеа Совет адабиёти ҳақида . . . . .	110
Чандралика . . . . .	111

Ҳинд раққосаси Тара Чоудри . . . . .	113
Доктор Моханлал Атал . . . . .	114
Негр ашулачиси Хьюз қўшиғи . . . . .	116
Қора кўзойнак . . . . .	117
Қирғизистон тоғларида . . . . .	119
Луқмон ва Уроқбой . . . . .	121
Биттагина сўз учун келдим атай . . . . .	124
Севиб . . . . .	125
Совуқлик ҳақида . . . . .	126
Мен — мевали дарахт . . . . .	127
«Кўркам бино, боғча, оқ» . . . . .	128
Севги нима . . . . .	129
Бўз бола эдим . . . . .	130
Витоша . . . . .	131
Баъзида кўпаяр ишларинг . . . . .	132
Ҳижронни енгиб . . . . .	133
Қон-қардошлик . . . . .	134
Болгар шоири дўстим Матевга . . . . .	135
Ўзбекистон . . . . .	137
Ленин ва узоқ асрлар . . . . .	138
Апассионата . . . . .	139
Ленин . . . . .	140
Севги хати . . . . .	141
Осмон каби чексиздир инсоннинг тафаккури . . . . .	143
Соҳибкор . . . . .	144
Палов . . . . .	145
Ғафур акага . . . . .	146
Хола ва бола . . . . .	147
Рус тили . . . . .	148
Армон . . . . .	149
Гарчи куйдирса ҳам : : : : : . . . . .	150
Май шеъри . . . . .	151
Президент . . . . .	153
Чинор . . . . .	155
Ҳамза душманларига жавобим . . . . .	156
Ростгўйлик . . . . .	158
Йўқотиш . . . . .	159
Инсон . . . . .	160
Элчи . . . . .	161
Заҳматкаш : : : : : . . . . .	162
Она . . . . .	163
Устоз шоир . . . . .	164
Ўзбекистон . . . . .	165

Агар мендан сўрасалар . . . . .	167
Ишчи . . . . .	168
Фарзанд кулгиси . . . . .	169
Африка . . . . .	170
Сўнмаслик . . . . .	171
Табиат қонуни ҳақида . . . . .	172
Абадийлик . . . . .	173
Соз . . . . .	174
Қалб . . . . .	175
Вақт ўғриси . . . . .	176
Бомбайда, губернатор боғида . . . . .	177
Буюк бино . . . . .	178
Қоракўл қўзичоқ . . . . .	179
Қалдирғоч учиб келгач . . . . .	180
Парашютчи . . . . .	181
Дунё қалби . . . . .	182
Қанча баланд чиқса . . . . .	183
Ҳирс . . . . .	184
Бир адабий танқидчи ҳақида . . . . .	185
Қалб ила боғла . . . . .	186
Қурбонлар . . . . .	187
Қайнамоқ, қайнамоқ! . . . . .	188
Йўллари бошқа-бошқа . . . . .	189
Ақл турганда нечун . . . . .	190
Зарра ҳақида . . . . .	191
Инсоний умр . . . . .	192
Қалб ва қалам . . . . .	193
Қалб ҳарорати . . . . .	195
Кучли танда тўлқинлансин қайноқ, покиза қонинг . . . . .	197
Иккиликлар . . . . .	198
Юракни сийнадан ажратиб бўлмас . . . . .	199
Гўзаллик . . . . .	200
Янги ой . . . . .	201
Мислсиз парвоз . . . . .	202
Маяковский биз билан . . . . .	203
Она юртга атаб . . . . .	204
Лиқиллаган кузги япроқ . . . . .	206
Ҳақгўйлик . . . . .	207
Чоллар расадхонада . . . . .	210
Нега булбул кул ранг . . . . .	211
Беқиёс кенгайди инсон тафаккури . . . . .	212
Узинг гўзалсан . . . . .	212
Дала ташна шоир меҳрига . . . . .	213

«Кўлга ёғарди ёмғир» . . . . .	215
Гуржистон : : : : : . . . . .	216
«Гувиллар мотор саси» . . . . .	216
Омад келса . . . . .	217
Лойиқ бўлсанг бу тенгсиз бахтдир . . . . .	218
Қозоқ шоири Сирбой . . . . .	219
Шимол қизи Линда Сааремаа . . . . .	221
Уша кўзлар ёдимда . . . . .	223
Қаримайди, яшар қалбимда . . . . .	224
Яна бағишлардим . . . . .	225
Ильичга боқиб . . . . .	226
Ўзбек гўзали . . . . .	228
Бобир ва бир тилим Фарғона қовуни . . . . .	230
Бурчакдаги уч киши . . . . .	233
Ҳар сафар келаман . . . . .	234
Бир қориндан тушган . . . . .	235
Ўттиз йил ўтибди . . . . .	236
Қатл пайти у боқди Шарққа . . . . .	237
Не-не курашларни кўрмади бу ер . . . . .	237
Бағринга кираман ложувард денгиз . . . . .	238
Реквием . . . . .	239
Зилзила . . . . .	241
Жаннатда туриб, шахримни соғиндим . . . . .	243
Ойдин . . . . .	244
Устоз Тихонов . . . . .	245
Паҳлавон . . . . .	247
Уйқусиз кечалар . . . . .	249
Интилиш . . . . .	250
Бизнинг фалсафа . . . . .	251
Бир «андалиб»га . . . . .	254
Бир варақ қоғоздай ёниб кетди у . . . . .	256
Қалъа . . . . .	257
Урнатилган юрак . . . . .	258
Ер айланади . . . . .	260
Севгил . . . . .	261
Лабораториядаги бақалар . . . . .	262
Йигитлик қалъасин топширмам бежанг . . . . .	264
Тонгни қутлаб . . . . .	265
Мўъжиза . . . . .	266
Бахил . . . . .	268
Одамларга боқар ва лекин кўрмас . . . . .	269
Авесто . . . . .	270
Қадимги қўшчилар марши . . . . .	273

Ешлик гуноҳларим . . . . .	275
Устод Садриддин Айний билан учрашув . . . . .	276
Еш оналарга сўзим . . . . .	278
Бобо най . . . . .	279
На зулфи паришон . . . . .	281
Менинг оғам — Миршакар . . . . .	282
Қисмат . . . . .	283
Ҳисори мо — зар нисори мо . . . . .	284
Юз йилдан сўнг . . . . .	285
Меҳнат ва тўй . . . . .	287
Чўлуқнинг ҳалокати . . . . .	289
Карнай . . . . .	291
Дунё яшармоқда . . . . .	292
Ленин туғилган шаҳарда . . . . .	293
Бу ернинг осмони кенг . . . . .	294
Ҳалоллик . . . . .	295
Москва эслатибди туғилган куним . . . . .	296
«Илгари Курра дердик» . . . . .	297
Уроқда йўқ, машоқда йўқ . . . . .	298
Бўтажон нега семириб кетди. . . . .	300
Тайёр гаплари кўп ҳалтада . . . . .	301
Сатанг . . . . .	302
Эзма . . . . .	304
Танбаллик нима . . . . .	305
Эшматвойнинг қулоғига айтиб қўйингла-а-ар... . . . .	306
Бир фитна шахсга . . . . .	307
«Юэни кулдириш осон» . . . . .	308
«Қалб тепар гурс, гурс» . . . . .	309
«Умринг ўтажак, ғам тугамас» . . . . .	310
Емон кўздан сақлаб . . . . .	311
Рус дарёлари . . . . .	313
«Двигатель революции» заводда шеър ўқиш . . . . .	314
Йўрғакдаги ўқувчимга . . . . .	316
Ишчилар . . . . .	317
Ильич туғилган шаҳарда . . . . .	319
Достонлар . . . . .	322
Луиза фожиаси . . . . .	323
Дунан . . . . .	329
Широқ . . . . .	334

На узбекском языке

**МИРМУХСИН**

*Избранные произведения  
в 3-х томах*

ТОМ I

**СТИХИ, ДАСТАНЫ**

Редактор *М. Жалилов*

Рассом *Э.Ғ.Валиев*

Расмлар редактори *Н. Холиқов*

Техн. редактор *Э. Саидов*

Корректор *М. Қудратова*

Босмахонага берилди 19/VII—72 й.  
Босишга рухсат этилди 13/XI-72 й.  
Формати 84×108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма л. 12,0.  
Шартля босма л. 19,74. Нашр л. 11,54. Тиражи 10000.  
Ғафур Ғулом номдаги Адабиёт ва санъат нашриёти,  
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Шартнома № 29-72

Ўзбекистон ССР  
Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия  
ва китоб савдоси ишлари бўйича  
Давлат комитетининг  
Тошкент полиграфкомбинатида  
№ 1 қорозга босилди.  
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
1973 й. Заказ № 1782, Баҳоси 1 с. 71 т.

**Мирмуҳсин.**

Танланган асарлар. 3 томлик [кириш сўзи]. Т. 1.— Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973.

Т. 1. Шеърлар, достонлар. 1973.

Мирмуҳсин. Избранные произведения. В 3 т. Т. 1. Стихи, дастаны.

Уз2

№ 120—72

Навой номли ЎзССР Давлат  
кутубхонаси